

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
ИҚТИСОДИЁТИ”
модули бўйича**

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тошкент – 2019

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
ИҚТИСОДИЁТИ”**

модули бўйича

ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тошкент 2019

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 ноябрдаги 1023 -сонли буйруғи билан Сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш йўналиши учун тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди

Тузувчилар: Сангирова У. – ТИҚҲММИ, “Сув хўжалиги иқтисодиёти” кафедраси мудири
Намозов Ж.А. – ТИҚҲММИ ПҚҚТМО тармоқ маркази мухандис - дастурчиси

Тақризчи: Абдуллаҳ Лин, - Шимолий Малайзия университети профессори

Ўқув-услубий мажмуа Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти илмий кенгашининг 2019 йил 31 октябрдаги 3-сонли қарори билан чоп этишига ва фойдаланишига тавсия қилинган

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ	12
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР	21
IV. АМАЛИЙ МАШғУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ	78
V. КЕЙСЛАР ВА ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ	103
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ	110
VII. ГЛОССАРИЙ	111
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	ОШИБКА! ЗАКЛАДКА НЕ ОПРЕДЕЛЕНА.

ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармони ва 2018 йил 08 майдаги “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари иснтитутида олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизиминитубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3702-сон Қароридаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиқкан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қиласди. Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Ушбу дастурда қишлоқ ва сув хўжалиги иқтисодиётидаги натижалар, Агросаноат мажмуаси ва қишлоқ хўжалигига бозор муносабатларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалигининг иқтисодий механизмлари, сув хўжалигига ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги, қишлоқ ва сув хўжалигига инвестициялар, ва инновациялар ва илмий-техник тараққиёт ва сув хўжалиги ташкилотлари фаолияти таҳлили баён этилган. Дастурда шунингдек сув хўжалиги қурилишини лойиҳалаш , техник иқтисодий асослаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни сотиш тизимига тааллуқли маълумотлар ҳам келтирилган.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Қишлоқ ва сув хўжалиги иқтисодиёти” модулининг мақсад ва вазифалари:

- Олий таълим муассасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларнинг ўқувтарбиявий жараёнларини юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Курснинг **вазифаларига** қўйидагилар киради:

“Сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;

педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;

мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;

махсус фанлар соҳасидаги ўқитишининг инновацион технологиялари ва илфор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;

“Сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Қишлоқ ва сув хўжалиги иқтисодиёти” курсини ўзлаштириш жараёнида доирасида:

Тингловчи:

- иқтисодиётнинг янги назарияларини;
- агросаноат мажмуаси ва қишлоқ хўжалигига бозор муносабатларини тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш усулларини;
- Ўзбекистонда мустақиллик йилларида сув хўжалиги ва мелиорацияни ривожлантириш йўналишларини;
- бухгалтерия ҳисоби ва аудитни ташкил этишнинг усул, услубиётлари ҳамда ҳуқуқий-меъёрий асосларини;
- бухгалтерия ҳисоби ва аудитни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари;
- бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишнинг меъёрий – ҳуқуқий асослари;
- бошқарув ҳисобининг замонавий тизимлари;
- ҳисоб ва аудитни ташкил қилишнинг амалдаги муаммолари ҳамда ривожланиш истиқболлари;
- Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқаришнинг ўзига хос хусусиятларини;

- иқтисодиёт тармоқларида сув ресурсларидан фойдаланишнинг асосий йуналишлари;
- сув хўжалиги ташкилотлари ва муассасалари, ва уларнинг институционал таҳлилини;
- мутахассислик фанларини ўқитишдаги илфор хорижий тажрибаларни;
- қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасини ривожлантиришдаги ўзгаришларни *билиши* керак.

Тингловчи:

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ва бошқаришни ташкил этиш;
- қишлоқ хўжалигининг иқтисодий механизмларини қўллаши;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш тизими фаолиятини таҳлили қилиш;
- сув хўжалиги қурилиши корхоналарда бизнес-режалаштириш ва лойиҳалар ишлаб чиқиш;
- молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим этиш;
- бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этилишни назарий ва амалий жиҳатдан қўллаш;
- бошқарув ҳисобининг хорижий тажрибаси ва замонавий тизимларини қўллаш
- молиявий ҳисобот юзасидан аудиторлик ҳисботи ва хулосасини тайёрлаш хақида
- сув хўжалиги ташкилотида инсон ресурсларини бошқариш, ташкилий маданият, етакчилик (лидерлик) ва бошқарув услубларини танлаш;
- сув хўжалиги ташкилотида ўзгаришларни тушуниши ва ўзгариш концепциясини қўллаш;
- сув хўжалиги корхоналари фаолиятини таҳлил қилиш ва қурилиш маҳсулотлари бозори муаммоларининг асосий иқтисодий талабларини ифодалаш *қўнималарига* эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- иқтисодий жараёнларни таҳлил қилишда иқтисодий қонунлар, илмий тушунчаларни (категорияларни) ечимлар қабул қилишда ишлата олиш;
- сув хўжалиги корхоналари фаолиятини иқтисодий таҳлил қилиш;
- сув хўжалиги қурилишида бозор иқтисодиёти механизмларидан фойдаланиш;
- иқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблашда маҳсус компьютер дастурларидан фойдаланиш;
- бухгалтерия ҳисобининг миллий ва халқаро тажрибалари қиёсий таҳлил қилиш ва ҳамда таълим жараёнида қўллаш;

- бухгалтерия ҳисобини юритишда ҳамда аути ўтказишга босқичларида маҳсус компьютер дастурларидан фойдаланишга оид;
- сув хўжалиги ташкилотлари ва уларнинг институционал таҳлил қила олиш;
- сув хўжалигига муаммоларни ечишда менежмент имкониятларидан фойдаланиш;
- Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги сиёсатининг ўзига хос хусусиятларини билиш ва тармоқ даражадаги вазиятларда ечимлар қабул қилиш **малакаларига** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- жаҳондаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларни чукур таҳлил этиш ва олингган хуносаларини кенг жамоатчиликга тушунтириб бериш ҳамда сув хўжалиги иқтисодиёти соҳасида тайёрланा�ётган мутахассисларни ўқитиш жараёнига назария ва амалиётнинг узвий боғлиқлигини таъминлаш;
- сув хўжалиги қурилиши ташкилоти (корхонаси) бизнес-режасини ишлаб чиқиш;
- оптимал бошқарув қарорларини қабул қилиш;
- сув хўжалиги қурилиши лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қўллаш;
- ҳисоб ва аудит маълумотлари асосида хўжалик юритувчи субъектлар истиқболини белгиловчи оптимал бошқарув қарорларини қабул қилиш;
- ҳисоб ва аудитни ташкил қилиш бўйича меъёрий-хуқуқий хужжатлардаги тартиб ва қоидаларни амалиётга жорий қилиш;
- республикада ва хорижда қишлоқ ва сув хўжалиги бошқаруви соҳасида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар ҳақида маълумотга эга бўлиш ва уларни таҳлил этиш;
- сув хўжалигини бошқариш соҳасида мавжуд бўлган долзарб амалий масалаларни ечиш учун янги технологияларни қўллаш;
- сув хўжалиги корхоналарини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича дастурлар ишлаб чиқиши, корхоналарни инновацион ва стратегик ривожлантириш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш” курси маъруза, амалий ва кўчма машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва мультимедиа технологияларидан;
- ўтказиладиган амалий ва кўчма машғулотларда лаборатория жиҳозларидан техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари,

ақлий хужум, кичик гурухлар билан ишлаш, коллоквиум үтказиш ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Кишлоқ ва сув хұжалиги иқтисодиёти” модули мазмуни үқув режадаги “Сув хұжалигыда бухгалтерия ҳисоби ва аудит” ва “Сув хұжалиги менежменти” үқув модуллари билан узвий боғланған ҳолда педагогларни қишлоқ ва сув хұжалиги иқтисодиёти бүйіча касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар қишлоқ ва сув хўжалиги иқтисодиёти тармоқ хусуиятлари ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини таўкил этиш ва бошқариш, иқтисодий кўрсаткичларини ҳисоблаш ва таҳлил қилишга, улар иш сифатини баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Ҳаммаси	Ўқув юкламаси			
			Масофавий	Аудитория	жумладан	
					Назарий	Амалий
1	Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш йўналишининг мазмуни	6	4	2	2	
2	Агросаноат мажмуаси ва қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини ривожлантириш.	6	2	4	2	2
3	Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва бошқариш.	12	4	8	2	2
4	Сув хўжалигида ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги.	6	2	4	2	2
5	Сув хўжалиги ташкилотлари фаолияти таҳлили.	4	2	2		2
Жами		34	14	20	8	8
						4

НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-Мавзу: Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш йўналишининг мазмуни

2017-2021 йиллрада Ўзбекистонни ривожлантириш Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор йўналишларидан бири - иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш йўналишининг мазмуни ва давлат дастурининг асосий вазифалари ва натижалари.

2- Мавзу: Агросаноат мажмуаси ва қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини ривожлантириш

Агросаноат мажмуаси ва қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини ривожлантириш. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлиги. Қишлоқ хўжалиги тармоқлари иқтисодиёти.

3 - Мавзу: Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва

бошқариш

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва бошқариш. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш тизими. Қишлоқ хўжалигининг иқтисодий механизми.

4- Мавзу: Сув хўжалигига ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида сув хўжалиги ва мелиорацияни ривожлантириш. Сув хўжалигига ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги. Сув хўжалигига инвестициялар, инновациялар ва илмий-техник тараққиёт.

АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-Амалий машғулот

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлиги

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиширишнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш. Дехқончилик ва чорвачилик тармоқларини ривожлантиришнинг иқтисодий кўрсаткичлари. Ялпи ва товар маҳсулоти, меҳнат унумдорлиги, маахсулот таннархи, ялпи ва соғ даромадларни ҳисоблаша методикалари.

2-Амалий машғулот

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарши интенсивлаштириш

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлаштиришнинг моҳияти. Интенсивлаштиришнинг асосий йўллари ва омиллари. Интенсивлаштириш даражасининг кўрсаткичлари ва самарадорлиги. Қишлоқ хўжалигини янада интенсивлаш вазифалари ва йўллари.

3-Амалий машғулот

Сув хўжалиги қурилишини лойиҳалаш асослари

Лойиҳалаштиришнинг аҳамияти ва вазифаси. Лойиҳалаштиришнинг асосий принциплари. Сув хўжалиги қурилишида лойиҳа ечимларнинг самарадорлигини аниқлаш усуллари.

4- Мавзу: Сув хўжалиги ташкилотлари фаолияти таҳлили

Сув хужалиги ташкилотларини меҳнат ресурслари билан таъминланганлиги ва уларнинг унумдорлигининг таҳлили. Ходимлар таркибининг таҳлили. Иш вақтидан фойдаланиш таҳлили. Сув хужалиги ташкилотларининг асосий фондлари ва улардан самарали фойдаланиш таҳлили. Сув хужалиги ташкилотларининг материал бойликлар билан таъминланиши ва улардан самарали фойдаланиш таҳлили. Сув хужалиги ташкилотларида ишлар ва хизматлар таннархининг таҳлили. Сув хужалиги ташкилотлари рентабеллиги ва унинг қўрсаткичлар тизими таҳлили.

5- Кўчма амалий машғулот

Қишлоқ хўжалиги тармоқлари иқтисодиёти таҳлил қилиш

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ва сотиш тизимларини таҳлил қилиш. Қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқаришни режалаштириш. Қишлоқ хўжалигининг моддий–техника воситалари ва улардан фойдаланиш таҳлили.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулолар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишини ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган масала ёки муаммолар бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантикий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (масала ёки муаммолар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш);
- кўчма машғулолар (трактор ва двигателларни синовдан ўтказиш бўйича билимларни мустаҳкамлаш, мавжуд жиҳозлар билан яқиндан танишиш)

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Баҳолаш мезони	Максимал балл	Изоҳ
1	“Қишлоқ ва сув хўжалиги иқтисодиёти ” модули бўйича	2.5	Тест – 1.5 балл Дарслардаги фаоллик, мустақил таълим, топшириқларни бажариш – 1 балл

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Интерфаол (Interactive) сўзидан олинган – суҳбатли маъносини билдиради. **Интерфаол** таълим бериш - суҳбатли таълим бериш, бунда таълим берувчи ва таълим олувчининг ўзаро ҳаракати амалга оширилади.

Интерфаоллик даража қанча юқори бўлса, таълим бериш жараёни шунча натижали бўлади. Қишлоқ хўжалик мобил энергетик воситалари модулини ўқитишида қуидаги интерфаол методлардан фойдаланиш мумкин.

Кластер методи


Кластер – тутам, боғлаш маъносини билдиради. Кластер маълумот харитасини тузиш воситаси – барча фикр конституциясини фокуслаш ва аниқлаш учун қандайдир асосий омил атрофида ғояларни йигади. Билимлар фаоллашишини таъминлайди, мавзу бўйича фикрлаш жараёнида янгича ассоциация тақдим этишга эркин ва очиқ кириб боришга ёрдам беради.

Кластерни тузишда синф доскаси ёки катта қоғоз варағи марказида калит сўзлар 1 – 2 сўздан иборат мавзу номланиши ёзилади.

Калит сўзлар билан ассоциация бўйича ён томонидан кичкина ҳажмдаги айланага “йўлдошлар” ёзилади – ушбу мавзу билан алоқадор сўз ёки сўз бирикмаси. Улар чизиқ билан “бош” сўзга боғланилади. Ушбу “йўлдошлар”да “кичик йўлдошлар” ҳам бўлиши мумкин ва бошқалар. Ёзув ажратилган вақт тугагунга ёки ғоя йўқотилмагунча давом эттирилади.

Кластер намунаси

Двигателлар мойлаш тизими элементлари учун кластер



- тизимли мушоҳада қилишни, маълумотларни таркиблаштириш ва тизимлаштириш қўникмасини ривожлантиради.

Тоифали шарҳни тузишда дастлаб уни тузиш қоидалари билан танишилади. Янги ўқув материали билан танишилгандан кейин олинган маълумотлар фрагментларини бирлаштиришга имкон берадиган тоифаларни излаш ишлари олиб борилади. Бунда гурухни мини гурухларга ажратиш ва ақлий хужумдан фойдаланиш мумкин.

Тоифалар жадвал қўринишида расмийлаштирилади. Фоя маълумотлар жадвалида тегишли тоифалар бўйича тақсимланади. Иш жараёнида маълум бир тоифалар номлари ўзгартирилиши мумкин. Янгилари пайдо бўлиши мумкин. Иш якунида олинган натижа тақдимот қилинади.

Тоифали жадвал намунаси

Иқтисодиёт соҳаси учун тоифали жадвал

Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқлари		
Чорвачилик тармоғи	Дехқончилик тармоғи	Сув хўжалиги тармоғи

Концептуал жадвал методи

Концептуал жадвал - ўрганилаётган ҳодиса, тушунча, қараш, мавзува шу кабиларни икки ва ундан ортиқ жиҳат бўйича таққослаш имконини беради. Тизимли мушоҳада қилиш, маълумотларни таркиблаштириш ва тизимлаштириш қўникмасини ривожлантиради.

Концептуал жадвал тузишда дастлаб уни тузиш қоидалари билан танишилади. Таққосланадиган нарса аниқланади, таққослаш амалга ошириладиган тавсифлар ажратилади.

Якка тартибда ёки мини - гурухларда концептуал жадвал қурилади ва тўлдирилади;

- вертикал бўйича - таққослаш талаб этиладиган нарсалар (қарашлар, назариялар) жойлаштирилади

- горизонтал бўйича - таққослашни амалга оширишдаги ҳар хил тавсифлар жойлаштирилади. Иш якунида олинган натижа тақдимот қилинади.

Т- жадвал методи

Т – жадвал - битта концепция (маълумот)нинг жиҳатларини ўзаро солиштириш ёки уларни (ҳа/йўқ, ҳа/қарши) афзаллик/камчиликларини аниқлаш учун ишлатилади. Бу жадвал танқидий мушоҳадани ривожлантиради, у қўпроқ якка тартибда расмийлаштирилади.

Олдин Т – жадвал қоидалари билан танишилади. Ажратилган вақт оралиғида якка тартибда (ёки жуфтликда) тўлдиради, унинг чап томонига сабаблари ёзилади, ўнг томонига эса чап томонда ифода қарама – қарши ғоялар, омиллар ва шу кабилар ёзилади.

Т-жадвал намунаси

Тармоқлар учун Т-жадвал

Афзалликлари	Камчиликлари

Топшириқ якунида тузилган жадваллар таққосланиб барча ўқув гурухи ягона учун ягона Т – жадвал тузилади.

“SWOT-таҳлил” методи

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш ўйларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласи.



Намуна: Қишлоқ вас ув хўжалигидаги корхоналар фалияти SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

S	Қишлоқ хўжалигига ресурслардан самарали фойдаланишнинг кучли томонлари	Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширади ва тежамкорликни яхшиланиши ...
W	Қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги тизимининг кучсиз томонлари	Рентабеллиг даражасининг пасайиши...
O	Қишлоқ ва сув хўжалиги тизимининг яратилган имкониятлардан фойдалана олиши	...
T	Тўсиқлар (ташқи)	...

Хулосалаш (Резюме, Веер) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеристидаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича

ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантикий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гурухлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гурухларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гурухга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни таркатади;



ҳар бир гурух ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мuloҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласди;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий аҳборотлр билан тўлдирилади ва мавзу якунланали.

Намуна:

А		Б	
афзалиги	камчилиги	афзалиги	камчилиги

Хулося:

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки гоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯхий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Венн диаграммаси методи

Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишиган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;

Намуна:

Кишло хўжалигининг ихтисослашувви ва жойлаштирилиши



- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гурӯхларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гурӯх аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

«Нима учун?» схемаси

«Нима учун?» схемаси - муаммонинг дастлабки сабабини аниқлаш бўйича бир бутун қатор қарашларни ўз ичига олади. Тизимли, ижодий, таҳлилий мушоҳада қилиш қўнималарини ривожлантиради. Топшириқни беришдан олдин «Нима учун?» схемасини тузиш қоидалари билан танишилади.

Якка тартибда (жуфтликда) муаммо шакллантирилади. «Нима учун?» сўроғи билан стрелка чизилади ва ушбу саволга жавоб ёзилади. Ушбу жараён муаммони келтириб чиқарган илдиз яширган сабаби ўрнатилмагунча давом эттирилади. Топшириқни бажариш жараёнида талабалар мини-гурухларга бирлашади, ўз схемаларини таққослайди ва қўшимчалар киритадилар, маълумотларни умумий схемага жамлайди. Натижалар тақдимоти қилинади.

«Нима учун?» схемаси намунаси

Қишло хўжалигида сотиш тизими учун «Нима учун?» схемаси

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишини амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичиға қуидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи”ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топширигини белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топширигининг	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;

ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

Кейсни бажариш босқичлари :

- Кейсдаги муаммоларни келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг (индивидуал ва кичик гуруҳда).
- Кейсда келтирилган муаммоларни бартараф қилишда бажариладиган ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги иш).

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-Мавзу: Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш йўналишининг мазмуни

Режа:

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор йўналишлардан бири – иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш йўналишининг мазмуни ва бу бўйича йил номланишидан келиб чиққан ҳолда алоҳида бир йиллик давлат дастурининг асосий вазифалари ва натижалар.

Таянч иборалар: стратегия, дастур, либераллаштириши, ищналишилар, концепция, электорн ҳукумат, тармоқ, худуд, даромад, тармоғлар, терроризм, экстремизм, кредит, инновация.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегияси ўрта муддатли истиқболда давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаб берган энг муҳим дастурий ҳужжат ҳисобланади. 2017 йилда Харакатлар стратегиясини амалга оширишда алоҳида эътибор “Инсон манфаатлари - ҳамма нарсадан устун” деган тамойил ва “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган эзгу тоғанинг, энг аввало, халқ билан тўғридан-тўғри мулоқот ўрнатиш ҳамда фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг реал ҳимоя қилинишини таъминлаш орқали ҳаётга амалий тадбиқ этилишига қаратилди.

Харакатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури доирасида 30 дан ортиқ қонунлар ҳамда 900 дан ортиқ қонуности ҳужжатларининг қабул қилиниши кенг кўламли ислоҳотлар, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани жадал ривожлантириш, халқ фаровонлигини юксалтиришнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналари, шунингдек, ҳар бир давлат органида ташкил этилган фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўйича маҳсус бўлинмалар аҳоли билан ишлашнинг сифат жиҳатидан янги самарали тизимини шакллантиришга хизмат қилди. Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепцияси давлат бошқарув тизимини тубдан ислоҳ қилиш, “Электрон ҳукумат” ва давлат хизматлари кўрсатиш тизимини ривожлантириш, иқтисодиётга маъмурий таъсирни қисқартириш ҳамда бошқарувнинг бозор механизмларини кенгайтириш, соғлом рақобат мухити ва қулай инвестиция иқлимини яратиш бўйича аниқ чора-тадбирларни белгилаб берди.

Суд-хуқуқ тизимида судларнинг ҳаққоний мустақиллигини

таъминлаш, суд кадрларини танлаб олишнинг демократик ва шаффоф механизмини шакллантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Жойларда маъмурий ва иқтисодий судларнинг ташкил этилганлиги одил судловга эришиш даражасини ошириш имконини берди. Хукуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимини ислоҳ қилиш, хукуқбузарликларни барвақт профилактика қилиш ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида мамлакатда жиноятчиликнинг умумий қўрсаткичи 15,7 фоизга камайишига эришилди, 1,2 минг маҳаллаларда бирорта жиноят содир этилишига йўл қўйилмади.

Илгари, асосан хавфсизликка хавф-хатар ва таҳдидлар оқибатларига қарши курашиш билан чекланган терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга ёндашувлар концептуал қайта кўриб чиқилди. Мазкур муаммоларни ҳал қилишда, биринчи навбатда, ёшларнинг хукуқий маданияти ва маънавиятини юксалтириш орқали одамларнинг онги учун курашиш устувор вазифа этиб белгиланди.

Ўз тақдирини Ўзбекистон билан боғлаган, мамлакатимиз фаровонлиги йўлида ҳалол ва виҷданан меҳнат қилаётган, ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра фуқаролиги бўлмаган шахсга айланиб қолган фуқароларнинг ҳаётий муҳим масалаларини ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилди. Ўтган даврда 1243 нафар шахс Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинди.

Иқтисодий соҳада кенг қўламли ўзгаришлар амалга оширилди, энг аввало, Ўзбекистоннинг ўз мажбуриятларини бажариш ва чет эл ҳамкорларининг даромадларини репатриация қилиш, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш учун шарт-шароитларни таъминловчи миллий валюта эркин конвертациясининг жорий этилганлиги бу борада муҳим қадам бўлди. Давлат бюджетини шакллантиришнинг тамомила янги принциплари ва механизmlари жорий этилди, унинг даромад ва харажатлари шаффоғлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди. Давлат активларини бошқаришнинг самарадорлигини ошириш ва бюджетнинг даромад қисмини кўпайтиришга қаратилган ишга солинмаган захиралардан фойдаланиш чоралари кўрилди.

Биринчи босқичда - узоқ муддатли (10-15 йилга мўлжалланган) тармоқ, худудий ва мақсадли ривожланиш концепцияларини ишлаб чиқиши ҳамда тасдиқлаш, иккинчи босқичда - тармоқ, худудий ва мақсадли лойиҳалар портфелларини тузиш, учинчи босқичда - ривожланиш давлат дастурларини шакллантиришни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини шакллантиришнинг мутлақо янги тартиби тасдиқланди.

Ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича комплекс тадбирлар, биринчи навбатда, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлигини сақлашни кучайтириш, аҳолини арzon ва сифатли дори воситалари билан таъминлаш, фуқароларнинг бандлиги ва реал даромадларини ошириш, арzon ижтимоий уй-жойлар қурилишини кенгайтириш, ногиронлиги бўлган

шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилди.

Шаҳарлар ва қишлоқларда умумий турар-жой майдони 3,5 миллион квадрат метрдан ортиқ бўлган намунавий ва кўп қаватли уйлар қурилди. Туар жой қурилиши ҳажмлари 2010 йилга нисбатан 3,5 бараварга ошди.

Халқ билан мулоқот натижалари бўйича 11 йиллик умумий ўрта таълимни қайта тиклаш ҳақида қарор қабул қилинди, олий таълим муассасаларига қабул қилишнинг шаффоф механизmlари жорий этилди ва квоталар жиддий равишда оширилди. Олий ўқув юритидан кейинги таълим тизими халқаро стандартларга мувофиқлаштирилди.

Миллатлараро тинчлик ва тотувликни, пухта ўйланган ва ўзаро манфаатли ташқи сиёsat амалга оширилишини таъминлаш бўйича чоратадбирлар кўрилганлиги натижасида қўшни давлатлар билан ишончли муносабатлар йўлга қўйилди, Марказий Осиё ҳудудида савдо-иктисодий, маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратилди.

2017 йилда 21 та олий даражадаги ташриф амалга оширилди, 60 та давлат ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари билан учрашувлар ўтказилди, 400 дан ортиқ келишувларга эришилди, 60 миллиард АҚШ долларидан ортиқ қийматдаги битимлар имзоланди.

Шу билан бирга, халқ билан тўғридан-тўғри мулоқот якунлари ҳамда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида ўтказилган ишларнинг танқидий таҳлили аҳоли фаровонлигининг реал ўсишига ва жойларда ишлар ҳолатининг тубдан яхшиланишига тўсқинлик қилувчи қатор муаммоларни кўрсатиб берди.

Ушбу муаммоларни бартараф этиш ҳамда [Ҳаракатлар стратегияси](#) ижросини таъминлаш юзасидан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5308-сонли Фармони қабул қилинди.

Ушбу давлат дастурида қўйидаги вазифаларни амалга ошириш белгиланди:

- давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш соҳасида — давлат хизматининг нуфузи ва самарадорлигини ошириш, ижро этувчи ҳокимият органлари вазифа ва тузилмасини қайта кўриб чикиш, вазирликлар, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг мустақиллигини ошириш, марказий органларнинг айrim ваколатларини маҳаллий ҳокимият органларига ўтказиш, давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятини, уларнинг сифати ва тезкорлигини тубдан ошириш, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

- қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш соҳасида - фуқаролар шахсий ҳаёти дахлсизлигининг конституциявий кафолатларини, шу жумладан тинтуб ва телефон орқали сўзлашувларни эшитиб туришга санкция бериш хуқукини судларга ўтказиш, Олий Мажлис хузурида Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга кўмаклашиш бўйича комиссияни ташкил этиш орқали янада мустаҳкамлаш, миллий хавфсизлик органлари тизимини тубдан ислоҳ қилиш, вақтинча сақлаш, тергов хибсоналари, жазони ижро этиш муассасаларини видеокузатув тизимлари билан жиҳозлаш, йўл-патруль ва патруль-пост хизмати ходимларини мобиль видеокамералар билан таъминлаш, патрул хизматининг стационар постлари сонини оптималлаштириш;

- иқтисодиётни ривожлантириш ва фаол тадбиркорликни қўллаб-куватлаш соҳасида - фаол тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай хуқукий, ташкилий шароитлар яратиш, инновацион ғоялар ва технологияларни жорий қилиш, тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилишнинг хуқукий кафолатларини ва улар фаолиятига ноқонуний аралашишларнинг олдини олиш механизмларини, солик ва божхона сиёсатини, банк-молия соҳасини янада такомиллаштириш, аграр секторни ислоҳ қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига имтиёзлар тақдим қилган ҳолда индивидуал имтиёзлар беришдан воз кечиш, ҳудудларни фаол ривожлантириш;

- ижтимоий соҳани ривожлантириш соҳасида - ижтимоий ҳимоя қилиш ва фуқаролар соғлигини сақлашни янада кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, ижтимоий дорихоналарнинг ривожланган тармоғини яратиш, аҳоли бандлиги ва фуқароларнинг реал даромадларини ошириш, “истеъмол саватчаси”ни аниқлаш, ижтимоий уй-жойлар қурилишини кенгайтириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ қатламини ва ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама манзилли қўллаб-куватлаш;

- хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, шунингдек, ташқи сиёsat соҳасида - Ўзбекистон Республикасининг янги Миллий хавфсизлик концепциясини қабул қилиш, хорижий шериклар билан ҳарбий ва ҳарбий-техник ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, давлат чегараларини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш тизимини такомиллаштириш, терроризм, экстремизм ва ахборот таҳдидларига қарши курашиш, миллатлараро ва конфессиялараро тотувлик, диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш, Ташқи ишлар вазирлиги ва дипломатик ваколатхоналар фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш, хорижда фуқароларнинг хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш тизимининг самарадорлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, ўзаро манфаатли ташқи сиёsatни давом эттириш, савдо-иктисодий, маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш.

Ушбу фармондан келиб чиқсан ҳолда, тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текширишга икки йил муддатга мораторий

эълон қилинди. 2018 йил 1 апрелдан бошлаб, назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши давлат солик хизмати органларининг бўшаётган 228 та штат бирликлари прокуратура органларига ўтказилиши белгиланди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига икки ой муддатда, инновацион ва илмий фаолиятни давлат ва жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари, шу жумладан инновацион лойиҳаларни фоизсиз кредитлаш ҳамда инновацион лойиҳаларни кредитлаш учун тижорат банкларига давлат кафолатларини беришни ҳам назарда тутувчи “Инновацион фаолият тўғрисида”ги ва “Фан тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳаларини ҳамда маҳаллий лойиҳа ва пудрат ташкилотларининг ташқи бозорларга чиқишини рағбатлантириш бўйича чора-тадбирлар, замонавий ҳалқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда шаҳарсозлик норма ва қоидаларини тўлиқ қайта кўриб чиқиши, энергия тежамкор технологияларни фаол жорий этишини назарда тутиб, қурилиш соҳасини инновацион ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди.

2023 йил 1 январга қадар муддатга қуйидагилар, яъни:

- юқори технологияли тадбиркорлик лойиҳалар-стартапларни биргаликда молиялаштириш учун ташкил қилинадиган венчур фондлар;
- венчур фондлардан биргаликда молиялаштириладиган юқори технологияли лойиҳалар-стартаплар;
- илмий-тадқиқот муассасалари, инновацион марказлар, лойиҳа-конструкторлик бюролари ўзларининг янги технологияларини тадбиркорларга сотишдан (фойдаланишга беришдан) олинган даромадлар бўйича;
- янги технологияларни маҳаллий тадбиркорликка трансфер қилувчи ташкилотлар бу фаолиятдан олинган даромадлари бўйича, ягона ижтимоий тўловдан ташқари, барча турдаги солик ва мажбурий тўловлар тўлашдан озод қилинди.

“Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилинган 2018 йилда мамлакатимизда иқтисодиёт, ижтимоий соҳа ва давлат бошқарувига замонавий илм-фан ютуқлари, инновацион ғоялар ва технологияларни жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Қабул қилинган 2018 йилги Давлат дастурини рўёбга чиқариш доирасида 21 триллион сўм ва 1 миллиард АҚШ долларига тенг 76 мингта лойиҳа амалга оширилди. Саноат, қишлоқ хўжалиги, капитал қурилиш, транспорт-коммуникация, сервис ва хизмат кўрсатиш соҳаларида салмоқли ютуқлар қўлга киритилди.

Ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бунда аҳоли фаровонлигини ошириш мақсадида жорий йилда иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдори, хусусан, педагог ходимларининг иш ҳақи сўнгти 10 йилда биринчи марта 50 фоизгача кўпайтирилди. Кўрилган чора-тадбирлар туфайли,

аҳолининг реал умумий даромадлари 2017 йилга нисбатан 12 фоизга ошиди.

“Хар бир оила – тадбиркор”, “Ёшлар – келажагимиз” каби дастурлар доирасида 2 триллион сўмга яқин маблағ ажратилиб, жойларда 2 минг 600 дан ортиқ бизнес лойиҳалари амалга оширилди.

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида қурилиш ва ободонлаштириш ишларига 3 триллион сўм маблағ йўналтирилди. Натижада 416та қишлоқ янгича қиёфага эга бўлди.

Солик маъмуриятчилигининг моҳиятан янги тартиби жорий этилгани сабабли солиқларнинг прогноздан ошириб бажарилган қисми ҳисобидан маҳаллий бюджетлар ихтиёрида 5,5 триллион сўм маблағ қолдирилди. Бу 2017 йилги кўрсаткичларга нисбатан 6 баробар, 2016 йилга нисбатан 32 баробар кўпдир.

Бундан ташқари, иқтисодий ривожланишни рағбатлантириш, ишбилармонлик муҳити ва инвестициявий жозибадорликни яхшилаш, аҳоли даромадларини ошириш ва бизнес учун солик юкини камайтиришга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг солик сиёсатини такомиллаштириш концепцияси қабул қилинди.

Хусусан, ягона ижтимоий тўлов ставкасининг 12 фоизгача пасайтирилиши ҳамда юридик шахсларнинг айланмаси (тушуми)дан давлат мақсадли жамғармаларига ундириладиган мажбурий ажратмаларнинг бекор қилиниши корхоналар ихтиёрида қўшимча маблағлар қолиши учун шартшароит яратди.

2018 йилда 18 та давлатлараро расмий ташрифлар амалга оширилди ва 52 миллиард долларлик 1 минг 80та лойиҳа бўйича келишувларга эришилди. Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Ислом ва Осиё тараққиёт банклари, бошқа халқаро молия институтлари билан ҳамкорликдаги инвестициялар ҳажми 8,5 миллиард долларни ташкил этди. Бугунги кунда юритимиизда, чет эл инвестициялари ҳисобидан қиймати 23 миллиард долларлик 456та лойиҳа амалга оширилмоқда.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришган. Шу сабабли ҳам инвестиция – бу иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги, десак, муболага бўлмайди. Инвестиция билан бирга турли соҳа ва тармоқларга, худудларга янги технологиялар, илгор тажрибалар, юксак малакали мутахассислар кириб келади, тадбиркорлик жадал ривожланади.

Ушбу тадбирлар давоми сифатида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5635-сонли Фармони қабул қилинди.

Умумий қиймати 16,9 триллион сўм ва 8,1 миллиард АҚШ долларига

тeng лойиҳаларни амалга оширишни назарда тутувчи 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида қўйидаги вазифаларни амалга ошириш белгиланди:

- давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш соҳасида - парламентнинг муҳим қарорлар қабул қилиш ва қонунлар ижросини назорат этиш фаолиятини кучайтириш, ижро этувчи ҳокимият тизимини оптималлаштириш, маъмурий ислоҳотларни давом эттириш, давлат бошқарувида замонавий менежмент услубларини кенг қўллаш, давлат хизматларини ривожлантириш, давлат хизматига малакали мутахассисларни жалб этишга қаратилган ягона кадрлар сиёсатини шакллантириш, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколат ва масъулиятини қайта кўриб чиқиш, уларнинг мустақиллигини ошириш;

- қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хукуқ тизимини янада ислоҳ қилиш соҳасида - суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллигига эришиш, ахоли тинчлиги, хавфсизлигини ва қонунийликни таъминлаш, жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш бўйича зарур чоралар кўриш, жиноят қонунчилигини такомиллаштириш ва либераллаштириш;

- иқтисодиётни ривожлантириш ва инвестицияларни фаол жалб этиш соҳасида - макроиктисодий барқарорликни таъминлаш, соғлом рақобат учун зарур шароитларни яратиш, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш, иқтисодиётда давлат иштирокини жиддий равишда камайтириш, юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, “хуфёна” иқтисодиётга қарши курашиш ва унинг улушкини кескин қисқартириш, валюта сиёсатини эркинлаштиришни давом эттириш;

- ижтимоий ривожланиш соҳасида - ахоли ўртасида ишсизликни камайтириш, одамларнинг даромадларини ошириш, фан ва узлуксиз таълимни ривожлантириш, тиббий хизматлар сифатини яхшилаш ва улар билан ахолини қамраб олишни кенгайтириш, хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, одамларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, уларни муносиб турар жой билан таъминлаш ва фаровонлигини ошириш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштириш, туризмни ривожлантириш;

- хавфсизлик, миллатлараро тутувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, шунингдек ташқи сиёsat соҳасида - мамлакатимиз мудофаа қудратини ошириш, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг салоҳиятини мустаҳкамлаш, миллий мудофаа саноати комплексини шакллантириш, экологик хавфсизликни таъминлаш, сув ва бошқа табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, очиқлик, ўзаро teng ва манбаатли ҳамкорлик тамойилларига асосланган ташқи сиёсий фаолият самарадорлигини янада ошириш.

Давлат дастурида назарда тутилган тадбирлар, айниқса, хорижий инвестицияларни жалб этиш, қулай инвестиция муҳитини яратиш,

шунингдек мамлакатимиз ҳудудларининг ижтимоий ривожланиш даражасини ошириш соҳасидаги тадбирларнинг самарали ва ўз вақтида ижро этилишини таъминлаш белгиланган. Шу билан бирга, республика иқтисодиётининг ишлаб чиқариш салоҳиятини кенгайтиришга, шунингдек унинг рақобатбардошлигини янада оширишга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва инновацион технологияларни жалб этиш; хусусий маҳаллий ва хорижий инвесторлар билан узоқ муддатли ўзаро манфаатли шериклик муносабатларини йўлга қўйиш орқали инвестиция фаолиятини рағбатлантириш ва ривожлантириш; инвестиция таклифларини баҳолаш, инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; инвестиция муҳитини яхшилашга, шунингдек республикамизнинг инвестиция салоҳияти ва имкониятларини хорижда кенг тарғиб қилишга кўмаклашишга қаратилган вазифаларни амалга оширувчи эълон қилинган капитали 1 миллиард АҚШ доллари миқдорида бўлган Ўзбекистон Республикасининг тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармаси ташкил этилиши белгиланди.

Шунингдек, 2019 йил 1 марта бошлаб:

хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг таъсисчилари (иштирокчилари) ва уларнинг оила аъзолари учун муддатини мамлакатдан чиқмасдан узайтириш имконияти бўлган, амал қилиш муддати уч йилни ташкил қиласиган “инвестиция визаси” жорий этилиши;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш бўйича корхоналар ташкил қилиш учун 3 миллион АҚШ долларидан ортиқ миқдорда инвестиция киритган хорижий давлатлар фуқароларига, шу жумладан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг таъсисчилари (иштирокчилари)га Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси 10 йил муддатга соддалаштирилган тартибда берилиши;

Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси ёки “инвестиция визаси”га эга хорижий инвесторлар ҳамда уларнинг оила аъзолари Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун назарда тутилган шартларда тиббий ва таълим хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқи берилиши;

хорижий инвесторлар, улар томонидан хорижий давлатлар фуқаролари орасидан жалб этиладиган мутахассислар ва уларнинг оила аъзоларини вақтинча рўйхатга олиш инвестиция лойиҳаси рўёбга чиқарилаётган ҳудуддаги аҳоли яшаш пунктида, мамлакатнинг бошқа ҳудудларида бўлганда қайта рўйхатдан ўтиш мажбуриятисиз, визанинг амал қилиш муддатига (виза мавжуд бўлмагандан эса 1 йил муддатга) амалга оширилиши белгиланган.

Назорат саволлари

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иктисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг

кенгайтирилган мажлисидаги “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳарбир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак!” номли маъruzасида ўтган йилда иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларни ривожлантиришнинг айрим кўрсаткичларига эришилмаганлигининг асосий сабаблари ҳақида.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак!” номли маъruzасида 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини белгилаб олиниши зарурлиги.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак!” номли маъruzасида келгуси беш йил давомида амалга оширилиши лозим бўлган стратегик вазифалар хусусида.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак!” номли маъruzасида таълим ва илм-фан, давлатнинг ёшларга доир сиёсатини амалга ошириш, таълимнинг янги, замонавий усулларини, жумладан, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш соҳасидаги долзарб вазифаларни амалга ошириш ёшларимиз, жамиятимиз ва мамлакатимизнинг келажаги учун стратегик аҳамиятга эга эканлиги.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2017.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги “Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги ПФ-4947 – сонли фармони // Ўзбекистон республикаси қонун хужжатлари тўплами 2017 йил, 6-сон.
3. Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20 апрель 2017 йилдаги 18 (778) – сонли қарори. – Т.: Ўзбекистон, 2017.

4. Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. -Т.: Ўзбекистон, 2016.56-б.

5. Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. - Т.:Ўзбекистон, 2017. 56-б.

6. Мирзиёев Ш. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз.-Т.:Ўзбекистон, 2017. 488-б.

7.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи. (Нью-Йорк шаҳри, 2017 йил 19 сентябрь)

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодий тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. Халқ сўзи. 2018 йил 8 май.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. 2018 йил 8 май Халқ сўзи.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Бош Прократураси хузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқовқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори 2018 йил 7 май.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги “Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Мурожатномаси. “Юрт равнақи, халқ фаровонлигига муносаб ҳисса қўшайлик” Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағищланган тантанали маросимда иштрок этган аграр соҳа вакилларининг республикамиз миришкор дехқонлари, фермерлар ва соҳа ходимларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг Мурожаати 2017 йил декабрь.

2- Мавзу: Агросаноат мажмуаси ва қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини ривожлантириш

Режа:

1. Агросаноат мажмуаси ва қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини ривожлантириш.

2. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлиги.

3. Қишлоқ хўжалиги тармоқлари иқтисодиёти.

Таянч иборалар: агросаноат мажмуи, қишлоқ хўжалиги, маҳсулотлар, ишилаб чиқариши, қайта ишилаш, тармоолар, экспорт, мева-сабзавот, машина трактор парклари, ёқилги мойлаш, асосий воситалар, моддий техникалар.

1. Агросаноат мажмуаси ва қишлоқ хўжалигига бозор муносабатларини ривожлантириш.

Юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар туфайли барча соҳаларда бўлгани каби қишлоқ хўжалигига ҳам ўз самарасини бера бошлади. Маълумки, ислоҳотларнинг туб мазмун моҳияти замирида мамлакат ободлиги, ҳалқимиз турмуш шароитининг янада яхшиланиши ва инсон манфаатлари мужассам эканлиги, уни амалга ошириш жараёни эса энг долзарб вазифадир. Мустақил Ўзбекистонда иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминловчи шарт-шароитлар тизимини ислоҳ қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Республика иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги ҳал қилувчи ўрин тутиб, унинг ривожи республика ахолисининг фаравонлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда дехқон ва соҳибкорларга яратиб берилаётган кенг имкониятлар, қишлоқ хўжалигига олиб борилаётган туб ислоҳотлар, боғдорчилик ва мева-сабзавотчиликни ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор юксак самара бермоқда.

Бироқ кейинги йилларда юзага келган жаҳон молиявий - иқтисодий инқизорзи таъсирида республикамиз корхоналари томонидан экспорт қилинадиган маҳсулотларга жаҳон баҳосининг пасайиш хавфи кузатиляпти. Бунинг оқибатида Ўзбекистон экспорт қиласиган маҳсулотларнинг нархи кескин тушиб бормоқда. Мазкур муаммоларни ҳал этиш қўп жиҳатдан мамлакатнинг экспорт кўламини кенгайтириш, хусусан, мева - сабзавот маҳсулотларини қайта ишилаш корхоналари экспорт салоҳиятини янада ошириш каби бир қатор амалий масалаларни самарали ечиш билан бевосита боғлиқ бўлиб, бу ўз навбатида мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчи корхоналар фаолияти ва имкониятларини чуқурроқ тадқиқ этишни талаб этади. Шунингдек, мазкур жараёнларни тадқиқ этиш мамлакат экспорт салоҳиятини янада оширишга хизмат қиласи.

Қишлоқ хўжалиги Ўзбекистон иқтисодиётининг муғим тармоқларидан бири ҳисобланади. Бу тармоқ мамлакатимиз ахолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига, қайта ишилаш саноати тармоқларининг эса хом ашёга бўлган талабини қондириш билан бирга, экспорт салоҳиятини мустаҳкамлашнинг истиқболли манбаларидан бири саналади. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масаласи республикамиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилмоқда. Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш бўйича жуда улкан ва арзигулилар ишлар амалга оширилди. Ишлаб чиқаришга янги техника ва илғор технологияларни жорий этиш ишлари йилдан-йилга жадаллашиб, чекланган ер ва сув ресурсларидан, капиталдан

ва мҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги юксалмоқда.

Ўзбекистон республикаси ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида биргина 2017 йилнинг ўзида пахта экин майдонларини 49 минг гектарга ва ғалла майдонларини 10 минг гектарга қисқартириш ҳисобидан қисқартирилган экин майдонларининг 8,1 минг гектарига картошка, 27,2 минг гектарига озуқа экинлари ва 4 минг гектарига мойли экинларни жойлаштириш қўзда тутилган. Бу тадбрлар натижасида паст рентабелли экин майдонларида пахта ва ғалла етиштиришдан кўриладиган зарани 80 миллиард сўга қисқартириш, қўшимча 1 миллион тоннага яқин мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқарш, ҳудудларда 48,5 мингдан ортиқ янги иш ўринларини ташкил қилиш натижасида ушбу экин майдонларида банд бўлган аҳоли сонини 75,6 мингга етказиш, мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти ҳажмини 2 баробар ошириш имкони яратилади.

Мамлакатимизда дехқон ва соҳибкорларга яратиб берилаётган кенг имкониятлар, қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган туб ислоҳотлар, боғдорчилик ва мева-сабзавотчиликни ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор юксак самара бермоқда.

Ўзбекистон–аграр-индустрлашган республика. Мамлакат иқтисодиётида қишлоқ хўжалигининг аҳамияти улкан. Чунки унда республика ялпи ички маҳсулотининг учдан бир қисмига, озиқ-овқат маҳсулотларининг 95-97 фоизга яқини яратилмоқда. Давлат миқёсидаги жами валюта тушумининг яримидан ортиғи қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилиш ҳисобига олинмоқда. Эндилиқда қайта ишлаш саноатининг юксалиши, аҳоли сонининг ўсиши, ташқи бозор талабининг ўзгариши экологик талабларга жавоб берадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш жараёнлари янада ривожлантирилишини объектив равишда тақазо этмоқда. Шунинг учун ҳам тармоқни ривожлантириш ва самарадорлигини юксалтириш зарур.

Қишлоқ хўжалигини бозор иқтисодиёти қонунлари талаблари даражасида ривожлантириш учун тармоқда эркин фаолият кўрсатиши имкониятига эга бўлган турли хилдаги мулк ва мулкчилик шаклларининг, уларга асосланган тадбиркорлик турлари ва улар ўртасидаги эркин бозор муносабатларининг назарий, услугбий асосларини теранлаштириш, такомиллаштириш, инвестицияларни қўпроқ жалб этиб, фан-техника ютуқларини, янги техникаларни, илгор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, чекланган ер ва сув ресурсларидан, доимий ва ўзгарувчи капиталдан ҳамда меҳнат ресурсларидан қисқа ва узоқ муддатларда тўлиқ ва самарали фойдаланиш йўлларини аниқ белгилаш, барча ҳаражатларни тежаш, меҳнат унумдорлигини юксалтириш, ишчи-хизматчиларни рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш негизида фойда суммасини кўпайтириш йўлларини асосланган ҳолда белгилаб олиш мақсадга мувофиқдир. Бу масалаларнинг илмий ҳамда амалий асосларини яратишда, ривожлантиришда, уларни ишлаб чиқаришга жорий этишда қишлоқ хўжалигининг ўзига хос, халқимизнинг миллий хусусиятларини эътиборга

олиш зарур.

Мамлакат дәхқончилиги суғоришига асосланғанлиги учун катта миқдордаги сув ресурсларини талаб этади. Лекин бу талаб ички сув ресурслари билан атиги 60 фоизгагина қондирилмоқда. Бундай ҳол Амударё ҳамда Сирдарё хавзаларидан катта миқдордаги сув ресурсларини жалб этишни талаб этади. Ҳозирги даврда қишлоқ ҳұжалигида 42-46 млрд м³ сув ресурсларидан фойдаланилмоқда. Табиатда ер ва сув ресурслари чекланган, улар тақрор ишлаб чиқарылмайдиган ресурслар ҳисобланади. Шунинг учун уларнинг ҳар бир гектаридан, М³дан тадбиркорлик билан фан-техника ютуқларини жорий этиб, йил давомида түлиқ ва самарали фойдаланиш лозим.

Ижтимоий йғналтирилған барқарор, әркін бозор иқтисодиётіга, кучли демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш мақсадида республиканинг барча соҳаларида, жумладан, қишлоқхұжалигида улкан ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий ҳамда ижтимоий ислоҳотлар давлат раҳбарлигида босқичмабосқич амалга оширилмоқда. Даставвал, қишлоқ ҳұжалигида әркін бозор иқтисодиёти муносабатларини мустаҳкам барпо этилишини, юритилишини таъминлаш қобилиятига эга бөлганды ҳуқуқий асоси яратилиб, ривожлантирилмоқда. Бунга республика Олий Мажлиси ва Сенати томонидан қабул қилинган қонунлар, Президентнинг Фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари яққол далил бөлади.

Ўзбекистон Республикасининг:

- “Конституцияси”;
- “Мулк тұғрисида”ги;
- “Ижара тұғрисида”ги;
- “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тұғрисида”ги;
- “Инвестициялар тұғрисида”ги;
- “Чет әл инвестициялари тұғрисида”ги;
- “Ахолини иш билан таъминлаш тұғрисида”ги;
- “Мехнат кодекси”;
- “Ер кодекси”;
- “Сув ва сувдан фойдаланиш тұғрисида”ги;
- “Тадбиркорлик тұғрисида”ги;
- “қишлоқ ҳұжалик кооперативлари (ширкатлар) тұғрисида”ги;
- “Фермер ҳұжалиги тұғрисида”ги; янги таҳрирда:
 - “қишлоқ ҳұжалик корхоналарини санация қилиш тұғрисида”ги қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг “2005-2007 йилларда фермер ҳұжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тұғрисида”ги, “қишлоқ ҳұжалик маҳсулотлари контрактация шартномаларини тузиш ва бажариш тұғрисидаги Низомни тасди⁰лаш тұғрисида”ги қарорлари, јзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодий ислоҳотларни янада чукурлаштириш, хусусий мулк манбаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тұғрисида”ги, “Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги құшымча чора-тадбирлар тұғрисида”ги

Фармонлари ва бошқалар, соҳани ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий асосини яратади.

Яратилган ҳуқуқий асос негизида қишлоқ хўжалигида амалга оширилиши зарур бўлган ташкилий, иқтисодий ҳамда ижтимоий ислоҳотларнинг моҳияти ниҳоятда муҳим қўйидаги ҳолатларни шакллантиришга қаратилгандир:

-қишлоқ хўжалигини эркин бозор иқтисодиёти талаблари асосида бошқаришни барпо этиш, такомиллаштириш;

-мулкчиликнинг турли хилдаги шаклларини барпо этиб, самаралисини ривожлантириш;

-қишлоқда бозор мулкий муносабатларини барпо этиш, ривожлантириш ва эркинлаштириш;

-тармоқда турлича мулкчиликка асосланган субъектларни барпо этиш, уларга эркин фаолият қўрсатиш учун зарур шароитлар яратиш;

-қишлоқда мулқдорлар синфини яратиш, уларнинг мулкий онгини юксалтириш;

-барча турдаги иқтисодий муносабатларни чуқурлаштириш ва эркинлаштириш;

-аҳолининг даромадининг ўсишини таъминлаш;

-қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш;

-тармоқда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда таркибий ғзаришини таъминлаш;

-аҳолини, қайта ишлаш саноатини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашни юксалтириш, рағбатлантириш;

-аҳолини ижтимоий жиҳатдан таъминланганлигини яхшилаш ва бошқалар;

-ўтиш даврида уларни таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалигида ер, сув, мулк, ташкилий-таркибий, молия-кредит, солик, нарх, инвестиция ҳамда инновация ва бошқа ислоҳотлар ғзаро боғлиқ ҳолда амалга оширилмоқда.

Юқоридагилардан маълум бўлишича, республика фуқароларининг тайёр озиқ-овқат ва ноозик-овқат маҳсулотларига бўлган талабининг тўлиқ қондирилиши бу муаммо ҳал этилишини таъминлашда қатнашувчи барча тармоқларга турли хилдаги ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқардагиан саноат тармоқлари, қишлоқ хўжалиги, унга хизмат қўрсатувчи, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаб, тайёр маҳсулот даражасига етказувчи ва уларни истеъмолчиларга етказиб берувчи барча тармоқларнинг техникавий, технологик, иқтисодий ҳамда ижтимоий боғланишини объектив ҳолда тақозо этади. Шунинг учун улар мақсадга мувофиқ равиша жойлаштирилиб, ихтисослаштирилиб, ҳалқ хўжалиги миқёсида меҳнат тақсимоти амалга оширилишини таъминлашлари зарур. Юқорида таъкидланган тармоқлар ягона мақсад йўлида ўзаро боғланиши натижасида республика агросаноат мажмуаси шаклланади. Мамлакат агросаноат мажмуасининг асосий мақсади – аҳолини сифатли озиқ-овқат ва ҳалқ истеъмоли товарлари билан талаб даражасида таъминлашдир. Бу муаммо

улкан сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб, унинг талаб даражасида ҳал этилиши аҳоли турмуш даражасини юксалтиради, фаровон яшашини таъминлайди. Шунинг учун ҳам бу масалага Республика ҳукумати томонидан алоҳида эътибор берилмоқда, яъни агросаноат мажмуасига кирувчи барча тармоқларни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган чоратадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга босқичма-босқич жорий этилмоқда.

Республика агросаноат мажмуасида мақсадга эришиш қўйидаги асосий вазифалар ечилишини тақозо этади:

- агросаноат мажмуаси таркибидаги барча тармоқлар мақсадга мувофиқ ҳолда ташкилий, технологик, техникавий, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан ўзаро узвий боғланишини таъминлаш;
- мажмуа таркибидаги корхоналарни барча омилларни эътиборга олган ҳолда мақсадга мувофиқ оқилона жойлаштириш;
- уларнинг ихтисослаштирилиши ва интеграциялашувини таъминлаш;
- самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида барча корхоналарни замонавий техникалар билан жиҳозлаш, уларда илгор технологияларни жорий этиш;
- агросаноат мажмуаси таркибидаги корхоналар ихтиёридаги барча ресурслардан (табиий, капитал, меҳнат) тадбиркорлик билан оқилона фойдаланиб, ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш, механизациялаш, электрлаштириш ва кимёлаштириш орқали доимий ва ўзгарувчан харажатларни камайтириб, экологик талабларга жавоб берадиган маҳсулотларни зарур миқдорда ишлаб чиқариш, уларни истеъмолчиларга етказиб бериб, кўпроқ фойда олишни таъминлаш;
- агросаноат мажмуаси таркибидаги корхоналар ўртасида улар маҳсулотларини ўзаро самарали айрибошлиши таъминланадиган нархларнинг мақсадга мувофиқ миқдорини маълум муддатларга белгилаш;
- мажмуада фаолият кўрсатаётган раҳбар, ишчи ва хизматчиларнинг малакаларини ошириш, улар меҳнатларининг миқдорига, пировард натижасига кўра рағбатлантирилишини ривожлантириш ва бошқалар.

Агросаноат мажмуаси мақсад ҳамда вазифаларидан келиб чиқсан ҳолда унинг таркиби қўйидаги 4 та бўғиндан ташкил топиши мумкин:

1-бўғин – агросаноат мажмуаси таркибидаги корхоналар учун ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқарувчи саноат тармоқлари. Улар таркибан қишлоқ хўжалик машинасозлик, тракторсозлик саноати; кимё саноати; нефть маҳсулотлари саноати, микробиология саноати; озиқ-овқат машинасозлик, станоксозлик саноати; қурилиш материаллари саноати ва бошқалардан ташкил топади. Уларнинг кўлами, айниқса, машинасозлик ва станоксозлик саноати тармоқларининг кўлами республикадаги барча омилларни эътиборга олган ҳолда чекланган.

Шу бўғиндаги тармоқларнинг асосий мақсади – агросаноат мажмуаси таркибидаги, хусусан, қишлоқ хўжалиги ва унга ирригация-мелиорация, техника таъминоти ва таъмирлаш, кимёлаштириш, зооветеринария, электрлаштириш хизматларини кўрсатувчи ҳамда қишлоқ хўжалик

маҳсулотларини қайта ишловчи пахта тозалаш саноати, дон маҳсулотлари, мева, сабзавот, узум саноати, гўшт-сут саноати, енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналарини ва ниҳоят, тайёр маҳсулотларни етказиб беришда зарур бўлган ишлаб чиқариш воситалари (машина, трактор, станок, кимёвий воситалар, ёқилғилар, озуқа моддалари) билан таъминлашдир. Демак, биринчи бўғин таркибидаги тармоқлар ривожланишни таъминлайдиган моддий-техника базасини барпо этишга улкан ҳисса қўшади. Уларнинг моддий-техника базаси талаб даражасида шакллантирилиши натижасида ишлаб чиқариш жараёнлари автоматлаштирилиб, механизациялаштирилиб, электрлаштирилиб, жонли меҳнат сарфи қисқартирилиб, меҳнат унумдорлигининг юксалиши таъминланади. Улар шу тармоқлардаги меҳнат характерининг ўзгаришига таъсир этади, яъни оддий меҳнат индустрлашган меҳнатга айланиб боради. Бу соҳа тармоқларида минглаб корхона фаолият кўрсатиб, жами ички маҳсулотнинг 65-70 фоизи яратилмоқда.

2 – бўғин – агросаноат мажмуасининг асосий тармоғи ҳисобланган қишлоқ хўжалигидан ташкил топади. Унинг барча тармоқлари – ўсимликчилик ҳамда чорвачилик тармоқларида саноат тармоқлари учун хомашёлар (пахта хомашёси, бошоқли донлар, каноп, зигир, қанд лавлаги, жун, тери, кунжут, узум), аҳоли истеъмоли учун эса гўшт, сут, сабзавот, полиз, мева маҳсулотлари етиштирилади.

Пахта хомашёсини етиштириш билан асосан йирик товар ишлаб чиқарувчи ҳисобланган жамоа, ширкат ва давлат хўжаликлари шуғулланмоқдалар. Чунки улар шу соҳага ихтисослашган. Уларда пахта хомашёсини етиштириш учун зарур бўлган тадбиркорлик билан бирга, барча турдаги зарур ишлаб чиқариш воситалари мавжуд. Бу ўринда эслатиб ўтиш керакки, пахта хомашёсини етиштириш билан фермер хўжаликлари ҳам шуғулланмоқдалар. Бироқ республикада етиштирилган пахта ялпи ҳосили салмоғида уларнинг ҳиссаси унчалик катта эмас.

Қишлоқ хўжалиги агросаноат мажмуасининг асосий, яъни марказий тармоғи ҳисобланади. Унинг барқарор ривожланиши ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқарувчи, қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи, етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи, сақловчи ҳамда истеъмолчиларга етказиб берувчи барча тармоқлар фаолиятига боғлиқ. Чунончи, улар қишлоқ хўжалик корхоналарини талаб этилган барча турдаги техникалар, кимёвий воситалар, ёқилғи-ёнилғи, қурилиш материаллари, станоклар билан ўз вақтида таъминлаб, мавжуд қишлоқ хўжалик техникаларини арzon ва сифатли таъмирлаб, тармоқнинг ривожланишини таъминлайдиган хизматларни кўрсатиб, унда етиштирилган маҳсулотларни йигиб-териб, қайта ишлаб, истеъмолчиларга сифатли ҳолда етказиб берсалар, қишлоқ хўжалигининг ривожланишига катта ҳисса қўшган бўладилар. қишлоқ хўжалиги ривожланиши натижасида мажмуа таркибидаги тармоқларнинг ҳам юксалиши таъминланади. Масалан, тармоқнинг кўлами кенгайса, ишлаб чиқариш воситаларига бўлган талаб ортади. Бу талабни қондириш учун саноат тармоқлари интенсив фаолият кўрсатиш билан ҳажман кенгайишга ҳам эришишлари

лозим. Тармоқда қишлоқ хұжалик маңсулотлари ҳажмининг барқарор равища үсиши уларни қайта ишловчи тармоқлар самарали фаолият күрсатишини талаб этади. Демак, агросаноат мажмуаси таркибидаги барча тармоқлар қишлоқ хұжалиги билан бевосита боғлиқ. Шунинг учун республика қишлоқ хұжалигини мақсадга мувофиқ ташкил этиш ва замон талаби асосида бошқаришга алоҳида эътибор бериш лозим. Бу муаммони ҳал этища тармоқнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиш зарур.

Унинг таркибида:

- қишлоқ хұжалик ишлаб чиқариши;
- сув хұжалиги тармоқлари;
- ўрмон хұжалиги тармоқлари мужассамлашган.

Вазирликнинг мақсади ва фаолият күрсатиши йўналишлари қилиб Ўзекистон Республикаси Вазирлар Маҳқасмаси томонидан қўйидагилар белгиланган:

- қишлоқ ва сув хұжалиги бўйича илм-фаннынг барча йўналишларини жаҳон андозаларига мослаштирган ҳолда ривожлантириш;
- фан-техника тараққиётини эътиборга олган ҳолда ягона фан-техника сиёсатини ва мониторингини амалга ошириш;
- селекция, уруғчилик ва наслчилик билан шуғулланадиган фанларни тартибга солиш ҳамда ривожлантириш;
- қишлоқ ва сув хұжалигига амалга оширилаётган аграр-иктисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнини тартибга солиш, унинг мониторингини амалга ошириш;
- дехқончилик, чорвачилик тизимларини такомиллаштириш, ривожлантириш, уларнинг ҳаётга татбик этилишини таъминлайдиган машиналар тизимини, технологияларни барпо этиш;
- эркин бозор талабини эътиборга олган ҳолда экинларни алмашлаб экиш сиёсатини амалга ошириш, уни таъминлайдиган даражада экинларни мақсадга мувофиқ жойлаштиришга эришиш ҳамда мониторингини бажариш;
- наслчиликни, уруғчиликни ташкил этиш;
- чорвачилик учун барча сервис хизматларини ташкил этиш, уларнинг амалга оширилишини таъминлаш;
- давлат сув кадастрини юритиш, сув ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлаш, сув хұжалиги объектларидан тўлиқ фойдаланиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга оид тадбирларни амалга ошириш;
- ўрмон хұжалигини ривожлантириш, ўрмонларни назорат қилиш ва улардан самарали фойдаланиш;
- тармоқ талабини кондирадиган кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, уларни оқилона, самарали рағбатлантириш ва бошқалар.

3-бўғин. У қишлоқ хўжалигини ташкил этиш ҳамда унинг ривожланишига хизмат кўрсатадиган тармоқлар, жумладан, экинларни, чорва ҳайвонларини сув билан таъминлайдиган, ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланишини таъмин этувчи чора-тадбирлар тизимини амалга оширадиган сув хўжалиги тармоғи; қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган барча техникаларга сервис хизмати кўрсатадиган тармоқ; тармоқда йирик бино-иншоотларни қурувчи, мавжудларини таъмирловчи тармоқ; тармоққа зооветеринария хизмати, шунингдек, ҳашаротларга, заараркурандаларга, бегона ўтларга қарши курашиш мақсадида кимёвий хизмат кўрсатадиган соҳаларни ўз ичига олади.

Қишлоқ хўжалигини ёқилги, ёнилғи ва ёғловчи материаллар ҳамда электроэнергия билан таъминлайдиган тармоқлар ҳам шу соҳа таркибиға киради.

Юқорида таъкидланган тармоқлар қишлоқ хўжалигига барча турдаги ишларни, хизматларни ўз вақтида, сифатли кўрсатишлари натижасида турли хилдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришга улкан ҳисса қўшадилар. Жумладан, улар техникаларни таъмирлаб, экинлар экиладиган майдонларни агротехник муддатларда сифатли ҳайдаб, экишга тайёрлаб, экиб, униб чиққан ўсимликларга ишлов бериб, етиштирилган ҳосилни белгилангандан муддатларда сифатли йиғиб олиш натижасида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг миқдорини оширишга, уларнинг сифатини яхшилашга бевосита таъсир кўрсатадилар. Уларни оқилона ҳамда уддабуронлик билан сотиш натижасида эса қишлоқ хўжалик корхоналари фойда массасини кўпайтиришга эришишлари мумкин.

Бу тармоқлар юқори унумли техникалар ёрдамида барча турдаги иш ва хизматлар механизациялаштирилишини, автоматлаштирилишини, электрлаштирилишини ҳамда кимёлаштирилишини таъминлашга кўмаклашиб, жонли меҳнат сарфи камайтирилиши эвазига меҳнат унумдорлиги даражаси ошишига муайян ҳисса қўшадилар. Бу соҳадаги тармоқларнинг асосий мақсади – қишлоқ хўжалик корхоналарига барча турдаги хизматларни, ишларни муддатида, сифатли бажаришdir.

4-бўғин. Унга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи, сақловчи ва истеъмолчиларга етказиб берувчи тармоқлар, жумладан, пахта тозалаш, донни, канопни, қанд лавлагини, гўшт ва сутни, тамакини, сабзавот ва полиз маҳсулотларини, мева, узумни қайта ишлаш, енгил ва бошқа саноат тармоқлари; бозор талабини эътиборга олган ҳолда тайёр маҳсулотларни улгуржи ва чакана ҳолда етказиб берадиган савдо тармоқлари киради. Республика агросаноат мажмуаси таркибиға киравчи барча тармоқларни 1-чизмадан қўриш мумкин. Бундай туркумлаштириш маълум даражада шартли ҳам ҳисобланади. Ҳозирги даврда мамлакат агросаноат мажмуасига 2210 га яқин корхона киради. Буларга фермер хўжаликлари ҳам қўшилса, унда уларнинг умумий миқдори 85 мингдан ошади.

Республика агросаноат мажмуасини барқарор ривожлантиришда мамлакатда мавжуд бўлган иқтисодий ҳамда ижтимоий инфратузилмаларнинг ҳам аҳамияти, таъсири улкан. Улар агросаноат

мажмуаси таркибидаги барча тармоқларнинг ривожланишини таъминлаш мақсадида банк, сұғурта, инвестиция, солиқ, лизинг, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, маънавий, маданий, санат, коммунал хизматларни амалга оширадилар. Шунинг учун барча мажмуалар ўртасидаги муносабатлар ўзаро манфаатли ҳолда амалга оширилгани маъқул.

Агросаноат мажмуасининг мақсадидан келиб чиққан ҳолда унинг ишлаб чиқариш жараёнида ўзаро узвий боғланган қуидаги босқичлар мавжуд:

- ◆ агросаноат мажмуаси таркибидаги тармоқлар учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш;
- ◆ қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш;
- ◆ мажмуа такрор ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқариш, техникавий ва технологик хизматларни амалга ошириш;
- ◆ қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан озиқ-овқат ҳамда истеъмол товарлари ишлаб чиқариш;
- ◆ озиқ-овқат ҳамда ҳалқ истеъмоли товарларини истеъмолчиларга етказиб бериш.

Масалани тўғри ва самарали ҳал этиш учун барча босқичлар ўртасидаги муносабатлар ҳамма турдаги қонунлар асосида самарали амалга оширилишини таъминлаш лозим. Бу муносабатларни уларнинг мазмун ҳамда шаклини эътиборга олган ҳолда қуидагicha гурухлаштириш мумкин: хуқуқий, ташкилий, техникавий, технологик, иқтисодий ва ижтимоий.

2. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлиги

Мева-сабзавот экинлари дунёning ҳамма мамлакатларида етиширилади. Ҳар бир кишининг йиллик сабзавот истеъмол қилиши 60 кг ни ташкил этиб, бу физиологик меъёрдан қўпчилик давлатларда 1,5-3 баравар камдир. Лекин Италия, Испания, Францияда бу меъёр 150-200 кг ни ташкил этади.

Республикамизда ҳар бир сабзавот экинларининг умумий ишлаб чиқаришдаги салмоғи ҳам ўзгармокда. Ҳозирги пайтда умумий сабзавот экинлар майдонининг 35-38 фоизини помидор, 15-17 фоизини -карам, 18-20 фоизини пиёз ва саримсоқ, 4-6 фоизини - сабзи, 8-10 фоизини - бодринг, 2-3 фоизини - лавлаги, 9-10 фоизини - бошқа сабзавот экинлари, яъни редиска, бойимжон, қалампир, кабачка, патиссон, қўкатлар ва бошқалар эгаллайди.

Ўзбекистон шароитида мева-сабзавот ва уларни қайта ишлаб чиқаришдан олинган асосий маҳсулотларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш ҳалқ хўжалигига муҳим аҳамиятга эга. Мева-сабзавотчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнларида нисбатан жуда катта ҳажмда меҳнат, ер-сув ва буюмлашган моддий ва интеллектуал ресурслардан кенг фойдаланилади. Тармоқдаги ресурслардан самарали фойдаланиш орқали ҳалқимизнинг меҳнат қилиш ва яшаш шароитларини

тубдан яхшилаш имкониятини яратиш, бугунги куннинг асосий талабларидан биридир. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш технологиясини сифати ва самарадорлигининг юқорилиги жиҳатидан жаҳонда ўзига хос нуфузга эга бўлган давлатлар (Нидерландия, Истроил ва ҳ.к.) билан ҳамкорлик мамлакатимиз қишлоқ аҳолисини иш билан бандлик даражасининг ортиши учун хизмат қиласди. Ўзбекистон асрлар давомида яқин хориж қуруқ мева экспорт қилган. Ҳозирда эса мазкур соҳанинг экспорт имкониятларини янада кенгайтириш, соҳанинг ҳақиқий истеъмолчиларнинг дунё бозоридан излаб топиш имкониятлари юқоридир. Республикада Тошкент, Сурхондарё, вилоятларида консерва ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар кенг тарқалган.

Республика халқ хўжалигида, шунингдек, унинг муҳим бўғини бўлган агросаноат мажмуида аҳоли истеъмол талабига тўлиқ жавоб берадиган сабзавот маҳсулотларининг турли хиллари ва уларни бозор талаблари асосида дастлабки қайта ишлаш натижасида олинган юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, уларнинг сифатига птурт етказмасдан истеъмолга етказиб бериш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқаришда таннарх турлича бўлиб, соҳа жуда кўплаб меҳнат ресурсларини ўзига жалб этади. Шу боис, қишлоқ аҳолиси моддий манфаатдорлигини ошириш ҳақида ўйлаганимизда, аввало, шундай соҳаларда рентабеллик, аҳоли олаётган даромадлар ва қолаверса меҳнат унумдорлиги қай ҳолатда ва уни қандай оширишимиз кераклиги ҳақида изланишлар олиб боришимиз мақсадга мувофиқдир. Мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқаришда турли вақтларда таннарх турлича кийматга эга бўлади.

Маълумки, йил давомида халқимизни озиқ-овқатга саноатни хомашёга, чорвани ем ҳашакларга бўлган талабини янада тўлароқ қондириш ортиқчасини четга чиқариш Республикамиз бозор иқтисодиётини ҳозирги шароитда энг долзарб вазифаларидан биридир.

Бу вазифани мувоффақиятли ҳал этишнинг муҳим жабхаларидан бири, бизнинг фикримизча мавжуд экин майдонларидан унумли фойдаланиб яна кўпроқ қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришдир. Олимларнинг ҳисоб-китобларига қўра ҳозир ер салоҳиятидан 2-2,5 марта кам фойдаланаяпмиз. Мақсадимиз экин майдонларидан самарали фойдаланиш экан, бу ерда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки бизнинг олимларимиз ҳам бу соҳада қараб турганлари йўқ. Масалан, олимлар тажриба далаларида экин майдонларининг қисқармаган ҳолда кўшимча экинлардан мўлжалланган ҳосил олиш мумкинлигини исботлайдилар. Ана шу каби келтирган далиллардан фойдаланиб биз ўз олдимизга қишлоқ хўжалик экин майдонларини, жумладан сабзавот экин майдонларининг оптимал структура-сини аниқлашимиз мақсад қилиб қўйдик.

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг миқиёсли иқтисодий ўзгаришлар бошқа соҳалардаги каби қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам халқимизни талабини тўла қондирадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уни самарадорлигини ошириш борасида ҳам сезиларли даражага эга бўлмоқда.

Бу эса ўз навбатида табиий ресурслардан жумладан ер ресурсларидан олинган ва сақлаш фойдаланиш масалаларини ҳам олдинга сурмоқда. Бунда ер фондидан фойдаланишни яхшилашни, илмий асосланган аниқ чоратадбирларини тизимини ишлаб чиқиш ва қўллаш мумкинdir. Маълумки, республикамизда суғорилиб дехқончилик қилинадиган ерлар умумий ер фондининг кам қисмини ташкил этади. Бу заминда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 90 фоиздан ортироғи етиштирилмоқда.

Экин майдонларидан унумли фойдаланиш ишларини янада такомиллаштириш қишлоқ хўжалигига ислоҳатларни янада чуқирлаштириш борасидаги энг муҳим йўналишлар ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари эълон қилинган.

Келтирганларга асосланиб айтиш мумкунки бугунги бозор иқтисодиёти шароитидан максимал ўсимликчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда юқори самарадорликга эришиш учун нафақат ер ресурсларида балки бошқа муҳим ресурслар ҳисобланган минерал ўғитлар, ёқилғи мойлаш материаллари, озуқалардан ҳам оптимал фойдаланишни тақазо этади.

Шундай экан бу борадаги ишларни илмий-асослашга, қолаверса иқтисодий-математик усуллар ва моделлардан ҳамда компьютерлардан фойдаланган холда хал этиш бугунги кунинг асосий ва муҳим вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади деб айтиш мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитида дехқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва уни самарадорлиги экин майдонларини таркибини такомиллаштириш аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, аҳолини озиқ – овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондиришда асосий иқтисодий омил башлиб ҳисобланади ҳамда саноатни хомашёга, чорвачиликни ем-хашакка бўлган талабини тўлиқ қондиришдан заруриятни таъминлаш учун ҳам хизмат қиласи.

Ердан унумли фойдаланишни таъминлашнинг муҳим воситаси илмий жихатдан асосланган қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш таркибини оптималлаштириш муаммоларини хал этиб, ишлаб чиқаришга қўллаш билан экин майдонларининг таркибини ихтисосликка мос келадиган қилиб тўғри белгилаш ва уни изчиллик билан мукаммаллаштириб бориш, иқтисодий жихатлари фойдасиз ва кам ҳосилли майдонларга тегишли тиббий-иқтисодий худудларда энг катта самара берадиган юқори ҳосилли ва жуда қимматли экинлар билан алмаштириб бориш зарурлиги келиб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил январ ойидаги мева-сабзавотчилик ва сабзавотчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармонида мамлакатда мева-сабзавот маҳсулоти ва сабзавот етиштириш ва уни комплекс қайта ишлашни ривожлантириш, унинг самарадорлиги ва сифатини янада ошириш, шунингдек зарур экспорт базасини яратишнинг энг муҳим шартлари, Қорақапоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, "Ўзмевасабзавотсаноат-холдинг" ХК,

хўжалик юритувчи субъектлар агросаноат фирмаларини шакллантириш ва фаолия-тини ташкил қилишда асосий тамойиллар белгилаб берилган.

Жўраев.Ф.Ж. ва бошқаларнинг фермер хўжаликларининг айрим ташқи иқтисодий хўжалик юритиш механизмларидан фойдаланишдаги муаммо ва ечимлар мақсадида фермер хўжаликларини барқарор ривожлантириш даврига қараганлиги, улар ўз фаолиятларини хўжалик юритишнинг бозор иқтисодиёти талабларига мос келадиган тамойиллар асосида ривожлантириш, моддий ва мулкий жавобгарлик, тадбиркорлик ташаббускорлик рақобат жараёнида харакат қилиш кабилар ёрдамида ташкил этилганлигини асослаб берган. Уларга барқарор ривожланиши учун барча ташкилий иқтисодий ва хуқуқий асослар яратилганлигидан, иқтисодий ва хуқуқий асослар яратилганлигидан келиб чиқиб ва муҳим харакат фермер хўжа-ликлари фаолиятида айрим хато ва камчиликлар мавжудлиги, шартномаларга риоя қиласи унинг ҳолатлари, иқтисодий ва хуқуқий билмларини етишмаслиги ва шу каби салбий ҳолатларни батамом тугатишнинг илмий асослашган йўллари мисоллар ёрдамида чуқур таҳдил этиб берилган. Шу билан кўплаб таклифлар ҳам келтирилганки улар фермер хўжаликлирида ички хўжалик юритишнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш уларда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга имконият яратиб беради.

А. Исмоилов, О.Муртазаевни “Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти” дарслигига қишлоқ хўжалиги иқтисодиётининг самарадорлигини ошириш, мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш билан боғлиқ бўлиб, қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитини яҳшилаш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш муҳим аҳамиятга эга. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётининг умумий масалалари товар, пул маҳсулотлари мулкчиликнинг ташкил топиш хусусиятлари, ресурслар ва потенциаллари, уларни баҳолаш ва оқилона фойдаланиш, шунингдек, дехқончилик ва чорвачик тармоқлари иқтисодиётининг долзарб муаммоларини ўрганиш хусусиятлари ушбу дарсликда кенг ёритилган.

Қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз халқ хўжалигининг энг муҳим тармоғи, унинг серқирра фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш учун маълум миқдорда моддий, пул ҳамда меҳнат сарф-харажатлари амалга оширилади. Уларнинг мамлакат миқёсидаги миқдори жами ижтимоий харажатлар деб аталади. Ижтимоий харажатлар ижтимоий маҳсулот қиймати билан тенгдир. Уларнинг таркиби қуйидагилардан ташкил топади:

1. Ишлаб чиқариш воситаларида буюмлашган харажатлар.
2. Жонли меҳнат харажатлари.
3. Буюмлашган ва жонли меҳнат уйғунлашиши натижасида жамият учун қўшимча қиймат яратилади..

Ижтимоий харажатлар, яъни ялпи ижтимоий маҳсулот қийматининг умумий кўриниши қуйидагича:

$$C + V + m$$

Мамлакатнинг жами ижтимоий харажатлари—давлат ҳамда тармоқлар, корхона ва ташкилотлар миқёсидаги барча харажатларнинг йиғиндисидир.

Тармоқнинг ижтимоий харажатлари—индивидуал корхоналарнинг, ташкилотларнинг харажатлари йиғиндисидир. Шундай тармоқлардан энг муҳими, қишлоқ хўжалигидир. қишлоқ хўжалик корхоналари турли хилдаги талабларни қондириш мақсадида маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хизматларни бажариш учун моддий, пул ва меҳнат харажатларини амалга оширадилар. Юқорида қайд этганимиздек, корхона миқёсидаги моддий ва буюмлашган харажатлар С ҳарфи билан, меҳнат харажатлари, иш ҳақи шаклида бўлиб, V ҳарфи билан белгиланади. Корхоналар харажатларининг умумий кўриниши қўйидагича: $C + V$. Бу умумий харажат ҳисобланади.


қишлоқ хўжалик корхоналари турли хилдаги маҳсулотларни етишириш, хизмат ва ишларни бажариш учун моддий ва буюмлашган қўйидаги харажатларни амалга оширадилар: уруғлик, кўчкат, минерал, маҳаллий ўғитлар, кимёвий воситалар, ёқилғи, ёғловчи материаллар, озуқа ва ем-хашаклар, асосий воситаларнинг эскириш қиймати, ишчи хизматчиларнинг меҳнатларига тўланган ҳақлар, солиқлар, кредитлар учун тўловлар, маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ бўлган харажатлар, кам қийматли, тез эскирувчан материаллар ва бошқалар.

Бозор иқтисодиёти шароитида тармоқда амалга ошириладиган харажатларнинг янги тартиби 1995 йил 1 январдан бошлаб жорий этилган. У «Маҳсулот ишлаб чиқариш (иш, хизмат) ва сотиш таннархларига қўшиладиган харажатлар таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом»да (Тошкент, 1999 й.) ўз ифожасини топган. Ҳозирги даврда қишлоқ хўжалигига амалга ошириладиган харажатлар ўзгарувчан ҳамда доимий харажатлардан ташкил топади. Улар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ҳажми, иш миқдорининг ўзгариши билан узвий боғланган бўлади. Доимий харажатлар ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажмининг ўзгариши билан боғлиқ эмас. Маҳсулот ҳажми кўпайиши ёки камайиши билан доимий харажатлар қиймати ўзгармайди. Масалан, ер учун айрим асосий воситаларга тўланадиган ижара ҳақи, айрим асосий воситаларнинг эскириш суммаси (амортизация суммаси) тўловлари ва бошқалар доимий харажатлар таркибига киради. Ўзгарувчан харажатлар ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажмининг ўзгариши билан бевосита боғлиқдир. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар миқдорининг кўпайиши ўзгарувчан харажатлар кўпроқ сарфланишини тақозо этади. Уларга уруғликлар, кўчкатлар, минерал ва маҳаллий ўғитлар, озуқалар, ем-хашак, меҳнатга тўланадиган иш ҳақи, электроэнергия харажатлари ва бошқа харажатлар киради.

Доимий ва ўзгарувчан харажатларнинг ўзгариши янги техникаларни, самарали технологияларни жорий этиш, сермаҳсул чорва ҳайвонларини яратиш, шакллантириш ҳамда илғор тажрибаларни амалга ошириш билан бевосита боғлиқ.

1-Диаграмма

Доимий ва ўзгарувчан харажатларнинг ҳаракати



Кишлоқ хўжалигида моддий маблағ ва меҳнат сарфларини амалга оширишда уларнинг ўриндошлигини ҳамда ҳар бир сарфланаётган қўшимча харажатни тежаш, қолаверса, ортиқча сарф-харажатлар қилмасликни талаб этади. Хўжаликларда амалга оширилаётган харажатлар маълум мақсадни ҳал этишга қаратилган. Шундан келиб чиқсан ҳолда улар қуидагича гурухлаштирилган:

1. Маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар:
 - а) бевосита ва билвосита моддий харажатлар;
 - б) бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари (иш ҳақи);
 - в) бошқа бевосита ва билвосита харажатлар
2. Ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган, бироқ асосий фаолиятдан олинган фойдада ҳисобга олинадиган ҳамда давр харажатларига киритиладиган харажатлар:
 - а) маҳсулотни сотиши билан боғлиқ харажатлар;
 - б) корхонани бошқариш харажатлари (маъмурий сарф-харажатлар);
 - в) бошқа операцион харажатлар ва заарлар.
3. Хўжалик юритувчи субъектнинг умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда ёки заарларни ҳисоблаб чиқишида хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий фаолияти бўйича ҳисобга олинадиган харажатлар.
4. Фавқулодда заарлар, даромад (фойда)дан олинадиган солиқ тўлангунга қадар фойда ёки заарларни ҳисоблаб чиқишида ҳисобга олинади.

Кишлоқ хўжалигида сарфланаётган харажатларни имконият доирасида тежашга ҳаракат қилиш зарур. Бунинг учун фан, техника ютуқларини, янги технологияларни, илғор тажрибаларни имконият

доирасида ишлаб чиқаришга татбиқ этиш лозим. Харажатларнинг тежалиши бошқа ишлар бажарилишини ҳамда олинадиган фойда суммаси ошишини таъминлайди. Натижада хўжаликнинг рентабеллик даражаси ортади. Фойда суммасининг ошиши хўжаликни кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш асосида ривожлантириш учун имконият яратади.

Шунинг учун ҳам бу масалага республикамиз ҳукумати, хўжаликларнинг барча ходимлари доимо катта эътибор бермоқдалар. қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириш, иш ва хизматларни бажариш учун қилинаётган барча харажатлар иқтисодий мазмунга, мақсадга, ҳисбот обьектига ҳамда шаклланиш манбаларига кўра, қуйидаги элементларга ва моддаларга гурухлаштирилган:

- маҳсулот етиштириш, ишларни, хизматларни бажариш билан боғлиқ харажатлар;
- давр харажатлари;
- молиявий фаолият билан боғлиқ бўлган харажатлар;
- фавқулодда қилинадиган харажатлар(фойда, заарлар).

Иқтисодий моҳиятига кўра, бир хил харажатлар харажат элементларини, бир нечта харажат элементлари харажат моддаларини ташкил этади. Демак, харажат моддалари харажат элементларига нисбатан кенгроқдир. Амалга оширилаётган ва оширилиши лозим бўлган харажатларни иқтисодий элементлар бўйича гурухлаштириш натижасида меҳнат харажатлари учун берилган иш хақини ва унинг таркибини, сарфланган моддий (материал) харажат, турли мақсадларга сарфланган пул харажатлари (объектлари бўйича) суммасини аниқлаб, уларни чукур таҳлил қилиш имконияти яратилади.

Сарфланаётган харажатларни таҳлил этиш жараёнида уларнинг қанчаси маҳсулот етиштиришга оид технологик жараёнлар бўйича сарфланганлигига ҳам алоҳида эътибор берилади. Бундан мақсад – фантехника, технология янгиликларини ишлаб чиқаришнинг у ёки бу жараёнига татбиқ этиш натижасида харажатларни тежаш имкониятини аниқлашдир. Шунинг учун ҳам харажатларни маҳсулот етиштириш технологик жараёнлари бўйича ҳам туркумлаштириш мумкин.

Қишлоқ хўжалигида харажат маҳсулот етиштириш жараёнида бевосита ҳамда билвосита сарфланадиган харажатларга ҳам туркумлаштирилади. Бевосита (тўғри) харажатлар маҳсулотларни етиштиришда бевосита қатнашади ва улар маҳсулот ҳажмига, сифатига тўғри таъсир кўрсатмайди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда (ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатишида) бевосита қатнашадиган харажатларга қуйидагилар киритилмоқда:

1. Маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар таркиби.

Маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқариш таннархини ҳосил қилувчи харажатлар, улар иқтисодий мазмунига кўра, қуйидаги элементлар билан гурухларга ажратилади:

- ишлаб чиқариш моддий харажатлари (қайтариладиган чиқитлар қиймати чиқариб ташланган ҳолда);
- ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;
- ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғурта ажратмалари;
- асосий фонdlар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси;
- ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар.

Ишлаб чиқариш билан боғлиқ моддий харажатлар

Ишлаб чиқариш билан боғлиқ моддий харажатларга қуидагилар тегишли:

♦ ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг асосини ташкил этиб, унинг таркибиغا кирадиган ёки маҳсулот тайёрлашда (ишларни бажаришда, хизматларни кўрсатишда) зарур таркибий қисм ҳисобланган, четдан сотиб олинадиган хомашё ва материаллар;

♦ нормал технология жараёнини таъминлаш ва маҳсулотларни ўраш учун маҳсулот (ишлар, хизматлар) ёки бошқа ишлаб чиқариш эҳтиёжларига сарфланадиган (асбоб-ускуналар, бинолар, иншоотлар ва бошқа асосий воситалар синовини ўtkазиш, назорат қилиш, сақлаш, тузатиш ва улардан фойдаланиш) учун ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган, харид қилинадиган материаллар, шунингдек, асбоб-ускуналарни тузатиш учун эҳтиёт қисмлар, инструментар, мосламалар, инвентар, приборлар лаборатория асбоб-ускуналари ва ассоий фонdlарга кирмайдиган бошқа меҳнат воситаларининг эскириши, маҳсус кийим-бош ва арzonбаҳоли бошқа ашёларнинг эскириши;

♦ сотиб олинадиган, келгусида ушбу хўжалик юритувчи субъектларида монтаж қилиндиган ёки қўшимча ишлов бериладиган бутловчи буюмлар ва ярим тайёр маҳсулотлар;

♦ ташқи юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектнинг ички таркибий бўлинмалари томонидан бажариладиган, фаолиятнинг асосий турига тегишли бўлмаган, ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган ишлар ва хизматлар.

3. Ердан, сувдан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи кўrsatkiчлар, уларни аниқлаш тартиби

Ер, сув қишлоқ хўжалигининг энг асосий ишлаб чиқариш воситалари экан, улардан қандай фойдаланилганини билиш зарур. Бунинг учун қуидаги кўrsatkiчлардан фойдаланиш мумкин:

а) **Умумий ер фондидан фойдаланиш коэффициенти (фоизи).** Унинг даражасини аниқлаш учун қишлоқ хўжалигида ҳақиқатда фойдаланилган ер майдонини фойдаланиш мумкин бўлган ер майдонига тақсимлаш лозим. Буни қуидаги тенглик ёрдамида аниқлаш мумкин:

ЕФК к $\frac{\Phi E}{\Phi ME}$; ёки $\frac{\Phi E}{\Phi ME} \times 100$:

Бунда: ЕФК-умумий ер фондидан фойдаланиш коэффициенти, (фоизи);

ФЕ-қишлоқ хўжалигида фойдаланилган ер майдони, га;
ФМЕ – фойдаланилиши мумкин бўлган ер майдони, га.

Бу кўрсаткич коэффициентда ёки фоизда аниқланиши мумкин. Уни аниқлаш натижасида ердан фойдаланишнинг тўлиқлик даражаси аниқланади. Уни ҳақиқий даражаси, яъни коэффициенти 1 дан ёки 100 фоиздан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Бу кўрсаткични аниқлаш натижасида тармоқда (хўжаликда) қанча ердан фойдаланилган ва қанчасидан фойдаланилмаганлиги билинади. Шундан сўнг бундай ҳолнинг сабаблари аниқланиб, уларни бартараф этиш чора-тадбирлари ишлаб чиқлади.

б) **Сувдан фойдаланиш коэффициенти.** У ҳақиқатда суғорилган майдонни шу сув билан суғорилиши мумкин бўлган майдонга тақсимлаш натижасида аниқланади. Бунинг учун қуйидаги тенглиқдан фойдаланиш мумкин:

СФК $\frac{CM}{CMM}$; ёки $\frac{CM}{CMM} \times 100$;

Бунда: СФК-сувдан фойдаланиш коэффициенти ёки фоизи;
СМ-ҳақиқатда суғорилган майдон, га;

СММ-суғорилиши мумкин бўлган майдони, га.

Буни аниқлаш натижасида сувдан фойдаланиш даражаси белгиланади. Бу кўрсаткични аниқлашда экинларга сув бериш меъёрига алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир. Чунки унга риоя қилинса, албатта, сувдан фойдаланиш даражаси юқори бўлади. Демак, унинг даражаси, яъни коэффициенти 1 дан ёки 100 фоиздан юқори бўлмаслиги лозим. Агарда юқори бўлса, унда экин майдонлари сифатли суғорилган бўлмайди.

в) **Фойдаланиш мумкин бўлган ерлардан бир йилда неча марта фойдаланилганлик даражаси.** Уни аниқлаш учун ҳақиқатда уруғ, чигит экилган майдонни мавжуд экин экилган ер майдонига тақсимланади. Бунда қуйидаги тенглиқдан фойдаланиш мумкин:

ЕФС $\frac{УЭM}{ФM}$

Бунда: ЕФС-ердан фойдаланиш сони, яъни 1 га майдондан неча марта фойдаланилганлик сони;

УЭМ- бир йил мобайнида уруғ, чигит экилган майдон, га;
ФМ- фойдаланилган ер майдони, га;

Бу кўрсаткич ёрдамида бир майдонга неча марта экиб, фойдаланилганлик даражаси, яъни сони аниқланади. Демак, унинг сони бирдан кўп бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун мавжуд бўлган ерлардан бир неча марта экиб, ҳосил олишга интилиш лозим.

г) **Ер (экин) майдонларининг маҳсулдорлиги, ҳосилдорлиги.** Бу

кўрсаткич асосан экин турлари ҳамда умумий майдон бўйича, натураг ҳамда қиймат кўринишларида аниқланади, яъни улар 1 гектар фойдаланилган майдондан қандай маҳсулотларни қанча миқдорда (кг, цен, тонна) ҳамда неча сўмлик маҳсулот ёки фойда олинганлиги аниқланади. Бунинг учун қуидаги тенгликдан фойдаланиш мумкин:

$$\text{ЭХқ} \frac{\text{ЯХ}}{\text{ЭМ}};$$

Бунда: ЭХ- 1 га экин майдонидан олинган ҳосил миқдори, ц;

ЯХ- экин экилган майдондан олинган ялпи ҳосил миқдори, ц. ёки тоннада;

ЭМ- экин экилган ҳақиқий майдон, га.

Бу кўрсаткич ёрдамида 1 гектар экин экилган майдондан қанча миқдорда ҳосил олинганлиги экин турлари бўйича алоҳида-алоҳида аниқланади. Унинг миқдори қанча кўп бўлса шунча яхши. Бу кўрсаткич у ёки бу экин экилган майдоннинг маҳсулдорлигини исботлайди. Жами экин майдонлари маҳсулдорлигини аниқлаш учун кўрсаткични қуидаги қиймат кўрсаткичларида аниқлаш, бунинг учун ҳар бир экиннинг ялпи ҳосили қийматини аниқлаб олиш лозим. Сўнгра уларнинг йиғиндисини аниқлаш керак.

$$\text{ЕМ к} \frac{\text{ЯМК}}{\text{ЭМ}} : \frac{\text{ЯДК}}{\text{ЭМ}} : \frac{\text{СФ}}{\text{ЭМ}}$$

Бунда: ЕМ- фойдаланилган ерларнинг маҳсулдорлиги. Яъни, бир гектар экин экилган ёки яйлов, пичанзор майдондан неча сўмлик ялпи маҳсулот, ялпи даромад ҳамда соф фойда олинганлиги аниқланади;

ЯМК- олинган ялпи маҳсулот қиймати, сўмда;

ЭМ- экинлар экилган майдон, га;

ЯДК- олинган ялпи даромад суммаси;

СФ- олинган соф фойда суммаси.

д) Сувдан фойдаланиш самарадорлиги. Бу кўрсаткич ёрдамида ҳар бир метр куб сув эвазига олинган ялпи маҳсулот миқдори, қиймат, даромад ва соф фойда суммаси қуидаги тенглик ёрдамида аниқланади:

$$\text{СФСқ} \frac{\text{ЯХ}}{\text{ФСМ}} : \frac{\text{ЯМК}}{\text{ФСМ}} : \frac{\text{ЯДК}}{\text{ФСМ}} : \frac{\text{СФ}}{\text{ФСМ}}$$

Бунда: СФС-сувдан фойдаланиш самарадорлиги;

ФСМ-фойдаланилган сув миқдори. Бу натура ҳамда қиймат кўринишида аниқланади. Бунда 1 м³ сувдан фойдаланиш натижасида қанча миқдорда пахта, ғалла ва бошқа маҳсулотлар етиштирилганлиги ҳамда неча сўмлик ялпи маҳсулот ва ялпи даромад, соф фойда олинганлиги аниқланади.

е) Суғориш системаси (тизими)дан фойдаланиш коэффициенти. Унинг даражасини аниқлаш учун шу тизимнинг охирида экинларни суғориш мақсадида берилган сув миқдорини шу тизим бошида олинган сув миқдорига тақсимлаш зарур. Бунда қуидаги тенгликдан фойдаланиш мумкин:

СТФК_к $\frac{СТОЭБС}{СТБОСМ}$;

Бунда: СТФК – сугориш системаси (тизим)дан фойдаланиш коэффициенти;

СТОЭБС – сугориш тизимининг охирида экинларга берилган сув миқдори;

СТБОСМ – сугориш тизимининг бошида олинган сув миқдори.

Бу кўрсаткич даражаси ёки коэффициенти 1 га интилиши керак. Чунки сугориш системасининг бошида олинган сув экин майдонларига тўлиқ етказилиши лозим. Агар унинг даражаси паст бўлса, демак, сувнинг маълум миқдори тизим давомида ёки парланган ёки тупроққа сизиб кетган ёки оқиб кетган бўлиши мумкин. Бу кўрсаткич системанинг ҳолатини ҳам исботлайди.

Ер-сув ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини юксалтириш учун ер-сув муносабатларини такомиллаштириш, чуқурлаштириш, яъни либераллаштириш масалаларини ҳал этишни тезлаштириш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун ер ва сувнинг баҳоларини ва улардан фойдалаганлик учун тўланадиган ҳақларни, солиқлар миқдорини реалроқ аниқлаш лозим. Бунда бозор иқтисоди қонунлари талабларига асосланиш, шунингдек, ер ва сув ресурсларининг чекланганлиги, такрор ишлаб чиқарилмаслиги, ҳолати, сифати, истеъмолчиларга узоқ-яқинлиги, ишлаб чиқариш воситалари ҳамда инфратузилмалар билан таъминланганлиги, олинаётган маҳсулот, фойда суммаси каби индикаторларни ҳам эътиборга олиш зарур.

Ерлардан, сувлардан тўлиқ ва самарали фойдаланиш учун:

- ер-сув ислоҳотларини қонунлар асосида яхши ўтказиш, уларни фойдаланувчиларга бериш, сотиш;

- захланиб, шўрланган ерларда ирригация ва мелиорация тадбирларини вақтида сифатли амалга ошириш;

- янги, самарали техникаларни, илфор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш;

- илмий ва амалий жиҳатдан асосланган алмашлаб экишни тиклаш;

- экологияга салбий таъсир кўрсатмаган ҳолда кимёвий воситалардан оқилона фойдаланиш;

- селекция, уруғчиликни, агротехник тадбирларни сифатли амалга ошириш;

- ишчи ва хизматчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этиш;

- ер ва сув муносабатларини такомиллаштириш ва эркинлаштириш лозим.

Сугориладиган ерларнинг қийматини аниқлаш учун:

- барча сугориладиган майдонларнинг тупроқлари турлари бўйича, уларнинг барча хусусиятларини, ҳолатини эътиборга олган ҳолда бонитировка қилиниб, бонитет балли ишлаб чиқилди. Барча хусусиятлари

бўйича энг унумдор, яхши тупроқ 100 балл қилиб белгиланган. Айрим хусусиятларини (шўрланганлик, тошлок, эрозия...) эътиборга олган ҳолда тупроқнинг банинет балли пасайиб боради; бу ҳол тупроқнинг табиий унумдорлгини ифодалайди;

- табиий унумдорликка асосланган ҳолда иқтисодий омиллар (инвестицияларни амалга ошириш натижасида меҳнат маблағ, техника...) таъсирида етиштирилиши мумкин бўлган маҳсулотнинг меъёри аниқланган. Барча омиллардан оқилона фойдаланиш натижасида 1 балл 40 кг. пахта хомашёсини етиштириш қобилиятига эга эканлиги ҳисоб-китоблар асосида аниқланган. Демак, маҳсулот етиштириш билан боғлиқ бўлган барча омиллар меъёр доирасида бўлса, у тупроқнинг 1 балли 40 кг. пахта етиштириш имкониятига эга экан.

- қишлоқ хўжалигининг жойлашишини, ихтисослашишини эътиборга олган ҳолда 1га-га, 1 ц-га сарфланиши мумкин бўлган харажатлар меъёри ишлаб чиқилган;

- тупроқнинг иқтисодий унумдорлигига асосланган ҳолда ишлаб чиқарилиши лозим бўлган маҳсулотларнинг миқдори, уларни сотиш каналлари бўйича ўртача сотиш баҳоларини эътиборга олган ҳолда меъёрий ялпи маҳсулот қийматини аниқлаш тартиби кўрсатилган.

- юқоридагиларга асосланган ҳолда ҳар бир гектар суғориладиган майдондан олиниши мумкин бўлган соф фойда миқдорини аниқлаш тартиби ҳам кўрсатилган. Шуларга асосланган ҳолда 1 гектар суғориладиган ернинг баҳосини (қийматини) ушбу формула ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$\text{Екк} \frac{СФмК}{Сф}.$$

Бунда: Ек- 1 га ернинг қиймати (сўмда);
 СФм- олинадиган соф фойда меъёри (сўмда);
 К- ерларнинг ҳолатларини ифодаловчи коэффициент;
 Сф- банк ссуда капиталининг йиллик фоизи (фоизда).

Шу формуладан фойдаланган ҳолда хўжаликнинг 80 баллга эга бўлган 1 гектар ери баҳосини аниқлаш керак бўлса, шу бир гектар ердан олиниши мумкин бўлган ялпи маҳсулот қийматидан меъёрий харажатлар суммасини айириб, олиниши мумкин бўлган соф фойда суммаси аниқланади. Бу майдон кам шўрланган, ундан 25 центнер пахта ҳосили олиш мумкин, дейлик. Агарда ҳар бир тонна пахта 2002 йил харид баҳоларида 104,6 минг сўмга сотилса, унда 267,5 минг сўмлик ($2,5 \times 104,6$) ялпи маҳсулот олиш мумкин. Ҳар бир тонна пахта хомашёсини етиштириш учун 90,0 минг сўм харажат қилинадиган бўлса, шу майдондан $(2,5 * (104,6 - 90,0)) = 36,5$ минг сўмлик соф фойда олиш мумкин. Банк ссуда капиталининг йиллик фоизи 30 фоиз бўлса, 1 га ернинг қиймати:

$$\text{Екк} \frac{36,5 \times 0,85}{30,0} \cdot 100 = 103,41 \text{ минг сўмга teng bўlar экан.}$$

Агарда шу майдон ҳар томомлама яхши бўлса (қ-1,2), унда унинг қиймати $((36,5 \times 1,2) : 300) \times 100$ қ146 минг сўмга teng бўлади. Ер майдони кам

шўрланганлиги учун унинг қиймати 42,6(146,0-103,4)минг сўмга арzonроқ экан.

Лекин ер ресурсларининг чекланганлиги ва уларга нисбатан бозор талаби оша бориши натижасида уларнинг қиймати янада юқори бўлиши мумкин. Шундай тартибдан фойдаланган ҳолда ширкат хўжаликларининг суғориладиган ерлари қиймати аниқланиб, улар хўжаликнинг «пай фонди» таркибиغا қўшилмоқда.

Лекин келажакда иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнида ерларнинг қийматини аниқлаш тартибини такомиллаштириш лозим. Бунда ер рентасига алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқ. Чунки давлат мулкининг эгаси сифатида мутлақ ер рентасини олиши, дифференциал ренталар эса ер эгаси билан ундан фойдаланувчилар ўртасида тақсимланиши лозим. Шу билан биргаликда бозор шароитида ерга бўлган талабни ҳам эътиборга олиш зарур.

Давлат ер кадастрини юритиш топография – геодезия, картография, тупроқ, агрокимё, геоботаника жиҳатидан ва бошқа йўналишда текшириш ва изланишлар олиб бориш, ерларни ҳисобга олиш ва уларга баҳо бериш, ер эгаларининг, ердан фойдаланувчиларнинг, ижарачиларнинг ҳамда мулкдорларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини рўйхатга олиш билан таъминланади. Ер мониторинги ва давлат ер кадастри «Ер кадастри» қонуни асосида амалга оширилади.

Давлат мулкини уни тасарруфидан чиқариш натижасида акционерлик, пайчилик мулкларига биргаликда эгалик қилиб, ишлаб чиқаришни ташкил этувчилар тадбиркорлардир. Улар бозор иқтисодиётига хос бўлган, аввал бизда мавжуд бўлмаган янги масалаларни, муносабатларни мукаммал билишлари лозим. Даставвал улар мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тартибини яхши билишлари зарур. Шунинг билан биргаликда акциялар, уларнинг турларини, мазмунини қандай қилиб акциядорларга берилишини, сотилишини ҳамда дивидентларини аниқлашни билишлари лозим. Пайларни аниқлашни, уларни пайчиларига етказишни шу билан боғлиқ бўлган муносабатларни амалга ошириш қобилиятларига эга бўлишлари зарур. Ҳозирги даврда ташкил этилаётган акциядорлик, пайчилик, мулкчиликка асосланган хўжаликларнинг ҳар бир мутахассиси юқоридаги масалаларни бажара олиш имкониятларига эга эмаслар. Бу масалаларни муваффақиятли ҳал этиш учун шу тадбиркорларнинг билимларини ошириш ишларини ташкил этиш лозим. Шу билан биргаликда мулкчилик шаклларини ташкил этишни таъминлайдиган қўлланмаларни ишлаб чиқиб, уларни амалиётда синаб, тадбиркорларга етказиш зарур.

1. қишлоқ хўжалигига суст суръатлар билан қўшма мулкчиликка асосланган тадбиркорлик корхоналари ташкил этилмоқда. Улардаги раҳбар тадбиркорлар ташки иқтисодий муносабатлар амалга оширилишининг контрактларини, инвестиция сиёсатини, тартибини, маҳсулотларнинг даромадларини ўзаро тақсимлаш билан боғлиқ бўлган масалаларни билишлари зарур. Улар ички ҳамда ташки бозорнинг ҳолатини,

маълумотлар, рекламалар ҳамда бошқариш санъатини ҳам эгаллашлари керак. Бу тоифадаги тадбиркорлар аввалгиларига нисбатан анча малакали, билимдон, уддабурон бўлишлари лозим.

Юқорида таъкидланганлардан кўриниб турибдики, республикамиз қишлоқ хўжалигида тадбиркорликнинг турли шакллари ташкил топмоқда. Улар қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ижобий ҳисса қўшмоқдалар. Лекин, улар ўз фаолиятларини амалга оширишда анчагина қийинчиликларга учрамоқдалар. Масалан, ташкилий, хукуқий, ижтимоий ҳамда иқтисодий масалаларни ҳал этиш борасида. Чунончи, ерларни олишда, тадбиркорлик шаклларини ташкил этишда, кредит олишда, маҳсулотларини сотишда, улар учун ҳақ олишда мушкулликларга дуч келмоқдалар. Шунинг оқибатида улар ишчи-хизматчиларига ўз вақтида иш ҳақи бера олмайдилар. Бу масалаларни ҳал этишда маҳаллий ҳокимият ёрдам қўлини чўзиши зарур. Шундагина қишлоқ хўжалигида ҳам тадбиркорлар кўпайиб, тадбиркорлик ривожланиши таъминланади.

Назорат саволлари:

1. Агросаноат мажмуасини шакллантиришнинг зарурлигини исботланг.
2. Агросаноат мажмуасининг мақсади ва вазифалари нималардан иборат?
3. Агросаноат мажмуаси таркибига нималар киради?
4. Агросаноат мажмуасининг ривожланишини қандай кўрсаткичлар ифодалайди, улар қандай аниқланади?
5. Агросаноат мажмуасининг республика иқтисодиётидаги ўрнини қандай кўрсаткичлар ифодалайди ва улар қандай аниқланади?
6. Агросаноат мажмуасининг озиқ-овқат ҳамда халқ истеъмоли моллари мажмуаларини шакллантиришдаги аҳамиятини тушунтириб беринг.
7. Агросаноат мажмуасининг давлат озиқ-овқат хавфсизлиги муаммосини ҳал этишдаги аҳамиятини изоҳлаб беринг.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2017.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги “Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги ПФ-4947 – сонли фармони // Ўзбекистон республикаси қонун хужжатлари тўплами 2017 йил, 6-сон.
3. Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20 апрель 2017 йилдаги 18 (778) – сонли қарори. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
4. Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. -Т.: Ўзбекистон, 2016.56-б.

5. Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. - Т.:Ўзбекистон, 2017. 56-б.

6. Мирзиёев Ш. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз.-Т.:Ўзбекистон, 2017. 488-б.

7.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи. (Нью-Йорк шаҳри, 2017 йил 19 сентябрь)

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодий тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. Халқ сўзи. 2018 йил 8 май.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. 2018 йил 8 май Халқ сўзи.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Бош Прократураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқовқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори 2018 йил 7 май.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги “Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Мурожатномаси. “Юрт равнақи, халқ фаровонлигига муносиб ҳисса қўшайлик” Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишланган тантанали маросимда иштрок этган аграр соҳа вакилларининг республикамиз миришкор дехқонлари, фермерлар ва соҳа ходимларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг Мурожаати 2017 йил декабрь.

3 - Мавзу: Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва бошқариш

Режа:

1. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва бошқариш.
- 2.Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш тизими.

Таянч иборалар: агромаркетинг, бошқариш, тизим, структура, активлар, даромад, фрийда , зарар, рентабеллик даражаси, мақсад, вазифа, имтиёз, субсидия

Қишлоқ хўжалиги ҳалқ хўжалигининг энг ҳаётий, зарур тармоқларидан биридир, чунки қишлоқ хўжалиги озиқ овқат саноати ва

саноатнинг бошқа кўпгина тармоқлари учун хом ашёнинг хилма-хил турларини етказиб беради.

Қишлоқ хўжалиги саноат билан маҳкам боғланган ҳолда ривожланиб боради.

Булардан ташқари, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши қўйидагича ўзига хос хусусиятларга эга:

1. Ер ишлаб чиқаришнинг асосий ва ўзига хос воситаси бўлиб, бошқа ишлаб чиқариш воситаларидан бутунлай фарқ қиласди. Жумладан:

А) ер табиат маҳсули бўлиб, уни ишлаб чиқаришга меҳнат сарфланмаган;
Б) ер абадий ишлаб чиқариш воситасидири, ундан тўғри фойдаланиш бир майдоннинг ўзидан маҳсулот олишни муттасил кўпайтиришни таъминлайди; бошқа ишлаб чиқариш воситалари эса фойдаланиш жараёнида ўз фойдали хусусиятларини камайтириб боради ва ниҳоят тугайди;

В) ишлаб чиқариш воситаси бўлган ерни бир жойдан иккинчи жойга кўчириш мумкин эмас;

Г) бошқа бирор ишлаб чиқариш воситаси ернинг ўрнини боса олмайди.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида ернинг энг муҳим хусусияти тупроқ унумдорлигидир. Тупроқ унумдорлиги табиий ва сунъий, абсолют ва нисбий, потенциал ва самарали ёки иқтисодий унумдорлик тарзида тафовут қилинади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ўсимлик, ҳайвон организмларнинг биологик функцияларидан ва тупроқдан фойдаланишга асосланган. Шунинг учун қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши табиий шароитларга жуда боғлиқдир.

Қишлоқ хўжалигининг дехқончилик тармоғида иш йил бўйи бир зайлда давом этмайди, шу сабабли ишлаб чиқариш мавсумий характерга эгадир. Ишнинг мавсумийлиги эса иш кучидан фойдаланиш, хўжаликларни ихтисослаштириш, ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш, меҳнатни ташкил қилиш ва бошқаларга катта таъсир этади.

Қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигига маълум даражада агрометеорологик шароитларга боғлиқ. Шу сабабли экинларнинг ҳосилдорлиги, чорва молларининг маҳсулдорлиги ва бинобарин даромад ҳам ўзгариб туради.

Ер қишлоқ хўжалигига асосий ишлаб чиқариш воситаси, шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг асосий кўрсаткичлари фойдаланиладиган ер майдони, экин майдони, экин майдонларининг структураси ва қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги, ем хашак экинларида эса гектаридан чиқадиган озуқа бирлиги билан ўлчанади.

Чорвачиликнинг ривожланиши ва ишлаб чиқариш ҳажми кўрсаткичи – чорва бош сони, таркиби, маҳсулдорлиги ва ялпи маҳсулоти билан ўлчанади.

Иқтисодий кўрсаткичларга: 1) ялпи ва ттовар маҳсулотининг ҳажми; 2) меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи; 3) маҳсулот таннархи; 4) ялпи ва соғ даромад; 5) рентабеллик даражаси кабилар киради.

Ялпи маҳсулот хўжаликда етиштириладиган жами маҳсулотни ёки унинг айрим ишлаб чиқариш участкасида етиштирилган маҳсулотнинг умумий ҳажмини акс эттиради. Товар маҳсулоти ялпи маҳсулотнинг сотиш учун мўлжалланган қисмидан иборат.

Ишлаб чиқариш самарадорлигининг энг муҳим кўрсаткичларидан бири меҳнат унумдорлигидир, у ҳар бир ходим ёки сарфланган меҳнат бирлиги ҳисобига олинадиган маҳсулотни акс эттиради.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсаткичлари ичида маҳсулот таннархи, фойда ва рентабеллик муҳим ўрин эгаллайди.

Маҳсулот етиштириш ва уни сотиш учун пул шаклида ифодаланган ҳамма харажатлар маҳсулот таннархини ташкил қиласди.

Ялпи даромад – хўжаликда етиштирилган барча маҳсулотининг қиймати билан уни етиштириш учун сарфланган моддий харажатлар ўртасидаги тафовутдир.

Ялпи даромаднинг ўсиши – хўжалик иқтисодини мустаҳкамлашнинг энг муҳим омилидир, чунки шунга биноан соф даромал ва фойда ҳам ошади.

Соф даромад – ялпи маҳсулот қиймати билан таннарх ўртасидаги тафовутдир.

Фойда деб маҳсулотни сотишдан тушган пул билан – маҳсулот етиштириш харажатлари ўртасидаги айрмага айтилади.

Соф даромад, фойда қанчалик кўп бўлса, рентабеллик даражаси ҳам шунча юқори бўдади ва аксинча.

Рентабеллик даражаси хўжаликнинг маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланган ҳамма харажатларини қоплаш даражасини қўрсатади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлигининг кўрсаткичлари орасида асосий ва айланма фондларнинг самарадорлик даражаси ҳам муҳим роль ўйнайди.

Асосий ишлаб чиқариш фондларининг бир сўми ҳисобига етиштирилган маҳсулот ҳажми – фонд самарадорлиги даражасини белгилайди.

Ихтисослаштириш асосида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини смарадорлигини оширади. Бу эса янги техника ва технологиядан самарали фойдаланиш, иш қучинитармоқларга йил бўйи тўғри тақсимлаш ва тупроқ иқлим шароитларидан унумлироқ фойдаланиш имкониятини яратади.

Қишлоқ хўжалигини жойлаштириш ва ихтисослаштиришда табиий ва иқтисодий омиллар ҳисобга олинади:

А) табиий факторларга тупроқнинг тури, унумдорлиги, ўратча ҳарорат, ёғингарчилик миқдори, жойнинг релбефи, далаларнинг ҳажми, экинзорлар, яйловлар ва пичанзорларнинг мавжудлиги киради;

Б) иқтисодий омилларга ишлаб чиқаришнинг шаҳар ва саноат марказларига яқинлиги, техника тараққиёти, транспорт, йўл, алоқа ва меҳнат ресурслари билан таъминланганлиги, капитал маблағ сарфлашни кўпайтириш имкониятлари ва аҳолининг авлоддан авлодга ўтиб келаётган шаклланган меҳнат малакаси киради, яъни ҳар бир зонада ўзи учун анъана

бўлиб қолган тармоқлар, экинлар, чорва турлари ихтисослаштириши белгилашда ҳисобга олинади.

Ихтисослаштириш формалари:

1. Зонал ихтисослаштириш.
2. Қишлоқ хўжалик корхоналарини ихтисослаштириш
3. Ички хўжалик ихтисослаштирилиш кабиларга бўлинади.

Ихтисослаштирилиган ишлаб чиқаришда фан ва илғор тажриба ютуқларини жорий қилиш учун қулай шароитлар яратилади, харажатларни кўп миқдорди тежаб қолишга эришилади, ишловчилар ва мутахассислар ҳам ихтисослашади. Натижада гектар бирлиги, чорва бош сони ҳисобига кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқилади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини мамлакатнинг табиий иқтисодий зоналарига қараб илмий жиҳатадан асосланган ҳолда тўғри жойлаштириш, ихтисослаштириш ва концентрациялаштириш зуур. Бу қишлоқ хўжалигини юксак суръаталар билан ривожлантириш ва унинг самарадорлигини оширишнинг муҳим омили ҳисобланади.

Хозириг вақтда ихтисослаштириш икки йўл билан амалга оширилади:

баъзи хўжаликларида бир хил маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда, буларга парандачилик ва бўрдоқичилик хўжаликлари киради.

Иккинчи хил хўжаликларида дехқончилик ва чорвачиликнинг бир қанча тармоқлари ривожланмокда.

Тармоқлар хўжаликда тутган иқтисодий ролига қараб асосий, қўшимча ва ёрдамчи тармоқларига бўлинади.

Дехқончилик билан чорвачиликнинг ўзаро мустаҳкам алоқада бўлиши катта аҳамиятга эга, чунки бири бирининг қўшимча маҳсулоти ҳисобига иккала тармоқ ҳам ривожланади. Бундан ташқари, ишда мавсумга боғлиқлик камайиб боради, асосий воситалардан унумли фойдаланилади, пул даромади бир текисда тушиб туриши таъминланади.

Хўжаликларнинг катта кичиклигини белгилашда бевосита кўрсатикчлар: ялпи маҳсулот ва ялпи маҳсулот қиймати, шунингдек билвосита кўрсаткичлар: экин майдонинг миқдори, структураси, чорвачилик хўжаликларида молларнинг сони, боғдорчилик хўжаликларида мева тури ва мевали дараҳтлар сони кабилар ҳисобга олинади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарнинг ҳажмига: хўжаликнинг техника билан қуролланиш даражаси, ишлаб чиқариши уюштириш ва унинг технологияси даражаси, кадрларнинг малакаси, аҳолининг жойлашуви, табиий шароити ва бошқарилиш тартиби кабилар таъсир қиласи.

Ишлаб чиқарши бошқаришда режалаштириш энг муҳим ҳисобланади. Режалаштиришнинг асосий вазифаси ижтимоий ишлаб чиқариши узлуксиз ва жадал ривожлантириш ва шу асосида халқ хўжалигининг моддий неъматларга бўлган доимо ўсиб борувчи талабини қондиришdir.

Режалаштиришга қўйидаги таалаблар кўйилади:

1. Режалар оптималл бўлиши керак;
2. Режаларнинг узлуксизлиги;
3. Режаларнинг реал хақиқатлиги.

Хар бир хўжалик тармоғи бутун халқ хўжалигининг ажралмас бир бўлгидир. Ҳар қандай корхонанинг иқтисоди хўжалик томонидан ишлаб чиқсан режа асосида ривожланади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг ҳар бир тармоғи учун тегишли машиналар, техника, ўғит ва бошқа саноат воситалари қанча миқдорда кераклиги ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларни қаерларга сотиш лозимлигини режа асосида олиб борадилар.

Қишлоқ хўжалик корхоналарнинг стратегик режалари хўжаликни ривожлантиришнинг узоқ йилга мўлжалланган режа бўлиб, капитал қурилишни, уй жой, маданий қурилишини амалга ошириш, алмашлаб экишни ўзлаштириш, ерлаарни мелиорация қилиш, хўжаликларни ихтисослаштириш, янги техникани ўзлаштириш инновацион технологияларни ўзлаштириш, комплекс механизациялаштиришга ўтиш ва бошқа тадбирлар учун тузилади.

Қишлоқ хўжалигида асосан ишлаб чиқариш жорий режалар стратегик план асосида тузилади.

Иш режалари **қўклам** – экишга тайёргарлик ва экиш, **ёз** – ўсиш давридаги агротехника ишлари, **куз** – йифим терим ва **қииш** – ерни хайдаш давларининг ҳар бири учун алоҳида тузилади.

Иш режасида ишларнинг тури, ҳажми, техника ва ишловчиларга бўлган талаб, кундалик иш унуми ва ишларни бажариш муддатлари кўрсатилади.

Режа нарядлар хўжаликларга, трактор агрегатларига ва бевосита ҳар бир иш бажарувчига берилади. Нарядлар бажарилган ишни ҳисобга олиш хужжатидир.

Ишлаб чиқаришда иштрок этиш хусусиятларига қараб ишлаб чиқариш воситалари: асосий ва айланма воситаларга бўлинади. Асосий ишлаб чиқариш воситалари деб ишлаб чиқаришда бир неча йил иштрок этиб, ўз қийматини янгидан етиштирилган маҳсулотга оз–оздан ўтказиб борадиган воситаларга айтилади. Трактор, қишлоқ хўжалик машиналари, иморат ва иншоотлар, кўп йиллик дараҳтлар, ишчи ва маҳсулдор хайвонлар асосий воситаларга киради.

Айланма воситалар эса ишлаб чиқаришда бир иш циклида иштрок этади ва ўз қийматини янгидан етиштирилган маҳсулотга бирданига ўтказади, уларга– уруг, ўғит, заҳарли химикатлар, запас қисмлар, ёнилги ва мойлаш материаллари, ем–хашак кабилар киради.

Асосий фонdlар ишлаб чиқаришнинг техника билан қандай таъминланганligини кўрсатади.

Бир ходим ҳисобига олинган асосий фонdlар қиймати меҳантнинг фонд билан қуролланганлик даражасини ва ер майдони бирлиги ҳисобига олинган асосий фонdlар қиймати хўжаликнинг фонд билан таъминланганлик даражасини кўрсатади.

Бир ишловчи ҳисобига тўғри келадиган энергия қуввати меҳнатнинг энергия билан қуролланганлик даражасини ва экин майдони бирлигига тўғри келадиган энергия қуввати ишлаб чиқаришнинг энергия бўйлан таъминланганлик даражасини белгилайди.

Қишлоқ хұжалик корхоналарининг йұналиши, уларда бажариладиган иш тури ва иш ҳажмiga қараб тузилған технологик картага биноан трактор ва қишлоқ хұжалик машиналарига бўлған талаб қаниқланади. Бунда иш ҳажми, иш нормаси, ишни бажаришнинг агротехник муддатлари белгиланади.

Асосий ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқаришда қатнашиб астасекин эскириб боради, улар:

- а) физик эскириш
- б) маънавий эскириш.

Ишлаб чиқаришда қатнашиб, ўз қийматини йўқотган асосий воситаларни қайта тиклаш учун уларнинг янги маҳсулотга ўтган қисми ҳисобидан амортизация фонди ташкил этилади.

Амортизация суммаси асосий воситаларнинг балансидаги баҳосига, ишлаган йилига ва бажарган иш микдорига қараб ҳисобланади. Амортизация фондига ажратилиган маблағнинг маълум қисми асосий воситаларни қайта тиклашга, маълум бир қисми эса, уларнинг капитал ремонтига сарфланади.

Трактор ва бошқа қишлоқ хұжалик машиналарини доимо ишга яроқли ҳолда сақлаш учун улар тегишли муддатда техник қаровдан ўтказилиб, жорий ва капитал ремонт қилиб турилади. Бунда тракторларни ремонт қилиш вақти уларнинг мото–соат ҳисобидаги иш вақти, ёнилғи сарфи ва юмшоқ ер хайдаш ҳисобидаги иш бажаришига қараб режалаштирилади.

Асосий ва айланма ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишнинг иқтисодий кўрсаткичлари қилинган сарфларнинг қопланиши, сарфланган маблағнинг ҳар бир сўми эвазига қанча фойда олинганлиги билан ўлчанади. Бу фондларнинг самарадорлигини ошириш учун асосий ва айланма фондлар ўртасидаги нисбатни тўғри белгилаш катта аҳамиятга эга.

Хар бир хўжаликнинг ишлаб чиқариш фондлари ижтимоий мулқdir. Улардан тежаб–тергаб фойдаланиш барча ходимларнинг муҳим вазифасидир.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши икки йўл билан: *экстенсив йўл* – ишланадиган майдонларни кенгайтириш ва интенсив йўл – муайян микдордаги майдон ва чорва туёғидан, шунингдек техника, химиявий воситалар ҳисобига тобора кўпроқ маҳсулот олиш, дәхқончилик ва чорвачилик маданиятини ошириш йўли билан ривожланади.

Интенсивлаштириш – қишлоқ хўжалигига ер майдони бирлигига иқтисодий асосланган қўшимча маблағ сарфлаш негизида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг режали процессидир.

Интенсивлаштиришнинг моҳияти фан ва илғор тажриба асосида юксак дәхқончилик ва чорвачилик маданиятига эришиш, барча экинлар ҳосилдорлигини кескин суръатда ошириш ҳамда меҳнат ва маблағларни энг кам сарфланган ҳолда ҳар бир гектар ердан олинадиган маҳсулотни кўпайтиришdir.

Ердан самаралироқ фойдаланишга ёрдам берадиган йўллар интенсивлаш омилларидир, уларга қуйидагилар киради.

- а) қишлоқ хўжалиги илмий техника тараққиётини ривожлантириш;
- б) қишлоқ хўжалигини химиялаштириш;
- в) мелиорация ишларини амалга ошириш;
- г) алмашлаб экишни жорий қилиш;
- д) янги навларни яратиш;
- е) қишлоқ хўжалигини ихтисослаштириш;
- ж) чорвачиликда наслчилик ишларини йўлга қўйиш;
- з) ижтимоий иқтисодий омиллар.

Қишлоқ хўжалигини изчиллик билан интенсивлаштириш унинг ҳамма омилларини комплекс ва режали тарзда татбиқ этиб, уларни энг рационал тразда қўшиб олиб боришга асосланади.

Интенсивлаштириш даражасининг асосий кўрсаткичлари:

1. Ер майдони бирлиги ҳисобига барча ишлаб чиқариш фондларининг қиймати.
2. Ер майдони бирлиги ҳисобига қўшимча сарфланган ишлаб чиқариш воситаларнинг суммаси.
3. Хар гектар экин майдонига тўғри келадиган жонли меҳнат сарфи.
4. Ер майдони бирлигига тўғри келадиган жонли меҳнат сарфи.

Интенсивлаштириш самарадорлигининг ошиши билан меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқариш рентабеллиги ошиб боради.

Интенсивлаштириш самардорлигининг асосий кўрсаткичлари:

1. Бир гектар қишлоқ хўжалик ерига, ҳайдаладиган ерга экинзорга тўғри келадиган ялпи маҳсулот қиймати, ялпи ва соф даромад
2. Бир гектар ҳисобига тўғри келадиган ҳосилдорлик.
3. Меҳнат унумдорлиги.
4. Маҳсулот таннархи ва ишлаб чиқаришнинг рентабеллиги.
5. Қўшимча сарфлар суммасига нисбатан, қўшимча олинган соф даромад.

Ҳозирги шароитида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг бош йўли интенсивлаштиришдир.

Меҳнат унумдорлиги – меҳнат сарфининг самарали, натижали бўлиши, конкрет меҳнатнинг вақт бирлиги ичida муайян миқдоридаги маҳсулот ишлаб чиқариш қобилиятидан иборат.

Бир вақтнинг ўзида қанчалик кўп маҳсулот яратилса, маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун меҳнат ва иш вақти қанчалик кам сарфланса, меҳнат унумдорлиги шунчалик юқори бўлади.

Меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари бевосита ва билвосита кўрсаткичларга бўлинади:

бевосита кўрсаткичларга ишлаб чиқаришда банд бўлган ҳар бир киши ҳисобига қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг тўғри келиши ва маҳсулот бирлигига сарфланадиган киши–куни;

билвосита кўрсаткичларига – вақт бирлигига иш нормасини бажариш, деҳқончиликда банд бўлган ҳар бир кишига тўғри келадиган экин майдони, бир гектар ердаги экинга қилинадиган меҳнат сарфлари киради.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини белгиловчи барча омиллардан оқилона фойдаланиш билан меҳнат унумдорлигини оширишга эришиш мумкин.

Меҳант унумдорлигини оширишнинг асосий йўллари: техника тараққиёти, ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва электрлаштириш, дехқончилик маданиятини юксалтириш, меҳнатни илмий асосда ташкил этиш, ишловчиларнинг моддий–манфаатдорлигини ошириш, ишловчиларни малакасини оширишдан иборат.

Қишлоқ хўжалигининг ҳар хил тармоқларида ва турли ишлаб чиқариш шароитларида амалга ошириладиган меҳнат процеслари бир биридан қанчалик фарқ қиласин, уларнинг ҳар бирида ҳисобга олинадиган қуидаги принциплари мавжуд:

Пропорционаллик, рационал ихтисослаштириши, келишиб олиши, бишрт текислик, узлуксизлик.

Меҳнатни илмий асосда ташкил этиш масалаларига қуидагилар киради: ходимларни танлаш ва уларнинг профессионал малакаси ҳамда тажрибасига қараб ишда жой–жойига қўйиш; ходимлар ўртасида меҳнатни тақисмлашнинг оптимал даражасини ўрнатиш; ходимларни илғор иш усулларига ўргатиш; иш жойларини зарур ускуналар билан жиҳозлаш; меҳнат ва дам олишнинг рационал режимларни ўрнатиш; иш ўринини режалаштириш ва меҳнатни ташкил қилишнинг рационал формаларини ишлаб чиқишдан иборат.

Иш нормаларида ишлаб чиқарни оқилона ташкил этишга асосланилади. Иш нормаси ишлаб чиқаришни тўғри режалаштириш, такомиллаштириш, янги техникани, технологияни жорий қилиш ҳамда меҳнатни ташкил этиш ва хақ тўлашнинг асосидир.

Нормалар ишлаб чиқариш бўлинмаларига йиллик топшириқлар ва иш режаларини ишлаб чиқиш учун асос вилиб олинади.

Нормалар – иш нормаси, иш вақти нормаси ва хизмат қўрсатиш нормасига бўлинади.

Ишларни нормалаштиришда оддий арифметик ва иш жараёнларини элементларга бўлиб техник нормалаш усуллари қўлланилади. Техник нормаларда хронография, хронометраж ва киносьёмкалардан фойдаланилади.

Иш нормасини бажаришга соф иш вақти, агрегатнинг юриш тезлиги, агрегатнинг ишлаш кенглиги ҳамда карталарнинг узунлиги, тупроқнинг оғир енгиллиги ва ерларнинг рельефи таъсир қилади.

Нормалар янги техника ва технология жорий қилиниши ылан қайт кўриб чиқилади.

Назорат саволари:

1. Асосий, айланма фонdlар, маблағлар, воситалар деганда нимани тушунасиз?
2. Асосий ва айланма воситаларнинг, маблағларнинг, фонdlарнинг қишлоқ хўжалигидаги аҳамияти қандай ?

3. Асосий ва айланма воситаларни барпо этишнинг қандай манбаларини биласиз?
4. Ишлаб чиқариш воситалари бозори деганда нимани тушунасиз?
5. Асосий ва айланма фондлардан, воситалардан фойдаланиш даражасини, самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар, уларни аниқлаш тартибини тушунтириб беринг.
6. Асосий воситаларнинг эскириш қиймати қандай тартибда аниқланади?
7. Асосий ва айланма фондлардан, воситалардан, маблағлардан тўлиқ ва самарали фойдаланиш учун қандай масалаларга эътибор бериш керак?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2017.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги “Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги ПФ-4947 – сонли фармони // Ўзбекистон республикаси қонун хужжатлари тўплами 2017 йил, 6-сон.
3. Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20 апрель 2017 йилдаги 18 (778) – сонли қарори. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
4. Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. -Т.: Ўзбекистон, 2016.56-б.
5. Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. - Т.:Ўзбекистон, 2017. 56-б.
6. Мирзиёев Ш. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз.-Т.:Ўзбекистон, 2017. 488-б.
- 7.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи. (Нью-Йорк шаҳри, 2017 йил 19 сентябрь)
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодий тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. Халқ сўзи. 2018 йил 8 май.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. 2018 йил 8 май Халқ сўзи.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Бош Прократураси хузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори 2018 йил 7 май.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги

“Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Мурожатномаси. “Юрт равнақи, халқ фаровонлигига муносиб ҳисса қўшайлик” Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишланган тантанали маросимда иштрок этган аграр соҳа вакилларининг республикамиз миришкор дехқонлари, фермерлар ва соҳа ходимларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг Мурожаати 2017 йил декабрь.

4.Мавзу: Сув хўжалигида инвестициялар, инновациялар ва илмий-техник тараққиёт

Режа:

1. Сув хўжалиги тизимида инвестициялар ва уларни жалб қилиш ҳолати.
2. Сув хўжалигида инновациялар ва илмий-техник тараққиёт.

Таянч иборалар: инвестициялар, илмий-техника тарраққиёти, сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги, капитал, даромад, фойда, зарар, инновация, фаоллик, субсидия, кредит, имтиёз, нарх, қиймат, агромаркетинг.

1. Сув хўжалиги тизимида инвестициялар ва уларни жалб қилиш ҳолати

Маълумки, ҳар қандай давлатнинг иқтисодий ривожланиши ва унда ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг энг асосий йўналишларидан бири бўлиб мамлакатдаги инвестиция сиёсати ҳисобланади. Бу ўз навбатида республикада чуқур таркибий ўзгаришларни амалга оширишни таъминлайди. Миллий иқтисодиёт соҳаларига ташқи ва ички инвестициялар оқимини фаоллаштириш иқтисодий юксалишнинг янги босқичини бошлаб берадиган асосий омил ҳисобланади.

Шу сабабли инвестиция сиёсати давлат иқтисодий сиёсатининг энг муҳим таркибий қисми бўлишдан ташқари, иқтисодиётни модернизациялашнинг ресурслар асоси бўлиши табиий ҳолdir.

Мамлакатимизда мустақилликдан кейинги йилларда иқтисодиёт тармоқларига, шу жумладан қишлоқ ва сув хўжалигига жалб этилаётган ички ва ташқи инвестиция манбалари ва турлари кўламини кенгайтириш, улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ амалий характердаги муаммоларга кенг маънода эътибор қаратилмоқда.

Хозирга қадар «инвестиция» тушунчаси моҳиятини иқтисодчи олимлар турлича талқин қилиб келадилар. Айрим иқтисодчилар уни «тадбиркорлик фаолиятига даромад олиш мақсадида сафарбар этилган барча турдаги бойлик» деб тушунсалар, айримлари лотинча «invest»

сўзининг айнан таржимаси «солиш» деган маънони билдиришидан келиб чиқкан ҳолда «капитал солиш» билан бирдай қилиб таърифлайдилар.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Д.Ф.Ғозибеков ва Т.М.Қоралиевлар инвестицияни “... даромад (фойда) ёки ижтимоий самара келтирадиган ва тадбиркорлик, ишбилармонликнинг давлат томонидан таъкиқланмаган фаолиятларига жалб қилинадиган (сарфланадиган) барча турдаги мулкий ва интеллектуал бойликлар”, деб таърифлайдилар.

Шунингдек, “... самара келтирадиган мулкий ва интеллектуал бойликлар, яъни инвестициялар қуидаги шаклларда бўлиши мумкин” лигини алоҳида қайд қиласидилар:

- пул маблағлари, банклардаги мақсадли жамғармалар, пайлар, акциялар ва бошқа қимматли қофозлар;
- ҳаракатдаги ва ҳаракатда бўлмаган мулклар (бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар);
- муаллифлик хуқуқи, ихтиrolардан фойдаланиш хуқуқларидан (нау-хау) ташкил топган мулкдорлик хуқуқлари, бошқа интеллектуал бойликлар;
- ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш хуқуқлари ҳамда мулкчилик хуқуқлари;
- бошқа бойликлар¹.

Айниқса, Д.Ф.Ғозибековнинг инвестицияларнинг макродаражадаги ва ишлаб чиқариш назариясидаги, молия назариясидаги ва умуман, иқтисодиётдаги моҳиятини очиб беришда уларнинг турли хил хатарлар ва кутилаётган даромадлар билан боғлиқлигини ҳамиша ёдда тутмоқ кераклиги алоҳида таъкидланади. Яъни, “Пулнинг даромад келтириш лаёқати пул келадиган манбаларга ва унинг нималарга сарфланишига, яъни пулнинг қаердан келиши ва нималарга инвестицияланишига боғлиқ. Бинобарин, капитал манбаларининг ишончлилиги билан маблағларни инвестициялашнинг тўғрилиги ўртасида узвий боғлиқлик кузатилади. Инвестиция ана шу белгилари билан бошқа маблағ солишлардан фарқланиб туради”. Шунингдек инвестицияларнинг ноаниқлик эҳтимоли бўлган ва келгусида кутилаётган қийматга капиталнинг аниқ бугунги қийматини алмаштиришдан иборатлиги, бунинг далили сифатида инвестицияларнинг сафарбар этилишида уларни онгли равишда аниқ ва ноаниқ бўлган рисклар билан боғланишини келтириб ўтадилар ва таъкидлайдики “... инвестициялар қаратилган соҳа ва қўйиш обьектлари, инвестициялаш субъектлари, қайта ишлаб чиқариш ва ҳаракат йўналишларидан келиб чиқиб, муайян мақсадларни кўзлайди ва улар билан боғлиқ бўлган аниқ ва ноаниқ рисклар билан тўқнашади².

Муаллиф инвестицияларнинг моҳиятини очища ularнинг

¹ Ғозибеков Д., Инвестиция фаолиятини ташкил этиш ва давлат томонидан тартибга солиш. - Т.: - Матбаатчи, 1993.

² Ғозибеков Д. Инвестицияларни молиялаштириш муаммолари. Тошкент - 2002 й., и.ф.д. диссертацияси автореферати, 11-14-бетлар.

мақсадлари ва улар билан боғлиқ бўлган рисқлар қайта ишлаб чиқариш, қаратилган соҳа ва қўйиш обьектларидан, инвестициялар субъектлари ва ҳаракат йўналишларидан келиб чиқсан ҳолда уларни таснифлашни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди. Инвестициялар аниқ ва ноаниқ, лекин эҳтимоли бор рисклар остида капитални муайян жараёнларга, муайян вақтга боғлаш бўлиб, унинг ҳозирги қийматини сақлаш, капиталлаштириш ва жамғариш мақсадига қаратилади.

Шунингдек, А.Узоқов, Ш.Эргашевалар ҳам юқоридаги таъриф доирасида инвестиция иқтисодий категориясига “... келгусида даромад (фойда) олиш ёки ижтимоий самарага эришиш мақсадида қонун доирасида иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва бошқа соҳаларига инвесторлар томонидан қўйиладаган барча турдаги мулкий, молиявий ва интеллектуал бойликлар тушунилади.

Бошқача айтганда, инвестициялар – мулкчиликнинг ҳар хил кўринишиларидағи моддий, молиявий ва номоддий бойликларни иқтисодий – ижтимоий даромад олиш мақсадида муомалага киритишидир” деган таъриф берадилар.

Шунингдек инвестиция тушунчасининг мазмуни Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги қонунида «Иқтисодий ва бошқа фаолият обьектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлар³» сифатида ҳам таърифланади.

Юқоридаги фикрларга асосланиб инвестицияни иқтисодиёт ривожланишини таъминловчи энг асосий категория сифатида эътироф этиш мумкин. Шундан келиб чиқиб инвестиция маълум субъект орқали иқтисодиёт соҳаларидан даромад олиш ёки самарага эришиш мақсадида сарфланаётган экан, уни бевосита ва билвосита даромад келтирувчи инвестицияларга ажратиш мақсадга мувофиқдир.

Шу жиҳатдан ҳам сув хўжалиги тизимида инвестицион фаолликни самарали амалга оширишда унинг ўзига хос бўлган алоҳида хусусиятларини албатта эътиборга олишни талаб қиласди.

Бинобарин, республикамиз сув хўжалиги тизимидағи инвестицион фаолиятнинг самарадорлиги бевосита қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлиги билан белгиланади. Чунки, сув хўжалиги тизимидағи барча субъектлар айнан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини сув ресурслари билан таъминлаш вазифасига хизмат қиласди. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалиги корхоналарида етиштирилаётган маҳсулотлар таннархининг юқори ва харид нархларининг нисбатан паст белгиланганлиги, тармоқ ва саноат маҳсулотлари нархлари ўртасидаги диспаритет (тафовут)нинг қишлоқ хўжалигининг зарарига тўғри келиши каби қўпгина сабаблар уларнинг асосан зарар билан ишлаши ва ўзини ўз маблаги билан таъминлай олмаганлигининг асосий омиллари сифатида эътироф этилиши лозим.

Шунингдек, республикамизда қишлоқ хўжалигида ердан

³ Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги қонуни.

фойдаланиш сув билан бевосита боғлиқ ҳолда амалга ошади ва айни пайтда сув ресурсларининг ўта танқислиги вазияти мавжуд. Масаланинг мураккаблиги сув манбаларининг асосий қисми қўшни давлатлар ҳудудларида шаклланишидир. Шунинг учун ҳам сув ресурслари шаклланиши манбаси, суғориш иншоотлари, ирригация ва мелиорация тизимининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалигида турли хўжалик юритиш шаклидаги корхоналар фаолият кўрсатишига ва асосий маҳсулот нодавлат мулкчилиги асосида фаолият юритувчи субъектлар томонидан етиштирилишига қарамай, сув ресурслари ва суғориш иншоотларини хусусий мулк сифатида тақсимлаш имкониятининг йўқлиги сабабли давлат мулкчилиги жорий этилган.

Шу боисдан ҳам аграр тармоқда инвестиция маблағлари ва турларини йўналтиришдан олдин уларнинг инвестициялар жалб қилиш лаёқати, имконияти ва бу маблағларнинг қайтимлилик муддат ва даражаларини батафсил ўрганишни талаб этади. Бу тадбирлар ўз навбатида тармоқ ёки корхонанинг инвестициялардан самарали фойдаланиш имкониятларини аниқлашнинг асосий талабларидан бири сифатида муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, агар инвестиция маблағлари маълум турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтириладиган бўлса, албатта шу маҳсулот бозори, ундаги талаб ва таклифнинг даврий ўзгариб туриш ҳолатларини таҳлил ва башорат қилиш лозим бўлади.

Шу нуқтаи-назардан биринчидан, табиат ва жамиятнинг ҳар қандай иерархик тузилмаси, соҳа ва тармоғи, ресурслар мажмуи ва хўжалик юритиш субъектлари инвестициялаш обьектлари ҳисобланса, иккинчидан, уларнинг иқтисодиётдаги тутган ўрни ва аҳамиятига мос равища инвестициялар киритиш борасида маълум бир даражада фаолликка эга бўладилар.

Бинобарин, бизнингча, инвестицион фаоллик тушунчasi юқорида келтирилган илмий-назарий асослар ва қўйидаги тамойилларга кўра ҳам иқтисодий категория сифатида тан олиниши лозим:

биринчидан, инвестицион фаоллик инсониятнинг талаб ва эҳтиёжини қондиришга хизмат қиласидиган ҳар қандай тармоқ, соҳа ва жабҳада ҳақиқий мавжуд бўлиб, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг салмоқли манбай ва муҳим шарт-шароити сифатида ўзига хос аҳамият ва ўрин эгаллайди;

иккинчидан, инвестицияларга бўлган талаб ҳеч қачон камаймайди ва демак у ҳар қандай жамиятнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиши жараёнида муайян ҳудуд, тармоқ, соҳа ёки хўжалик юритиш субъектларига жалб этилиши, уларнинг давлат ёхуд бошқа юридик ва жисмоний инвесторларнинг моддий-молиявий манфаатларига жавоб берадиган даромад келтириши нуқтаи-назардан узлуксиз давом этиш хусусиятига эга;

учинчидан, илмий-техник ва инновацион тараққиёт ҳамда уларнинг доимий такомиллашиб борувчи илфор ютуқларини кенг кўламда ҳаётга татбиқ этиш жараёни муайян соҳа, тармоқ ёки хўжалик юритиш субъекти

фаолиятини инвестициялашнинг тақорланиб туришини объектив заруриятга айлантиради;

тўртингчидан, инвестициялар таркибан пул, техника ва технология воситалари, интеллектуал ресурс ва бошқа шунга ўхшаш моддий-молиявий ва нау-хау характерга эга воситалардан ташкил топиб, улар ишлаб чиқариш ёки хизмат қўрсатиш жараёни самарадорлиги даражасига бевосита таъсир этувчи иштирокчи омиллар сифатида ўз аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайди;

бешинчидан эса, нафақат инвестициянинг ўзи, балки кенгайтирилган тақорор ишлаб чиқариш талаблари доирасида инвестиция жалб қилинадиган соҳа, тармоқ ёки корхоналарнинг турли йўналишлардаги инвестицияларга бўлган эҳтиёжи ҳеч қачон камаймайди. Фақат у ёки бу тармоқнинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни ва инсонларни истеъмол маҳсулотларига бўлган талабларини қондириш нуқтаи-назардан унинг даражаси гоҳ пасайиб, гоҳ юксалиб туриши мумкин.

Юқорида келтирилган илмий-назарий асосларга кўра ҳам инвестицион фаоллик тушинчаси кенг ва том маънода иқтисодий категория талаб ва тамойилларига жавоб беради. Бинобарин, ҳар қандай иқтисодий категория ўзининг аниқ бир микдор ва ўлчов бирлигига эга бўлганидек, инвестицион фаоллик категорияси ҳам шу хусусиятга мойил бўлиб, қишлоқ хўжалиги тармоқлари даражасида унинг илмий-назарий жиҳатларини чуқур ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 23 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги Инвестиция дастури тўғрисида”ти қарори асосида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимида 2017 йилда 13 та лойиха бўйича 181,49 млн. АҚШ доллари микдоридаги кредит маблағларини ўзлаштириш режалаштирилди. Мазкур лойихалар бўйича 2017 йилда 198,77 млн. АҚШ доллари (109,5%) микдорида кредит маблағлари ўзлаштирилди. Жумладан:

1. Ислом тараққиёт банки иштирокида “Хоразм вилояти Тошсоқа тизимидағи магистрал сугориш каналларини қайта тиклаш” лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 6 ноябрдаги ПҚ-1849-сонли қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 августдаги 282-сонли қарорлари асосида амалга оширилмоқда. Умумий қиймати 144,2 млн. АҚШ долларига тенг бўлиб, шундан 90,37 млн. доллари Ислом Тараққиёт Банки кредити, қолган қисми эса Ўзбекистон ҳукуматининг улушкидир. 2017 йилда 17,98 млн. АҚШ доллари микдорида кредит маблағлари ўзлаштирилди. Жумладан Лойиҳа бошидан 146,2 км узунликда магистрал ва хўжаликларо каналлар қайта тикланди, 263 дона гидротехник иншоотлари қурилди ва қайта тикланди. 4356341 м³ ҳажмда тупроқ ишлари, 80029 м³ ҳажмда бетон ишлари, 6999 м³ ҳажмда тош ишлари ва 230 тн. металлоконструкция ишлари бажарилди. 174286 м² майдонда гравий қопламали йўл ётқизилди.

2. Осиё тарраққиёт банки иштирокидаги “Аму-Бухоро машина канали тизимини қайта тиклаш” лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси

Президентининг 2014 йил 28 мартағи ПҚ-2156-сонли ва 2015 йил 25 августдаги ПҚ-2396-сонли қарорлари асосида амалга оширилмоқда. Лойиҳанинг умумий қиймати 406,29 млн. АҚШ долларига тенг бўлиб, шундан Осиё Тараққиёт Банки кредити 216,75 млн. АҚШ долларни, Япониянинг ЛСА фондининг маблағи 108,97 млн. долларни, Ўзбекистон ҳукуматининг улуши эса 80,57 млн. АҚШ долларни ташкил этади. 2017 йилда 6,68 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит маблағлари ўзлаштирилиши ҳисобига 15,72 км каналлар тозаланди, 68 дона гидротехник иншоот ва 12 дона кузатув қудуқлари қайта тикланди, 59,9 га ерлар лазер ёрдамида тақсимланди ва 59,39 га ерлар чуқур ҳайдалди.

3. Жаҳон банки иштирокида “Жанубий Қорақалпоғистонда сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш” лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 мартағи ПҚ-2324-сонли қарори асосида амалга оширилмоқда. Лойиҳанинг умумий қиймати 376,714 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 161,8 млн. АҚШ доллари Ўзбекистон ҳукуматининг улуши ва 214,9 млн. АҚШ доллари Жаҳон банкининг қарз маблағларидир. 2017 йилда 2,58 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит маблағлари ўзлаштирилиши ҳисобига, Ўнг қирғоқ каналида 3 дона сув тўсувчи гидротехник иншоотлар таъмирланиб тикланди, 3 дона сув олиш иншооти қурилди, 15,0 км узунликдаги қисми механизм ёрдамида тозаланди ва Аққамиш каналида бир дона узунлиги 106 м, $D=1000\text{мм}$ бўлган темир қувурли акведук қурилди ҳамда каналнинг 1,5 км янги ўзани очилиб бетон қувишга тайёрланиб қўйилиб, жами ушбу объект бўйича 560 минг м³ тупроқ ва 2,59 минг м³ бетон ишилари бажарилди.

4. Ислом тараққиёт банки иштирокида “Сурхондарё вилоятида сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш (Хазарбоғ-Оққопчиғай каналлар тизимини қайта тиклаш)” лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 7 апрелдаги ПҚ-2332-сонли қарори асосида амалга оширилмоқда. Лойиҳанинг умумий қиймати 122,72 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 33,17 млн. доллари Ўзбекистон ҳукуматининг улуши ва қолган қисми Ислом тараққиёт банкининг қарз маблағларидир. 2017 йилда 0,53 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит маблағлари ўзлаштирилди. Ҳозирда лойиҳа доирасида бош пудратчини аниқлаш бўйича тендер жараёнлари кетмоқда.

5. Жаҳон банки иштирокида “Фарғона водийсида сув ресурсларини бошқариш. 2-босқич” лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 16 сентябрдаги ПҚ-3282-сонли қарори асосида амалга оширилмоқда. Лойиҳанинг умумий қиймати 228,2 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 83,3 млн. доллари Ўзбекистон ҳукуматининг улуши ва 144,9 млн. доллари Жаҳон банкининг қарз маблағларидир. Лойиҳа доирасида имзолланган қарз битими 2017 йилнинг 29 декабрда кучга кирди.

6. Хитой Ҳалқ Республикаси Ҳукумати кредити иштирокида “Қашқадарё вилоятидаги “Дўстлик 1-2-3” насос станциясини қуриш” лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 августдаги ПҚ-2570-сонли қарори асосида амалга оширилмоқда. Лойиҳасининг

умумий қиймати 21,23 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 14,2 млн. АҚШ доллари Ўзбекистон ҳукуматининг улуши, қолган қисми Хитой Ҳалқ Республикаси ҳукуматининг қарз маблағлариридир. 2017 йилда 4,64 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит маблағлари ўзлаштирилиб, лойиҳа доирасида имзолланган шартномада белгилан барча асбоб ускуналар Қашқадарё вилоятига келтирилди.

7. Хитой Ҳалқ Республикаси Ҳукумати кредити иштирокида “Ирригация тизимларини каналарни тозалаш учун экскаватор ва бульдозерлар билан таъминлаш” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 августдаги ПҚ-2394-сонли қарори асосида амалга оширилмоқда. Лойиҳасининг умумий қиймати 14,22 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 3,16 млн. АҚШ доллари Ўзбекистон ҳукуматининг улуши, қолган қисми Хитой Ҳалқ Республикаси ҳукуматининг қарз маблағлариридир. 2017 йилда 2,0 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит маблағлари ўзлаштирилди ва лойиҳа доирасида республикамизнинг барча вилоятларига 90 экскаватор ва 15 бульдозер келтирилди.

8. Хитой Ҳалқ Республикаси Ҳукумати кредити иштирокида “Земснарядларни ва уларга эҳтиёт қисмларни келтириш” лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 11 мартағи ПҚ-2144-сонли қарори асосида амалга оширилмоқда. Лойиҳасининг умумий қиймати 37,5 млн. АҚШ доллари бўлиб, 2017 йилда 6,62 млн. АҚШ доллари ўзлаштирилди ва лойиҳа доирасида каналларни ва коллекторларни тозалаш учун 17 земснарядлар келтирилди.

9. “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантириш” лойиҳаси Халқаро тараққиёт ва тикланиш банки иштирокида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 21 сентябрдаги ПҚ-2410-сонли қарорига асосан амалга оширилмоқда. Лойиҳанинг умумий қиймати 219,28 млн АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 150,0 млн доллари Халқаро тараққиёт ва тикланиш банки улуши, 34,20 млн АҚШ доллари Ўзбекистон ҳукуматининг улуши, қолган қисми эса лойиҳа ташаббускорларининг улушкидир. 2017 йилда 46,0 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит маблағлари ўзлаштирилди. 2017 йилда дехқон ва фермер хўжаликларига ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг 73 та суб-войиҳаси молиялаштирилди.

10. “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш” лойиҳаси Халқаро қишлоқ хўжалиги тараққиёти жамғармаси иштирокида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 22 январдаги ПҚ-2113-сонли қарорига асосан амалга оширилмоқда. Лойиҳанинг умумий қиймати 28,33 млн АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 20,44 млн АҚШ доллари Халқаро қишлоқ хўжалиги тараққиёти жамғармаси улуши, 1,68 млн АҚШ доллари Ўзбекистон Ҳукуматининг улуши, 5,24 млн доллари бенифициарлар улушкидир. 2017 йилда 1,83 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит маблағлари ўзлаштирилди. Лойиҳанинг 1-компоненти доирасида

Лаборатория жиҳозлари хариди ва қурилиш ишлари амалга оширилмоқда.

11. “Ўзбекистоннинг сутчилик соҳасида қўшилган қиймат занжирини ривожлантириш” (Қашқадарё ва Жиззах вилоятларида) лойиҳаси Халқаро қишлоқ хўжалиги тараққиёти жамғармаси иштирокида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 22 февралдаги ПҚ-2795-сонли қарорига асосан амалга оширилмоқда. Лойиҳанинг умумий қиймати 40,57 млн АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 24,58 млн. АҚШ доллари Халқаро қишлоқ хўжалиги тараққиёти жамғармасининг улуши. 2017 йилда 4,0 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит маблағлари ўзлаштирилди. 2017 йилда дехқон ва фермер хўжаликларига, ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналарига 22 та суб-войиҳа молиялаштирилди, шундан: 613 бош наслли қорамол харид қилиш мақсадида 14 та суб-войиҳа; 10 тонна сутни қайта ишлайдиган ускун харид қилиш мақсадида 2 та суб-войиҳа; 12 дона қишлоқ хўжалиги техникасини харид қилиш мақсадида 4 та суб-войиҳа; ветеринария дори дармонларини харид қилиш мақсадида 2 та суб-войиҳа молиялаштирилди.

12. “Иқлим ўзгаришига мослашиш ва унинг Орол денгизи ҳавзасига таъсирини юмшатиш дастури” (Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Бухоро ва Хоразм вилоятлари) лойиҳаси Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги ПҚ-2784-сонли қарорига асосан амалга оширилмоқда. Лойиҳанинг умумий қиймати 20,71 млн АҚШ долларини ташкил этади. 2017 йилда 4,0 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит маблағлари ўзлаштирилди. 2017 йилда лойиҳани амалга ошириш натижасида, 9,1 га иссиқхона куриш учун 8 та лойиҳага, сутни қайта ишлаш бўйича лойиҳага, 1 та товуқ фермасини модернизация қилишга ва сок ишлаб чиқариш лойиҳаси молиялаштирилган.

13. “Мева-сабзавотчилик тармоғида қўшилган қийматни яратиш занжирини ривожлантириш” лойиҳаси Осиё тараққиёт банки иштирокида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 мартағи ПҚ-2813-сонли қарорига асосан амалга оширилмоқда. Лойиҳанинг умумий қиймати 240,98 млн АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 154 млн АҚШ доллари Осиё тараққиёт банкининг улуши. Лойиҳа бўйича 2017 йилда 101,90 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит маблағлари ўзлаштирилди. 2017 йилда лойиҳани амалга ошириш натижасида 93,6 минг тонна мева-сабзавотни қайта ишлашга, 77,1 га иссиқхона куришга, 32,7 минг тонна қувватлик музлаткичли омборхона куришга ҳамда 1983 га интенсив боғлар яратишга эришилди.

2. Сув хўжалигидаги инновациялар ва илмий-техник тараққиёт

Инновация фаолиятининг бугунги кунда ҳаётимиз мазмунига айланиб бораётганлиги ва ўз келажагимизни куришда мақсад ва стратегияларимизни амалга ошириш жараёнига тобора чуқур кириб бораётганлиги, шу билан бирга янгидан-янги имкониятларини тақдим этаётганлиги мазкур

атаманинг мазмунини ўрганиш ва ёритишга бўлган қизиқиши ва интилишларни янада кучайтиromoқда. Шу муносабат билан турли иқтисодчи-олимлар ва мутахассислар томонидан турли мазмундаги таърифлар ишлаб чиқилмоқда, келтирилмоқда. Улар бир-биридан тубдан фарқ қиласа-да, бироқ, инновация фаолиятининг муайян хусусиятлари, йўналишлари ва жиҳатларини ўзида ифода этиши билан ажралиб туришини кўриш мумкин. Бу эса уларнинг қайси бири инновация фаолияти атамасининг туб иқтисодий мазмун-моҳиятини батафсилроқ очиб беришга хизмат қилиши мумкинлигини ўрганишга бўлган қизиқишини келтириб чиқаради. Шу муносабат билан қуйидаги бир қатор келтирилган таърифларни кўриб чиққамиз.

“Инновация” (инглизча innovationas – киритилган янгилик, ихтиро) асосан икки маънода ишлатилади: 1) техника ва технология авлодларини алмаштиришни таъминлаш учун иқтисодиётга сарфланган маблағлар; 2) илмий-техника ютуқлари ва илфор тажрибаларга асосланган техника, технологиялар, бошқариш ва меҳнатни ташкил этиш каби соҳалардаги янгиликлар, шунингдек, уларнинг турли соҳалар ва фаолият доираларида кўлланилиши⁴.

“Инновация” терминига бир-қанча таърифлар мавжуд. Инглизча луғатларга кўра: “Инновация” – бу янгилик киритиш, янгилик, ўзгариш демакдир. В.А.Макаренко таҳрири остида нашр этилган замонавий тушунча ва терминларнинг қисқача луғатида инновация терминига кенгроқ тушунча келтирилган⁵: “Инновация” (инг. Innovation – янгилик киритиш, янгилик; лотинчадан Innovatio – тикланиш, янгиланиш) дегани. Яъни, бу:

- техника ва технология авлодини алмашинувини таъминловчи иқтисодиётга маблағ йўналтириш;
- илмий-техника тараққиётининг маҳсули бўлган янги техника, технологиялар яратиш;
- янги ғояларни ишлаб чиқиш, синтезлаш, янги назария ва моделларни яратиш ва уларни ҳаётга тадбиқ этиш; индивидуал тусдаги, такрорланмас дастурларни ишлаб чиқиши.

Ватанизмида ҳам инновация соҳасига оид кенг қўламли илмий-назарий ва фундаментал тадқиқотларни олиб бораётган кўплаб иқтисодчи-олимлар бўлиб, улар ҳам инновация фаолиятига ўзларининг мустақил қарашларини ўз тадқиқотлари ва асарларида келтиришган. Жумладан, Э.Эгамбердиев ва Х.Хўжақуловлар томонидан берилган таърифга кўра “Инновация фаолияти – техника ва технология янгиликларини жорий этиш билан боғлиқ фаолият”дир.

Инновация фаолияти субъектлари таркибида инноваторлар ҳам бўлиши мумкин. Инноваторлар – булар инновациялар муаллифлари (фойдали модел, лойиҳавий қарор, тақсимот таклифлари, ноу-хау, саноат намунаси, тижорат белгиси ва бошқа турдаги инновацияларни ихтиро

⁴ Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 4-сон. 169-бет.

⁵ Макаренко В.А. Краткий словарь современных понятий и терминов (3-е изд., дораб., и доп.) – М.: Республика, 2004. - 201 с.

қилювчилар).

Инновация фаолияти икки асосий босқичдан ташкил топади:

- янгиликларни яратиш, яъни уч йўналишдаги илмий ва илмий-техникавий фаолиятни қамраб олади: фундаментал илмий-тадқиқот ишлари; амалий илмий-тадқиқот ишлари; тажриба-конструкторлик ишлари;

- ишлаб чиқариш, маркетинг ва бозорда маҳсулотни сотиш жараёнларини ўз ичига оловчи янгиликни тижоратлаш.

Инновация категорияси юзасидан юқорида асослаб берилган илмий-назарий хулоса ва таърифлар мазмун-моҳиятига мос равища унинг тегишли мезонларга мос энг муҳим тип (тур)ларининг умумлашган классификациясини ишлаб чиқиши истиқболда улардан мақсадли ва манзилли фойдаланиш, энг муҳими эса ресурстежамкор технология ва механизмларни тадбиқ этиш асосида ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) самарадорлигини ошириш ва истеъмол маҳсулотлари сифатини муттасил яхшилаш борасида кенг имкониятлар яратади.

Буларнинг барчаси сув хўжалигини модернизациялаш орқали интенсив ривожлантириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, инновацияларни жорий этиш натижасида сув хўжалиги тизимиning барча бўғин ва тармоқларининг самарали ва барқарор фаолият кўрсатишини таъминлайди. Бунинг учун сув хўжалигида тизимида замонавий суғориш технологиялари жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистонда аграр соҳани модернизация қилиш шароитида, қишлоқ ва сув хўжалигини иқлим ўзгаришининг салбий оқибатларидан ҳимоялаш аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш ва ижтимоий йўналтирилган тадбирларни янада ривожлантиришда, ривожланган хорижий давлатлар тажрибаларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, ушбу давлатларда мамлакат иқтисодиётини кўтаришда фан-техника ютуқларига асосланган технологияларга устувор йўналиш сифатида эътибор берилади.

Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини молиялаштириш даражаси бўйича дунё миқёсида биринчи бешлик гуруҳига Исроил (мамлакат ЯИМдаги улуши - 4,40 %), Финландия (3,88 %), Жанубий Корея (3,74 %), Швеция (3,40 %) ва Япония (3,36 %) давлатлари кирган. Дарҳақиқат, бу давлатлар кейинги давларда иқтисодиётнинг барча тармоқларини, жумладан қишлоқ ва сув хўжалигини инновациялар яратиш ва жорий этиш асосида ривожлантириш нуқтаи назардан диқкатга сазовор илғор тажрибалар масканига айланниб бормоқдалар.

Жумладан, сув хўжалигини инновацион модел асосида ривожлантириш борасида Исроил давлатида олиб борилаётган илмий-тадқиқот натижаларини ўрганиш республикамиз шароитида муҳим аҳамиятга эга.

Масалан, сув манбаларининг камлиги сабабли Исроил қишлоқ хўжалигига сувдан оқилона ва тежаб фойдаланиш асосий муаммолардан саналади. Бу йўналишда мазкур давлатнинг эришган энг катта илмий-амалий ютуқларидан бири бу экинларни ёмғирлатиб, томчилатиб (очик

майдонларда) ва аэрозол (иссиқхона, парник ва бошқа турли типдаги ёпиқ иншоотларда) сүфориш технологиялари 100 фоиз компьютерлаштирилган. Натижада, биринчидан, ҳар бир экиннинг сувга бўлган талаби белгиланган меъёр ва вақтда қондирилиши туфайли кам ёки ортиқча сув сарфлаш ҳолатларига бутунлай барҳам берилган. Иккинчидан, азот, фосфор ва калий ўғитлари тегишли миқдор (доза)ларда аралаштирилган суюқ ҳолда тайёрланиб, бевосита сүфориш жараёнида тўғридан-тўғри экинларнинг озиқ илдизларига берилади. Бу жараёнда қўплаб агротехнологик ишларнинг бир вақтда бажарилиши ишлаб чиқариш харажатларини кескин камайтириш имконини берибина қолмасдан, балки ўғитлар, шунингдек бошқа тегишли турли микроэлементларнинг экинлар томонидан вегетация даврида тўлиқ ўзлаштиришини таъминлаб, тупроқ таркибининг бузилишига мутлақо йўл қўймайди.

Умуман, тадқиқотларнинг кўrsatiшича, жаҳон тажрибасида аграр соҳани инновацион ривожлантириш, фан ва техника-технология янгиликларини самарали жорий этишда давлатнинг имтиёзли мувофиқлаштириш ва рағбатлантириш механизмлари асосий ўрин эгаллаб, муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш масаласи долзарблашишининг асосий сабаблари мамлакатимиз шароитида узоқ йиллар давомида эгатлаб сүфориш усулининг мавжудлиги натижасида ўртача экин майдони ҳисобига кўп сув сарф этилиши, ерларнинг турли даражада шўрланганлиги боис шўр ювиш тадбирлари учун қўшимча сув талаб этилиши, сүфориш тизимининг ФИК пастлиги сабабли манбадан олинган сувнинг сув истеъмолчисига етиб боргунча 1/3 қисми йўқотилиши каби омиллар саналади. Мамлакатимизда сувдан фойдаланиш ҳолатига эътибор берадиган бўлсак, экин майдони учун сув сарфи миқдори 2014-2016 йиллар оралиғида 12,8 минг м³/га дан 12,4 минг м³/га орлиғида сақланиб турганлигини кўришимиз мумкин бўлади (1-жадвал).

1-жадвал

Республика бўйича 1 га экин майдони учун сув сарфи миқдори

Худудлар	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2016 йил 2014 й.га нисбати, %
Қорақалпоғистон Республикаси	16,1	14,8	16,2	100,6
Андижон вилояти	10,8	10,9	10,5	97,2
Бухоро вилояти	15,5	14,7	14,6	94,2
Жиззах вилояти	10,5	10,7	10,6	101,0
Қашқадарё вилояти	11,8	10,9	10,9	92,4
Навоий вилояти	12,1	12,2	11,9	98,3
Наманган вилояти	10,8	10,6	10,8	100,0
Самарқанд вилояти	10,8	10,1	9,8	90,7
Сурхондарё вилояти	12,9	12,7	11,9	92,2
Сирдарё вилояти	12,2	12,6	12,4	101,6
Тошкент вилояти	11,3	11,4	10,9	96,5

Фаргона вилояти	11,6	11,7	11,5	99,1
Хоразм вилояти	19,9	17,5	19,7	99,0
Республика бўйича ўртача	12,8	12,2	12,4	96,9

Жумладан, Қорақалпоқистон Республикасида 1 гектар экин майдони учун сув сарфи миқдори 2014 йилда 16,1 минг м³/га ни, 2015 йилда 14,8 минг м³/га ни ҳамда 2016 йилда 16,2 минг м³/га ни ташкил этмоқда. Хоразм вилоятида эса, бу кўрсаткич 2014 йилда 19,9 минг м³/га ни ташкил этган бўлса, 2015 йилда 17,5 минг м³/га ни ҳамда 2016 йилда 19,7 минг м³/га ни ташкил этмоқда. 1 гектар экин майдони ҳисобига энг кам сув сарф этадиган вилоятлар Андижонда ўртача 10,8 минг м³/га ни, Намангандага ўртача 10,7 минг м³/га ни ҳамда Самарқандага 10 минг м³/га ни ташкил этмоқда. Республиканинг ўртача кўрсаткичи 2014 йилда 12,8 минг м³/га бўлган бўлса, 2015 йилда 12,2 минг м³/га ни ҳамда 2016 йилда 12,4 минг м³/га ни ташкил этган ҳолда 2016 йилда 2014 йилга нисбатан 3,1 фоиз камайганлигини кўришимиз мумкин. Республикада бундай ҳолатнинг мавжуд бўлиши сувдан тежаб фойдаланиш заруратини келтириб чиқаради ҳамда йилдан-йилга томчилатиб суғориш тизимининг жорий этилиш масаласи долзарблик касб этиб бораверади.

Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш учун мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий қилишни янада кенгайтириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги “2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-1958 қарори ва ушбу қарорнинг ижросини таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 21 июлдаги “Томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этиш ва молиялаштиришни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Шунингдек “2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш” давлат дастури қабул қилинди.

Республикамизда “2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш” Давлат дастури доирасида сувни тежовчи технологияларни жорий этиш ишлари амалга оширилиб келинмоқда. Ҳозирги кунда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда асосан қуйидаги сувни тежайдиган технологиялар қўлланилиб келинмоқда:

- томчилатиб суғориш тизимини қўллаган ҳолда суғориш;
- полиэтилен плёнка қопланган эгатлар бўйича, қаторлар орасига ишлов берган ҳолда суғориш;
- кўчма эгилувчан суғориш қувурлари, сифонлар ва шу кабилар билан суғориш.

Республикамизда 2011-2015 йилларда сугоришининг замонавий усуллари жорий этилган экин майдонлари (гектарда) 1-расмда келтирилган. Чизмадан кўриниб турибдики, 2011 йилда 3789 га майдонга томчилатиб сугориш технологияси жорий этилган бўлса, ушбу кўрсаткич 2015 йилда 18361 гектарни ташкил этган. Ушбу даврда кўчма эгилувчан қувурлар орқали сугориш технологияси 2011 йилда 839 га, 2015 йилда эса 9596 гектар майдонга жорий этилган. Шу билан бирга, эгатларга плёнка тўшаб сугориш технологияси 2011 йилда 710 га, 2015 йилда эса 11330 гектар ер майдонида жорий этилган. Бундан кўриниб турибдики, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш учун сув тежовчи технологияларнинг жорий этилиши йилдан-йилга ортиб бормоқда.



1-расм. Республикамизда 2011-2015 йилларда сугоришининг замонавий усуллари жорий этилган экин майдонлари, га

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган экинларни сугоришининг анъанавий усулида катта миқдордаги сув ерга сингиб кетади. Бунинг натижасида ер ости сувларининг кўтарилиши ва ерларнинг мелиоратив ҳолатининг ёмонлашуви эҳтимоли ортади. Республикамизда сув ресурсларидан тежамли ва самарали фойдаланиш асосида нафақат сугориладиган майдонларни кўпайтириш, балки сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашувининг олдини олиш мумкин.

Бизнинг фикримизча, қишлоқ хўжалик ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилашда қуидаги инновацион ёндошувларга эътиборни янада кучайтириш лозим:

- экин майдонларини тайёрлашда лазерли текислашга эътиборни кучайтириш;
- экин майдонларини сугориша сув сарфи бўйича илмий асосланган

меъёрларга риоя этилишини таъминлаш мақсадида замонавий сув ўлчаш асбобларини фермер хўжаликлари фаолиятига кенг жорий этиш;

- мелиоратив ҳолати ёмонлашган ерларда ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланишига таъсир кўрсатувчи экин турларини экиш;

- қишлоқ хўжалигига сугоришнинг тежамкор ва замонавий усулларини жорий этишни кенгайтириш ва ҳоказо.

Ҳар бир истеъмолчининг сув олиш жойлари сув ўлчаш восита ва иншоотлари билан жиҳозланиши, сув олувчи ва етказиб берувчи ўртасидаги ажратилган лимит доирасида тузилган шартноманинг юритилиши ҳамда унинг бажарилишини таъминланиши сувдан фойдаланиш самарадорлигини сезиларли даражада оширди. Бунда ҳар бир истеъмолчининг қанча сув олаётганлигидан хабардорлиги ва масъуллиги муҳим омил бўлди.

Сув тежамкор техника ва технологияларни жорий этишни ташкиллаштириш, жумладан:

- замонавий сугориш технологияларини жорий этиш. Мазкур йўналишда республика бўйича ўтган йиллар давомида 18,5 минг гектар майдонга томчилатиб сугориш тизими, 18,4 минг гектарга эгилувчан қувурлар ёрдамида сугориш, 16,3 минг гектарга эгатларга пленка тўшаб сугориш усуллари жорий этилиб, самарали фойдаланиб келинмоқда;

- амалдаги кенг тарқалган ананавий сугориш технологияларининг ҳам сувни тежаш имкониятларидан кенг фойдаланишни ташкил этиш. Булар ичида республика бўйича кенг қўлланиладиган эгатлаб сугориш усулини – эгат оралатиб, калта эгат олиб (50-100 метр), шарбат усулида сугориш, кетма-кет навбатлаб сугориш ва бошқа усуллари кенг қўллашга эътибор кучайтирилмоқда;

- ноананавий янги сугориш технологияларини тарғиб қилиш. Булар қаторига субирригация, дискрет сугориш, полимер гидрогеллар ёрдамида сугориш, мулча ёрдамида сугориш, ёмғирлатиб сугориш, суспензия усулида сугориш, турли тензореметрлар ва сугоришни программалаштириш ва бошқа йўналишларда амалий илмий дала тажрибалари олиб борилмоқда;

- агротехнологияларни сув тежамкорлик талаблари асосида ташкил этиш. Қишлоқ хўжалиги экинлари қатор ораларига ишлов беришни нам сақлаш талаблари асосида амалга ошириш.

Бундан ташқари, соҳанинг муҳимлигидан келиб чиқсан ҳолда, давлат томонидан чет эл инвестицияларини ҳам жалб этиш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирда Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Саудия ривожланиш фонди, ОПЕК фонди, Қувайт фонди, Хитой Халқ Республикаси Эксимбанки каби йирик молиявий институтлар, шунингдек Япония, Швейцария, Германия ва бошқа давлатларнинг халқаро ҳамкорлик ташкилотлари ва агентликлари каби донорларнинг инвестициялари иштирокида йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Сўнги 10 йил мобайнида соҳага умумий қиймати қарийб 1,5 млрд. АҚШ долларга тенг бўлган инвестиция маблағлари жалб этилган.

Сувдан фойдаланишни самарали ташкил қилиш тадбирларини амалга оширилиши натижасида мамлакатимиз миқёсида йиллик фойдаланилаётган

сувларнинг умумий миқдори мустақилликдан аввалги даврдаги 64 млрд.м³ дан ўртacha 51 млрд.м³ гача ёки 20 фоизга камайтирилишига эришилди. Қишлоқ хўжалиги мисолида кўриладиган бўлса, худди шу давр ичида 1 гектар майдонни суғориш учун сарфланган ўртacha 18 минг м³ сув, бугунги кунга келиб 10,5 минг м³ ёки 42 фоиз камайишига эришилди.

Қишлоқ хўжалиги тармоқларида сув сарфи жуда юқорилиги сабабли тежамкор технологияларни қўллашни жадаллаштириш мақсадга мувофиқдир. Сувни тежовчи технологиялар ёрдамида суғорища сувнинг умумий тежалиши 1 гектар ғўза учун 11,7 минг м³ни, 1 гектар буғдой учун 6,6 минг м³ ни, 1 гектар боғ учун сувнинг умумий тежалиши 11,4 минг м³дан иборат бўлади. Шунингдек, томчилатиб суғорища минерал ўғитлар 30-40 фоиз тежалади, маҳсулот ҳосилдорлиги анъанавий суғориш билан солиширганда ҳосилдорликнинг 30-70 фоиз ошади.

Мамлакатимизда инновация фаолиятининг ташкил этилиши ва ривожланиши учун қўйидаги шартларнинг мавжуд бўлиши ва бажарилиши талаб этилади:

- давлат инновация сиёсати – Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти органлари томонидан мамлакатнинг инновацион стратегияси мақсадлари ва устувор инновацион дастурлар ва лойиҳаларни қўллаб-кувватлаш механизмларининг ишлаб чиқилиши ва белгиланиши;

- инвестиция салоҳияти (давлат, тармоқ, корхона ва ташкилотнинг) – турли қўринишдаги ресурслар йиғиндиси (моддий, молиявий, интеллектуал, илмий-техникавий, иқтисодий ва бошқаларни қамраб олган ҳолда);

- инновация соҳаси – инновацияларни яратиш ва тарқатишни ўз ичига қамраб оловчи инновация маҳсулот (иш, хизмат)ларини ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг фаолият соҳалари;

- инновация инфратузилмаси – инновация фаолиятининг амалга оширилишига имкон берувчи, таъсир кўрсатувчи турли муассасалар (инновацион-технологик марказлар, технологик инкубаторлар, технопарклар, ўқув-бизнес марказлари, консалтинг ва инжиниринг компаниялари, рейтинг баҳоловчи агентликлар ва бошқа маҳсус ташкил этилган муассасалар);

- инновация дастури (корхона, тармоқ, худуд, давлат, минтақа, давлатлараро) – инновация лойиҳалари ресурслари, ижрочилари ва уларни амалга ошириш муддатлари бўйича келишилган ҳамда янги турдаги маҳсулот (технология)ларни ўзлаштириш ва жойлаштириш бўйича вазифаларнинг самарали ҳал этилишини таъминловчи инновацион лойиҳалар ва тадбирлар комплекси.

Сув хўжалигига инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг муҳим шаклларидан бири инновациялар бозорига илмий - техник маҳсулотларни киритишни, ахборот-маслаҳат таъминотини, лойиҳалар экспертизасини, таклифлар ва буюртмаларни, тажриба, ишлаб чиқариш базаларини тараққий эттиришни кўзда тутадиган инновацион инфратузилмани ривожлантириш ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 9 декабрдаги «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуни. – Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2014. - 50-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 октябрдаги «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3932 сонли Фармони. - www.lex.uz.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 марта даги «2008-2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури тўғрисида»ги ПҚ-817-сонли Қарори. - www.lex.uz.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги «2013-2017 йиллар давомида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1958-сонли Қарори. - www.lex.uz.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони. - Тошкент, 2017.
6. Чориев Қ.А. Қишлоқ хўжалигига инновациялар жорий қилиш тизимини шакллантириш ва рағбатлантириш истиқболлари (услубий тавсиялар). - Тошкент, 2014. - 30 б.
7. Умаров С.Р. Сув хўжалигини инновацион ривожлантириш йўллари. - Монография. - Т.: Фан ва технологиялар, 2017. - 177 б.
8. Мухитдинова Н.К. Методология инновационного развития национальной экономики. - Монография. - Т.: Фан ва технологиялар, 2016. - 188 б.
9. Умурзоқов Ў.П., Абдураҳимов И.Л. Сув хўжалиги менежменти. - Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2008. - II-жилд. – 469 б.
10. Умаров С.Р. Сув хўжалиги тизимида инвестицион фаолликни оширишнинг асосий йўналишлари. - Ж. Иқтисодиёт ва таълим, 2016. - №6. – Б. 177-182.
11. Интернет сайклар: www.stat.uz, www.agro.uz, www.lex.uz

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ

1-амалий машғулот

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги

Ишдан мақсад: Ер қишлоқ хўжалигидаги асосий ишлаб чиқариш воситаси, шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг асосий кўрсаткичлари фойдаланиладиган ер майдони, экин майдони, экин майдонларининг структураси ва қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги, ем хашибекларида эса гектаридан чиқадиган озуқа бирлиги билан ўлчанади.

Ишни бажариш тартиби: Иқтисодий кўрсаткичларга: 1) ялпи ва ттовар маҳсулотининг ҳажми; 2) меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи; 3) маҳсулот таннархи; 4) ялпи ва соф даромад; 5) рентабеллик даражаси кабилар хисоблаш керак бўлади.

Қуийдагиларни аниқланг:

А) бир гектардан, бир киши соатда ва сарфланган ҳар бир сўм эвазига олинган соф даромад (сўм ҳисобида)

Б) бир гектар ерда етиштирилган маҳсулотнинг рентабеллиги (процент ҳисобида).

№	Экинлар	1 гектар ердан олинган ўртacha ҳосил, (ц)	Маҳсулот бирлигига қилинган меҳнат сарфи, киши- соат	1 центнер маҳсулотнинг таннархи, сўм	1 центнер маҳсулотни сотиш баҳоси, сўм
1	Пахта	32,3	28,0	34,9	51,12
2	Буғдой	21,0	2,6	4,90	7,35
3	Маккажўхори	50,9	4,9	5,13	8,31
4	Картошка	200	3,15	4,97	10,60
5	Помидор	300	5,4	12,10	19,09
6	Пиёз	350	4,2	9,90	27,19
7	Уруғлик мева	40,0	25,0	24,7	32,78
8	Данакли мева	35,0	27,0	25,9	34,08
9	Резавор мева	25,0	16,5	68,0	119,1

Чорвачилик маҳсулотларнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш.

Кўйидагиларни аниқланг:

- А) ҳар 100 гектар қишлоқ хўжалик ери ҳисобига етиширилган сут ва қорамол гўшти (центнер ҳисобида);
 Б) маҳсулот турлари бўйича олинган фойда (сўм ҳисобида);
 В) маҳсулотларнинг турлари бўйича олинган фойда (сўм ҳисобида);
 Д) маҳсулотларнинг товарлилик даражаси (% ҳисобида).

№	Кўрсаткичлар	Ялпи етиширилган маҳсулот, (ц)	1 ц га қилинган мехнат сарфи киши-соат	1 центнер маҳсулот нинг таннархи, сўм	1 центнер маҳсулотни сотиш баҳоси, сўм
1	Жами, қишлоқ хўжалик ери, га	2797			
2	Етиширилган чорвачилик маҳсулотлари:				
	сут	7040	0,76	20,0	
	қорамол гўшти	399	44,8	141,3	
	тухум, минг дона	684	6,63	84,85	
3	Давлатга сотилган сут	5500			20,38
	Қорамол гўшти	300			152,86
	Парранда гўшти	200			188,2
	Тухум минг дона	658			91,95

Ялпи маҳсулотга нисбатан меҳнат унумдорлигини ҳисоблаш

Кўйидагиларни аниқланг:

- А) бир ишловчи ва бир киши соат ҳисобига етиширилган маҳсулот қиймати (минг сўм ҳисобида);
 Б) уч йилликнинг охирги йилига нисбатан кейинги йилларда ялпи маҳсулотнинг ўсиши (% ҳисобида).

№	Кўрсаткичлар	Уч йилликнинг охирги йили	Ўтган йили	Режалаштири лаётган йил
1	Ялпи маҳсулот қиймати, минг сўм	6514,2	6979,4	7218,8
2	Қишлоқ хўжалигига банд бўлган	1205	1168	1084

	ишлиовчилар сони, киши			
3	Меҳнат сарфи, киши соат	2 435 200	2 344 800	2 261 850

Ялпи ва товар маҳсулотларининг қийматига қараб асосий тармоқларнинг йўналишини белгилаш.

Кўйидагиларни аниқланг: а) ҳар бир хўжаликда ялпи ва товар маҳсулотнинг нисбати (% хисобида);
Б) ҳар бир хўжаликнинг ишлаб чиқариш йўналиши.

№	Маҳсулот тури	“Барака Нишон” ф\х	“Ровот бизнес” ф\х	“Нурли қуёш” ф\х	Мусафро ф\х
---	---------------	--------------------	--------------------	------------------	-------------

Ялпи маҳсулот (сўм хисобида)

1	Пахта	2379601	193309	1454307	4226200
2	дон	50466	5449	45415	911
3	сабзавот	18787	14809	11830	12108
4	Гўшт	159796	56522	47328	148413
5	сут	94720	94362	50347	31069
	Жами.....				

Товар маҳсулоти (сўм хисобида)

1	пахта	2379601	193309	1454307	422200
2	дон	50406	3928	38362	434
3	сабзавот	17923	6544	3710	7085
4	гўшт	141133	44038	44922	116140
5	сут	141133	44038	44922	116140
	Жами.....				

Изоҳ: келтирилган кўрсаткичлар тахминий

Кўйидагиларни хисобланг: а) ҳар бир 100 гектар экин майдонига бир киши кунига, сарфланган ҳар бир 1000 сўм хисобига тўғри келган ялпи маҳсулот (сўм хисобида);

Б) ҳар бир 100 гектар экин майдонига, бир киши кунига, сарфланган ҳар бир 1000 сўм хисобига етиштирилган товар маҳсулоти (сўм хисобида);

В) ретабеллик даражаси (%).

№	Кўрсаткичлар	Риштон ф\х	Навruz ф\х	Барака Нишон ф\х	Мусафро ф\х
1	Экин майдони, гектар	2597	1804	2491	1370
2	Ялпи маҳсулот қиймати, сўм	2744010	1835563	4330407	1974243
3	Товар маҳсулот қиймати, сўм	2724377	1819948	4269288	1966346

4	Жами сарфланган киши куни	236053	163558	318047	170297
5	Жами сарф, сўм	1379705	853133	17428757	1015889

Ялпи маҳсулот ва ялпи даромадга қараб хўжаликнинг қайси соҳага ихтисослашганини қўрсатиши.

Қуидагиларни аниқланг: а) маҳсулот тури бўйича ялпи ҳосил (центнер хисобида);

Б) маҳсулот турига қараб ялпи даромад (сўм хисобида);

В) ўзгариш сабаблари.

№	маҳсулот	1 ц сотиш баҳоси	Экин майдон, га		Ҳосилдорлик, гектаридан (ц)	
			2000-2005 йй.	2005-2010 йй	2000-2005 йй.	2005-2010 йй
1	Фалла (маккажўхори)	831	180	227	47,2	51,8
2	пахта	587,1	1340	510	30,4	31,1
3	сабзавот	190,9	216	720	176,7	192,7
4	картошка	106,0	144	306	93,6	101,1
5	узум	362,2	96	133	73,1	83,6
6	мева	327,8	177	197	98,6	131,8

Узум етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш.

Қуидагиларни ҳисобланг:

А) ялпи ҳосил (ц);

Б) жами меҳнат сарфи (киши кун);

В) ялпи маҳсулот қиймати (сўм);

Г) жами маҳсулот таннархи (сўм);

Д) соф фойда (сўм);

Е) рентабеллик даражаси (ц).

№	Кўрсаткичлар	Ихтисослашган узумчилик хўжалиги	Пахтачилик хўжалиги
1	Ток майдони, га	327,6	69,8
2	1 гектардан олинган ҳосил, ц	113,2	49,3
3	1 центнер узумнинг таннархи, сўм	1453	1947
4	1 центнер узумни сотиш баҳоси, сўм	3622,0	3622,0
5	Бир киши кунда етиштирилган маҳсулот, центнер	43,9	30,3

Назорат саволлари

1. Нима учун шартномавий муносабатлар амалга оширилмоқда?
2. Шартнома деганда нимани тушунасиз?
3. Шартноманинг қандай турлари мавжуд?
4. Мулкий жавобгарлик қандай бўлади?
5. Ички ижаранинг мазмuni қандай?
6. Ялпи маҳсулот деганда нимани тушунасиз?
7. Ялпи маҳсулотлар қандай турларда ҳисобга олинади?
8. Ялпи маҳсулотнинг таркиби қандай ?
9. Тайёр маҳсулот деганда нимани тушунасиз?
10. қандай маҳсулот товар маҳсулоти деб аталади?
11. Маҳсулотларнинг товарлилик даражаси қандай аниқланади?
12. Ялпи ва товар маҳсулотларнинг иқтисодий-ижтимоий аҳамияти қандай?
13. Ялпи маҳсулотни кўпайтиришнинг қандай йўллари бор?
14. Экстенсив ҳамда интенсив усул ҳақида қандай тушунчага эгасиз?
15. Маҳсулотлар сотишни ривожлантиришнинг қандай йўллари мавжуд?

2-амалий машғулот

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарни интенсивлаштириш

Ишдан мақсад: Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши икки йўл билан: экстенсив йўл – ишланадиган майдонларни кенгайтириш ва интенсив йўл – муайян миқдордаги майдон ва чорва туёғидан, шунингдек техника, химиявий воситалар ҳисобига тобора кўпроқ маҳсулот олиш, дехқончилик ва чорвачилик маданиятини ошириш йўли билан ривожланади. Интенсивлаштириш – қишлоқ хўжалигида ер майдони бирлигига иқтисодий асосланган қўшимча маблағ сарфлаш негизида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг режали процессидир.

Ишни бажариш тартиби: Қишлоқ ххўжалик ишлаб чиқариши интенсивлаштириш кўрсаткичларини аниқлаш. Интенсивлаштириш даражасининг асосий кўрсаткичлари:

1. Ер майдони бирлиги ҳисобига барча ишлаб чиқариш фондларининг қиймати.
 2. Ер майдони бирлиги ҳисобига қўшимча сарфланган ишлаб чиқариш воситаларнинг суммаси.
 3. Хар гектар экин майдонига тўғри келадиган жонли меҳнат сарфи.
 4. Ер майдони бирлигига тўғри келадиган жонли меҳнат сарфи.
- Интенсивлаштириш самарадорлигининг ошиши билан меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқариш рентабеллиги ошиб боради.
- Интенсивлаштириш самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари:

1. Бир гектар қишлоқ хўжалик ерига, ҳайдаладиган ерга экинзорга тўғри келадиган ялпи маҳсулот қиймати, ялпи ва соф даромад
2. Бир гектар ҳисобига тўғри келадиган ҳосилдорлик.
3. Мехнат унумдорлиги.
4. Маҳсулот таннархи ва ишлаб чиқаришнинг рентабеллиги.
5. Кўшимча сарфлар суммасига нисбатан, қўшимча олинган соф даромад.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлаштириши қўрсаткичларини аниқлаш.

Куйидагиларни ҳисобланг:

- a) 1га гектар қишлоқ хўжалик ерига қанчадан асосий ишлаб чиқариш фондлари тўғри келиши:
- б) бир гектар сўм) ва меҳнат харажатлари (киши-соат ҳисобида).

№	Кўрсаткичлар	Бешарик ф\х	Серкуёш ф\х	Барака ф\х
1	Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришга тегишли бўлган фондларнинг ўртача қиймати, минг сўм	16114482	1223097	1131157
2	Жами ишлаб чиқариш харажати, минг сўм.	7043732	1224691	1356163
3	Меҳнат харажати, киши-соат	5828782	1224691	1356163
4	Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг хаммаси, гектар	9246	3570	2960

Деҳқончилик тармоқларини интенсивлаштиришининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Куйидагиларни ҳисобланг:

- a) 100 гектар қишлоқ хўжалик ерига, 100 гектар экинзорга қилинган меҳнат сарфи (киши-соат ҳисобида);
- б) 100 гектар қишлоқ хўжалик ери, 100 сўмлик ишлаб чиқариш харажати эавзига ва бир киши-соат ҳисобига олинган соф даромад (сўм ҳисобида).

“Бешарик” фермер хўжалигида қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг хаммаси 9246 гектар, шундан 7246 гектари экинзор бўлиб, ялпи маҳсулотнинг таққослама нархларидаги қиймати 940044,6 минг сўмни ташкил қиласди.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига тегишли бўлган фондларнинг ўртача қиймати 16114482,0 минг сўм, тракторлар билан бажариладиган ишларнинг ҳажми 243449 шартли этalon гектар, жами меҳнат харажати

5828782 киши-соат, жами ишлаб чиқариш харажати 7043732,0 минг сўмни, сарфланган ўғитларнинг қиймати 54 2470,0 минг сўмни маҳсулотни сотишдан олинган даромад 9400446,0 минг сўмни, сотилган маҳсулотнинг таннархи эса 6473314,0 минг сўмни ташкил қиласи.

Заҳарли химикатлар ишлатилишининг иқтисодий самарадорлигин ҳисоблаши.

Қуидагиларни аниқланг:

- а) гектардан олинган қўшимча ҳосил (центнер ҳисобида).
- б) бир гектардан ва жами майдондан олинган қўшимча ҳосилнинг қиймати (минг сўм).
- в) жами майдонга қилинган қўшимча харажат (сўм ҳисобида).
- г) заҳарли химикатлар ишлатиш эвазига бир гектардан ва жами майдондан олинган соф даромад (сўм ҳисобида).

№	Кўрсаткичлар	Заҳарли химикатлар ишлатилган майдон	Заҳарли химикатлар ишлатилмаган майдон
1	Экин майдони, (га)	100	100
2	Хосил гектаридан, (ц)	32	24
3	Ялпи маҳсулот қиймати, (минг сўм)	142600	111200
4	1 гектарга сарфланган заҳарли химикат, (минг сўм)	14,7	-
5	Меҳнат сарфи, киши-кун	177,0	149
6	1 гектарга қилинган ишлаб чиқариш сарфи, минг сўм	1020,0	1002,0

Хўжаликнинг энергия қуввати билан таъминланишини ва меҳнат унумдорлигини аниқлаши.

Қуидагиларни ҳисобланг :

- а) бир ишловчига тўғри келадиган энергия қуввати (эталон трактор ҳисобида);
- б) 100 гектар экин майдонига тўғри келадиган энергия қуввати (эталон трактор ҳисобида);
- в) бир гектар экин майдонига қилинган сарф (киши –кун ҳисобида).

№	Кўрсаткичлар	1 йил	2 йил	3 йил
1	Жами энергия (эталон трактор)	1175	1460	1700
2	Ишловчилар сони	1650	1565	1480
3	Экин майдони, га	2800	2810	2812
4	Меҳнаат сарфи (минг киши-куни ҳисобида)	460,0	408,2	409,1

Мәхнат унумдорлиги ва иш ҳақининг ўсиши даражасини ҳисоблаши.

Күйидагиларни ҳисобланг:

- ялпи маҳсулот қийматининг ўсиш даражаст (% ҳисобида);
- мәхнат унумдорлиги ва иш ҳақининг ўсиш даражаси (% ҳисобида);
- бир ишловчи ва бир киши соат ҳисобига тўғри келадиган ялпи маҳсулот қиймати (минг сўм ҳисобида).

№	Кўрсаткчлар	1 йил	2 йил	3 йил
1	Ялпи маҳсулот қиймати, млн. сўм	1035,7	1147,8	1216,9
2	Ўртача ишловчилар сони	378	355	317
3	Сарфланган киши соатлар	368715	491551	482451
4	Сарфланган иш ҳақи, млн. сўм	309,0	327,5	319,0

Мәхнат унумдорлигининг ўсиши даражасини ҳисоблаши.

Күйидагиларни аниқланг:

- бир ишловчига тўғри келадиган ялпи маҳсулот қиймати (минг сўм);
- бир киши кун ҳисобига тўғри келадиган ялпи маҳсулот қиймати (минг сўм);
- бир иш соатига тўғри келадиган ялпи маҳсулот қиймати (сўм ҳисобида).

№	Кўрсаткичлар	Барака ф\ҳ		Ишонч ф\ҳ	
		Режа бўйича	хақиқатда	Режа бўйича	хақиқатда
1	Ялпи маҳсулот, млн сўм	2027,8	2697,3	3738,9	3911,9
2	Ўртача ишловчилар сони	578,0	556,0	639,0	729,0
3	Жами киши кунлари, млн.сўм	154,6	156,1	197,7	201,3
4	Иш куннинг узунлиги, соат	6,50	6,30	6,50	7,1

Күйидагиларни аниқланг:

- хар қайси ва жами иш тури бўйича талаб қилинган киши куни;
- хар қайси ва жами иш тури бўйича талаб қилинган иш куни.

№	Иш турлари	Үл.бир	Ишнинг хажми	Иш куни	1 кунлик норма	Нормани бажаришда иштрок этадиган ишчилар сони
1	Чигит экиш	гектар	1200	15	7,0	2
2	Яганалаш	гектар	1200	20	0,25	1
3	Икки марта чопиқ	гектар	2400	60	0,15	1
4	5 марта культивация	гектар	6000	60	9,0	2
5	6 марта суфориш	гектар	7200	70	0,50	1
6	3 марта ғўзани озиқлантириш	гектар	3600	60	7,0	2
7	Ғўзани чеканка қилиш	гектар	1200	15	0,30	1

Тракторчи механизаторларга бўлган талабни аниқлаши.

Жами қанча норма бажарилиши ва қанча тракорчи-механизатор талаб қилинишини аниқланг.

Қишлоқ хўжалиги корхонаси 1400 гектар ерга чигитни 10 кунда экишни режалаштирилган. Агрегат бир кунда 7,0 гектар ерга чигит экади, ҳар қайси агрегатда 2 киши ишлайди.

Сут соғувчиларга бўлган талабни ҳисоблаши:

Хар сменада қанча сигир соғувчи талаб қилинишини аниқланг.

Фермада 668 та сигир бўлиб, ҳар бир ишчига машиналар ёрдамида соғиш учун 56 тадан сигир бириктирилган. Смена коэффиценти 13 га тенг.

Сигир соғувчиларга сигирларни бириктириш нормасини белгилаш.

Бир сигир соғувчига қанча сигир бириктирилишини аниқланг.

Фермада бир сменанинг иш вақти 420 минут белгиланиб, сигир соғувчиларга кийиниш, ечиниш ва соғиш аппаратларига қараш учун 46 минут ажратилган. Ишловчиларнинг шахсий ишлари учун 8 минут вақт ажратилади. Бир сигирга озуқа беришга -5,1 минут, тагини тозалашга 0,7 минут, охурларни тозалаш, сигирларни қашлаб тозалашга 2,9 минут, бир сиширни соғишга 9,7 минут сарфланади.

Ер ҳайдаш нормасини белгилаш.

Қўйидагиларни аниқланг:

а) сменадаги иш нормаси (гектар ҳисобида);

- б) смена давомидаги ёнилғи сарфи (кг хисобида);
- в) 10 иш кунида, икки смена ишлаганда нечта трактор талаб қилиниши.

Т-4 трактори билан 900 гектар ер ҳайдаш режалаштирилган.

Трактор бир иш сменасида 8 соат-у 20 минут ишлайди. Ишга тайёрғалик күриш ва ишни тамомлаш учун 20 минут, ёғлаш, мойлаш ва техник қаров ўтказишга 20 минут, агрегатнинг иш кенглиги 1,4 метр, ҳар бир гектар учун 19,5 кг ёнилғи сарфланади.

Чигит экиш нормасини белгилаш.

Күйидагиларни аниқланг:

- 1) Агрегатнинг бир сменадаги иш нормаси (га);
- 2) Бир соатлик ҳақиқий иш вақтидаги меҳнат унумдорлиги;
- 3) Тракторга бўлган талаб.

Фермер хўжалиги 100 гектар ерга 10 кун ичида чигит экиш режалаштирган.

Тракторчи бир сменада 8,7 соат ишлайди. Шундан ишга тайёрғарлик 20 минут, бекор турган вақти 32 минут, ёғлаш, мойлашга 15 минут вақт сарфлайди. Сеялканинг иш кенглиги 24 метр, агрегатнинг юриш тезлиги соатига 3,41 километр.

Транспорт воситасига норма белгилаш:

- а) бир марта қатнаш учун кетган вақт;
- б) бир сменадаги қатновлар сони;
- в) бир сменада ташилган юк ва тонна километрлар.
- г) жами талаб қилинган трактор ва прицеплар сони.

“Белорусь” трактори 3,5 тонна юк кўттарувчи прицеп билан 10 иш кунида 900 тонна ўғитни 7,5 километр масофадаги базадан хўжаликга ташиб олиб ккелиши керак.

Иш кунинг узунлиги 8 соат, ишга тайёрғарлик қилишга 25 минут, бир тонна юкни юклаш ва туширишга 20 минут сарфланади. Трактор юк билаг ва юксиз ўртacha соатига 10 км тезлик билан юради.

Ем-хашак экинларининг иқтисодий самарадорлигини хисоблаш.

Күйидагиларни ҳисобланг:

- а) экин тури бўйича бир гектардан олинган озука бирлиги (ц);
- б) бир гектар ерга қилинган меҳнат сарфи (киши-соат);
- в) бир гектар ерга қилинган харажат (минг сўм);
- г) бир гектар ердан олинган соф фойда (минг сўм хисобида).

№	Экин турлари	Сотиш баҳоси, сўм	Хосилдор лик, гектари дан центнер	Озука бирлги коэффициенти	Меҳнат сарфи, киши соат	1 ц нинг таннархи, минг сўм
1	Арпа	532	14,0	1,21	1,05	427,0

2	Сули	459	13,9	1,00	1,1	385,0
3	Маккажүхори силоси	900	430,0	0,20	0,49	69,0
4	Беда пичани	491	179,0	0,49	0,27	180,0
5	Илдизмевалилар	209	137,0	0,12	0,8	200,0
6	Бир йиллик ўт пичани	408	35,7	0,47	1,13	229,0
7	Бўғдой сомони	540	13,0	0,20	-	36,0

Етиштирилган маҳсулотга иқтисодий баҳо бериш.

Куйидагиларни аниқланг:

- а) экин турлари бўйича ялпи маҳсулот (центнер ҳисобида);
- б) 1 цетнер маҳсулотнинг таннархи (минг сўм);
- в) 1 гектар ерга қилинган сарф (минг сўм);
- д) соф даромад (минг сўм);
- ж) 1 гектар ер ҳисобига бир киши-соат ва қилинган бир сўм ҳисобига олинган даромад (минг сўм).

№	Экин турлари	Экин майдони га	1 га дан олинган хосил (ц)	Бевосита киши-соатлар сони	Жами сарф, минг сўм	1 га маҳсулотни сотиб олиш баҳоси, минг сўм
1	Пахта	1328	32	890900	1218366,0	
2	Каноп пояси	123	163	83740	13765,5	
3	Шоли	142	46,0	73442	84480,0	
4	Сабзавот	72	120	64050	11873,7	
5	Маккажүхори силоси	86	372	8852	13731,0	
6	Кўп йиллик ўтлар	169	116	28300	3888	
7	Боғлар (урӯғлик мева)	50	19	3374	34220,2	

Изоҳ: 1 га маҳсулотни сотиб олиш баҳосини тахминий бозор нархida қўйиш мумкин

“Пахтаорол” фермер хўжалигида ҳар хил усуулларда сугоришнинг иқтисодий самарасини аниқлаш.

Куйидагиларни ҳисобланг:

- а) ялпи хосил (тонна) ва ёмғирлатиб сугориш эвазига олинган қўшимча хосил (ц) ҳисобида;
- б) 1 м³ сув эвазига олинган пахта ҳосили (ц);
- в) жами майдондан ёмғирлатиб сугориш натижасида тежалган сарфлар (киши-куни ва минг сўм ҳисобида).

№	Кўрсаткичлар	Сугориш усууллари	
		Ёмғирлатиб сугориш	Эгатлаб сугориш
1	Сугориладиган пахта майдони (га)	939	939

2	1 гектардан олинган ҳосил (ц)	42,4	40,1
3	Суғориш сони	3,0	2,1
4	Мавсумий суғориш нормаси (гектарига м ³ хисобида)	1440	2590
5	Бир гектар ерни суғориш учун сарфланган меҳнат (киши-кун)	2,24	3,31
6	Бир киши куннинг баҳоси (сўм)	70000	70000

Суғориладиган ерлардан кузги бугдой етишишишнинг самарадорлигини аниқлаши.

Куйидагиларни ҳисобланг:

- а) суғориладиган ерларда суғорилмайдиган ерга нисбатан йиллар бўйича ҳар гектардан олинадиган ортиқча ҳосил (ц);
- б) суғорилмайдиган майдонлар сув билан таъминланганда олинадиган қўшимча ҳосил(йиллар бўйич), шунингдек, ҳар гектаридан ва ялпи олинадиган ҳосил ҳамад беш йилликдаги ўртача ўсиш (ц).

№	Кўрсаткичлар	Беш йиллиқда				
		1 йил	2 йил	3 йил	4 йил	5 йил
1	Экин майдони (суғориладиган ерда), минг гектар	1,7	2,9	2,6	3,0	3,4
2	1 гектардан олинган ҳосил, (ц)	34,4	45,6	46,7	47,3	50,3
3	Экин майдони (суғорилмайдиган ерлар), минг гектар	2,3	2,6	2,8	3,1	3,9
4	Бир гектардан олинган ҳосил, (ц)	14,4	17,4	19,1	19,9	23,0

Назорат саволлари

1. Қандай харажатлар ижтимоий ва индивидуал харажатлар деб аталади?
2. Жами ва ишлаб чиқариш харажатлари деганда нимани тушунасиз?
3. қандай харажатларни доимий ва ўзгарувчан харажатлар деб аташ мумкин?
4. Харажатлар элементлари ва моддалари ҳақида қандай тушунчага эгасиз?
5. Маҳсулот таннархи деганда нимани тушунасиз?
6. Маҳсулот таннархи даражасини, динамикасини қандай тушунасиз?
7. Маҳсулот таннархи таркиби деганда нимани тушунасиз?
8. Харажатларни камайтириш, таннархни пасайтиришга қандай чоратадбирлар ёрдамида эришиш мумкин?

З-амалий машғулот

СУВ ХЎЖАЛИГИ ҚУРИЛИШНИ ЛОЙИҲАЛАШНИНГ ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ

Ишдан мақсад: Қурилишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш, техникавий жиҳатдан илғор, юқори самара берадиган, янги техникани ва технологияни кенг жорий қилишга мослашган вариантларни қўллаш, Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни таннархини пасайтириш, Мехнат унумдорлигини ошириш, илмий техника тараққиёти ютуқларини ишлаб чиқаришга тадбиқ қилиш бўйича кўнікмаларга эга бўлиш.

Ишни бажариш тартиби: Ишлаб чиқаришни қувватининг баланслари капитал қурилишларнинг режалаштиришнинг асосидир. Баланс тузиш учун ишлаб чиқариш қувватларини ва уларни ишлаб чиқариш мумкин бўлган маҳсулот хажмини аниқлаш керак.

Режалаштирилган йил охири ишлаб чиқаришининг қуввати қўйидагича аниқланади:

$$K_{ox} = K\delta + Kn - K_{chik}$$

бир йиллик режалаштириш учун

$$\bar{K} = K\delta + \frac{\sum Kn * T}{12} - \frac{\sum K_{chik} * T'}{12}$$

$$\text{агар } T \text{ ва } T' \text{ лар номаълум булса : } \bar{K} = K\delta + \frac{\sum (Kn - K_{chik})}{2}$$

бу ерда:

\bar{K} - корхонанинг ўртача йиллик ишлаб чиқариш қуввати.

$K\delta$, K_{ox} – ишлаб чиқаришининг режалаштирилаетган йил бошидаги еки охиридаги қуввати,

Kn – ишлаб чиқаришни режа бўйича ишга тусирилувчи қуввати.

$T (T')$ – қувватни ишга тушган (ишдан чиқсан) вақтидан то йил охиригача бўлган ойларнинг тўлик сони.

Ишлаб турган қувватдан олиниши мумкин бўлган (кутилган) маҳсулот хажми:

$$Q_m = \frac{\bar{K} * K_{chik} * K_{uzl}}{100}$$

K_{chik} , K ўзл – қувватни ишлатилиши ва ўзлаштирилиш коэффициенти, %

Махсулот ишлаб чиқариш учун янги ишга тусирилиши керак бўлган қувватдан олинадиган махсулот хажми.

$$Q_{\text{я}} = Q_p - Q_{\mathcal{M}}$$

Q_p - режа бўйича шу махсулотга эхтиеж.

Ишга тусириладиган қўшимча қувватнинг ўртacha йиллик қиймати:

$$K_u = \frac{Q_{\text{я}} - Q_{\text{уутгий}}}{K_{\text{узл}}}$$

бу ерда:

Q ўтган йил – ўтган йили ишга тусирилган қўшимча қувватдан бу йил олинган махсулот.

Ишлаб чиқаришнинг ҳисоб бўйича талаб қилинадиган қувватини ишга тусириш учун керак бўладиган капитал маблағлар:

$$K = K'' * K_{\text{уд}}$$

Тугалланмаган қурилишнинг йил охиридаги хажми:

$$Q_{TM}^{ox} = Q_{TM}^{\delta} + K_{\text{вл}} - Q_{\text{йик}}$$

бу ерда:

$Q_{TM}^{ox}; Q_{TM}^{\delta}$ - тугалланмаган қурилишнинг йил боши ва охиридаги хажми

$K_{\text{вл}}$ – капитал маблағлари.

$Q_{\text{йик}}$ – қурилиш махсулотининг йиллик хажми.

Топшириқка доир масалалар

1. Капитал қурилиш режасида 4.8 млн. м^2 фойдали турар жой майдони фойдаланишга берилиши мўлжалланган. Инженерлик таъминоти ва ободонлаштириш ҳаражатларини ҳисобга олганда 1м^2 фойдали майдоннинг ўртacha қиймати 206 минг сўм. Турсар жойлар қурилиши бўйича

тугалланмаган қурилиш хажми йил бошига 69,5 млрд. сўм.

Аниқланг: Режа йилида турар жой қурилишига қилинадиган капитал қўйилмалар хажми?

Ечиш.

Режа йилида турар жой қурилишига қилинадиган капитал қўйилмалар хажми:

$$\text{Ктж} = 4,8 * 206 / 100000 - 69,5 + 73,3 = 992,6 \text{ млрд.сўм.}$$

2. Қуйидаги жадвал маълумотларидан фойдаланиб, цемент заводи қурилишининг I, II, III навбатларига қилинган **капитал қўйилмалар бирлигини аниқланг.**

Кўрсаткич	Навбатлар		
	I	II	III
Цемент ишлаб чиқарилиши, т/йил	<u>300</u>	<u>200</u>	<u>200</u>
Капитал қўйилма, млн. сўм	<u>23,7</u>	<u>5,6</u>	<u>12,2</u>

Ечиш.

Цемент заводининг I, II, III навбатларида қилинган бир бирлик капитал қўйилма хажми мос равища:

$$23700 / 300 = 79 \text{ сўм/т}$$

$$5600 / 200 = 28 \text{ сўм/т}$$

$$12200 / 200 = 61 \text{ сўм/т}$$

3. Қуйидаги маълумотлардан фойдаланиб, 2 та йифма темир-бетон заводларига қилинган **бир бирлик капитал қўйилмани аниқланг?**

1 заводнинг ишлаб чиқариш қуввати 120 минг м^3 /йил бўлиб, у қайта қурилмоқда.

2 заводнинг ишлаб чиқариш қўввати 100 минг м^3 /йилдан 180 минг м^3 /йилгача оширилмоқда. Заводларга қилинган капитал қўйилмалар мос равища 8520 ва 4960 млн. сўм. Натижаларга изох беринг.

Ечиши.

Янги завод қурилишига қилинган бирлик капитал қўйилмалар:

$$8520/120=71 \text{ минг сўм}/\text{м}^3$$

Мавжуд заводни кенгайтиришга қилинган капитал қўйилмалар:

$$4960/(180-100)=62 \text{ минг / м}^3$$

Олинган қўрсаткичлар таҳлили кўрсатишича, мавжуд заводни қуришга нисбатан уни кенгайтириш тежамлироқ.

4. Капитал қурилиш режасида асосий фондлар қиймати 1480смлн. Сўм бўлган. Йил бошига тугалланмаган қурилиш хажми 292 млн сўм ва келаси йил бошига тугалланмаган қурилиш хажми 306 млн.сўм бўлган. Саноат объектини ишга тушириш мўлжалланган.

Аниқланг: Режа йилида саноатга қилинган капитал қўйилмалар хажмини аниқланг?

Ечиши.

Саноатга қилинган капитал қўйилмалар хажми:

$$1480-292+306=1494 \text{ млн. сўм.}$$

5. Режа йилида капитал қўйилмалар ҳажми 2621 млн.сўм бўлиб, ҚМИ қиймати 1374 млн сўм бўлиши мўлжалланган. Режадан олдинги йил капитал қўйилмалар 2133 млн. сўм бўлган, шундан ҚМИ 1162 млн. сўм бўлган. Иккала йилда ҳам бошқа харажатлар улуши 7,5 % ни ташкил қиласди.

Аниқланг: Кўриб чиқилаётган йилларда капитал қўйилмалар таркибини таққослаб, уларга баҳо беринг.

Ечиши.

Капитал қўйилмаларнинг катта қисмини жихоз ва ускуналарга сарфлаш иқтисодий жихатдан фойда келтиради, чунки бу жами ишлаб чиқариш фондларининг актив (фаол) қисми улуши ошишига олиб келади.

Ўтган йил жихозларга қилинган харажатлар:

$$2133(100-7,5)/100-1162=811 \text{ млн. сўм.}$$

Бу жами капитал қўйилмаларнинг $811*100/2133=38$ % ни ташкил қиласди.

Жорий йилда жихозларга қилинган сарф харажатлар:

$2621(100-7,5)/100-1374=1050,4$ млн сўм.

Жами капитал қўйилмалардаги улуши:

$1050,4*100/2621=40,1$ %

Ўтган йилга нисбатан жорий йилда жихозларга қилинган капитал қўйилмалар:

$40,1-38=2,1$ % га ошган.

6. Смета қиймати 87 млн.сўм бўлган фабрика қурилиши меъёрий давомийлиги. 2.7 йил (32 ой)

Қурилиш давомийлиги ва тугалланмаган қурилиш меъерлари бўйича дастлабки 6 ойда капитал қўйилмаларнинг 6 %и, 18 ойда 46 % и, 30 ойда 93 % и ўзлаштирилиши керак. 18 ойда смета қиймати 3.9 млн сўм бўлган маъмурий ва ишлаб чиқариш бинолари ҳамда фабrikанинг инженерлик тармоғини , 26 – ойда смета қиймати 15,2 млн сўм бўлган ёрдамчи цехларни ишга тушириш режалаштирилган.

Аниқланг: Қурилиш июл ойида бошланади деб ҳисоблаб, I, II, III йил охири тугалланмаган қурилиш ҳажмини аниқланг?

Ечиш.

I, II ва III йилларнинг бошланиши мос равишда 6-, 18- ва 30 ойларга тўғри келади.

I йил охирига тугалланмаган қурилиш ҳажми меъер бўйича:

$87*6/100=5.2$ млн. сўм.

II йил охирига тугалланмаган қурилиш ҳажми меъер бўйича:

$87*46/100=36.1$ млн. сўм.

III йил охирига тугалланмаган қурилиш ҳажми меъер бўйича:

$87*93/100=60,8$ млн. сўм.

7. Капитал қурилиш режасида фабрикани ишга туширилиши 3 йил 3 кварталига мүлжалланган. Фабриканинг смета қиймати 8.1 млн. сўм.; жумладан ҚМИ – 5.9 млн сўм. Қурилишни меъёрий давомийлиги 22 ой. Жадвалда тугалланмаган қурилиш меъёрининг кварталлар бўйича ўзгариш динамикаси келтирилган.

Квартал	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII
Кп, смета қийматига нисбатан % да	7/9	14/17	24/29	40/45	60/63	79/81	96/96	100/100

Суратда – капитал қўйилмалар бўйича

Махражда – ҚМИ бўйича

Аниқланг: 2 ва 3 йил бошига тугалланмаган қурилишни ҳажмини капитал қўйилмалар ва қурилиш монтаж ишлари бўйича топинг?

Назорат саволлари

1. Лойихалаштиришнинг аҳамияти нимада?
2. Қурилишнинг иқтисодий самарадорлиги нимада?
3. Мехнат унумдорлиги деганда нимани тушунасиз?
4. Лойиха ечимлари самарадорлигини аниқлаш усуллари?
5. Лойихалаштиришнинг қурилиш кўрсаткичларига нималар киради?
6. Нисбий самарадорлик қандай аниқланади?

4-амалий машғулот

СУВ ХУЖАЛИГИ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИ

Ишдан мақсад: Сув хужалиги ташкилотларида комплекс иқтисодий таҳлилни ташкил этиш асослари ни ўрганиш, сув хўжалиги ташкилотларини меҳнат ресурслари билан таъминланганлиги ва уларнинг унумдорлигининг таҳлили, ходимлар таркибининг таҳлилига баҳо бериш, иш вақтидан фойдаланиш таҳлили, сув хўжалиги ташкилотларининг асосий фондлари ва улардан самарали фойдаланиш таҳлили ва сув хўжалиги ташкилотларининг материал бойликлар билан таъминланиши ва улардан самарали фойдаланиш таҳлили бўйича кўникмаларга эга бўлиш.

Ишни бажариш тартиби: Ишчи кучи билан таъминланганлик таҳлилида ходимларнинг режага ва ўтган йилларга нисбатан ўзгаришлари, маҳсулот ҳажмини ўстириш юзасидан мутлоқ ва нисбий фарқлар, ходимлар айланнишини ҳарактерловчи қўрсаткичлар ўрганилади.

Меҳнат ресурслари ҳаракатини ҳарактерловчи асосий қўрсаткич сифатида ходимлар қўнимсизлиги қўрсаткичи аниқланади. Ходимлар қўнимсизли қўйидаги боғланишда аниқланади.

Xc

К кун=-----

X

Бунда :

- Ккун-ходимлар қўнимсизлиги коэффиценти
- Xc-корхона ва умумжамият ҳарактерида бўлмаган сабаблар таъсирида ишдан бўшаганлар сони
- X-ходимларнинг ўртача рўйхат сони

Ходимлар қўнимсизлиги бевосита уларнинг қабул этиш ва бўшатиш бўйича айланмаларни ҳисоблаш асосида тўлдирилади.

Ходимлар ишга қабул этиш коэффиценти ҳисобот даврида ишга қабул килинган ишчилар сонини уларнинг ўртача рўйхат сонига бўлиш асосида аниқланади. Ходимларни ишдан бўшатиш коэффиценти ишдан бўшаган жами ходимлар сонини уларнинг ўртача рўйхат сонига бўлиш асосида аниқланади.

1-Жадвал

Ходимларнинг таркиб бўйича таҳлили.

Таркиб	Ҳисобот йили		Фарқи			
	Режа		Хақикатда		Мутлок	Нисбий
	Сони	%	Сони	%	Сони	%
Ишчилар	1560	81.5	1450	82.3	-110	+0.8
Хизматчилар	320	18.5	280	17.7	-40	-0.8
Шу жумладан:						
Рахбарлар	34	2.0	30	1.9	-4	-0.1
...						
Жами	1914	100	1760	100	-154	x

2-Жадвал

Ходимлар таркибидаги мутлок ва нисбий фарқланишлар таҳлили.

Кўрсаткичлар		Ходимлар сони
Режа бўйича		1560
Махсулот ҳажми ўзгаришига мувофик ишчилар сони		1580
Хақикатда		1450
Умумий фарқ		110
Мутлок фарқ		+20
Нисбий фарқ		-130

3-Жадвал

Иш вактидан фойдаланиш таҳлили.

№	№	Ишчилар сони	Ўртacha ишланган киши кунлари	Иш куни давомий-лиги	Умум – лашган курсат кичлар.	Олдин-ти хисоб-дан фарқ	Тасир сабаби
A	B	1	2	3	4	5	6
		1200	240	7.0	2016		
		1300	240	7.0	2184	+164	Ишчилар сони ўзг.
		1300	250	7.0	2275	+91	Иш куни ўзгариши
4		1300	250	7.2	2340	+65	Иш куни давом ўзг.
Жами ўзгариш						+324	

4-Жадвал

Бир ходимга, бир ишчига тўғри келадиган маҳсулот ҳажми ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлили.

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Хисобот йили	Фарқи	Ўсиш даражаси
A	1	2	3	4
1.Хизматлар ҳажми корхона улгуржи баҳосида,(м.с.)	15428	18650	+3222	120.9
2.Ишлаб чиқариш ходимлари, киши	1914	1760	-154	91.9
3. Шу жумладан; ишчилар	1560	1450	-110	92.9
4. Ишчиларнинг ишлаб чиқариш ходимлари таркибидаги салмоғи % да	0.815	0.823	+0.008	101.1
5. Жами ишланган иш кунлари, минг киши – куни	430.6	366.0	-64.6	85.0
6. Жами ишланган иш соатлари, киши – соат	3014.2	2635.2	-379.0	87.4
7. Бир ишлаб чиқариш ходимига тўғри келадиган маҳсулот ҳажми, сўм	8060.6	10596.5	+2535.9	131.4

8. Бир ишчига тўғри келадиган маҳсулот ҳажми, сўм	9889.7	12862.0	+2972.3	130.0
9. Бир ишлаб чиқариш ходимининг ўртача меҳнат унимининг ўзгаришига маъсир этувчи омиллар;	X	X	+2535.9	131.4
9.1.ишчилар салмоғининг ўзгариши, сўм	X	X	+79.11	4.1
9.2.ўртача бир ишчига тўғри келадиган маҳсулат ҳажмининг ўзгариши, сўм	X	X	2446.20	127.3
10.Бир ишчи тамонидан йиллик ўртача ишланган киши қунлари, сўм	276.0	252.0	-16	92.8
11.Иш куни давомидаги,соат	7.0	7.2	+0.2	102.8
12.Бир соатда ишлаб чиқарилган маҳсулот, сўм	5118.4	7077.2	+1958.8	138.2
13.Бир киши кунига ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми, сўм	35829.0	50956.2	+151272.2	142.2
14.Бир ишчига тўғри келадиган маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар;	X	X	+2972.3	130.0
14.1 Ишлаган иш кунлари ўзгариши; сўм	X	X	-899.8	-39.35
14.2 Иш куни давомийлиги ўзгариши; сўм	X	X	+257.9	+11.27
14.3 Бир соатлик меҳнат униминиг ўзгариши; сўм	X	X	+3554.0	+155.44

Битта ишлаб чиқариш ходимига тўғри келадиган ўртача йиллик маҳсулот ҳажми ўтган йилга нисбатан 2535,9 минг сўмга ёки 131,4 % га ўсган. Бу ўзгариш бевосита саноат ишлаб чиқариш ходимлари таркибида ишчилар сонинг ўзгариши ва битта ишчининг меҳнат самарасининг ўзгариши ҳисобига рўй берган. Саноат ишлаб чиқариш ходимлари таркибидаги ишчилар салмоғининг 0,008 коэффицентга ёки 1,1 фоиз ўсиши меҳнат унумининг +79,11 (+0,008*9889,7) сўмга ўсишига олиб келган.

5-Жадвал

Асосий воситалар таркибининг таҳлили.

Асосий		Шу жумладан
--------	--	-------------

воситалар	Жами	Бино	Иншо-ат	Ўза тиш мос лама лари	Машина ва ускуналар	Транс-порт восита-лари	Бошқа асосий фонд-лар
1	2	3	4	5	6	7	8
Ишлаб чиқариш асосий воситалари							
- суммаси, м.с.	6720	434	136	657	21680	1265	548
- салмоғи %	100	9.1	0.5	2.5	81.1	4.7	2.1
Хисобот йили							
- суммаси, м.с.	4150	2560	136	569	28900	1345	540
Салмоғи %	100	7.5	0.4	1.7	84.6	3.9	1.9
Фарқи							
- сўмма, м.с.	7430	16	0	-88	+7220	+80	-8
Салмоғи %	X	1.6	-0.1	-0.8	+3.5	-0.8	-0.2
Ноишлаб чиқариш асосий воситалари							
Суммаси, м.с.							
Ўтган йил	450	260	-	-	-	-	190
Хисобот йили	2450	1260	-	-	-	-	1190
Фарқи	2000	1000	-	-	-	-	1000

Бир ишчига тўғри келадиган маҳсулот ҳажмининг ўтган йилга нисбатан +2972,3 сўмга ёки 30,0 (130-100)% га ўсиши натижасида бир ходимга тўғри келадиган маҳсулот ҳажми +2446,20 (+2972,3*0,823) сўмга ўсган. Ҳисоб китоблардаги ноаниқликлар; (+79,11+2446,20=2525,31-2535,90=-10,59) бир ишчига тўғри келадиган маҳсулотларнинг ҳажми ўтган йилга нисбатан +2972,3 сўмга ёки 30.0%га усган, бу ўзгаришда ишланган киши кунларининг ўзгаришийининг таъсири -899.8 сўм га (-16*7,05118,4) иш куни давомийлиги ўзгариши +257.9 сўмга 355,0=2912,1-2972,3=-60,2

6-Жадвал

Асосий воситаларнинг ҳолат кўрсаткичлари таҳлили.

Асосий воситалар	Бошлангич кийлати	Эскириш киймати	Колдик киймати	Эскириш даражаси	Яроклилик даражаси
Ўтган йил	168900	54890	114010	32,5	67,5
Хисобот йил	187320	65780	121540	35,1	64,9
Фарқи	+18420	+10890	+7530	+2,6	-2,6

7-Жадвал

Асосий воситаларнинг ҳаракат кўрсаткичлари таҳлили.

Асосий	Асосий	Янгидан	Чиким	Асосий	Янгиланиш	Чикиб
--------	--------	---------	-------	--------	-----------	-------

воситалар	воситалар йил бошига колдиги	кабул килингандан асосий воситалар	килингандан асосий воситалар	воситалар йил охирига колдиги	коэффициент коэффициент	
Ўтган йил	155690	14500	1290	168900	8,6	0,8
Ҳисобот йили	168900	22380	3960	187320	11,9	2,3
Фарқ	+13210	+7880	+2670	+18420	+3,3	+1,5

Корхонада саноат ишлаб чиқариш ходимларининг асосий воситалар билан қуролланиш даражаси ўтган йилга нисбатан 16905 сўмга ўсган . Бу ўсиш иккита омил ҳисобига ўтказилган. Бир ишчилар соннинг ўзгариш ҳисобига ҳамда икки асосий воситаларнинг ўртacha йиллик қийматининг ўзгариши ҳисоби. Ишчилар соннинг ўзгариши таъсиридаги фарқланиш

8-Жадвал

Асосий воситалар билан таъминланганлини ва қуролланганлик таҳлили.

№	Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили	Фарқ
1	Асосий воситалар ўртacha йиллик қиймати	162295	178110	+15815
2	Саноат ишлаб чиқариш ходимлари	1914	1760	-154
3	Бир ходимга тўғри келадиган асосий воситаларнинг ўртacha йиллик қиймати.	84294	101199	+16905

$(93056-84294)=+8762$ сўмга асосий воситаларнинг ўртacha йиллик қийматининг ўзгариши ҳисобига $(101199-93056)=+8142$ сўмга. Омиллар таъсири $=+8762+8143=16905$ сўм.

Бунда 93056 сўмга шартли, битта саноат ишлаб чиқариш ходимига тҳгри келадиган асосий воситалар қиймати. Яъни асосий воситаларнинг ҳисобот йилги кўрсаткичи ходимларнинг ўтган йил кўрсаткичига нисбати. $(178110/1914)$.

Корхонада асосий воситаларнинг самарадорлиги ўтган йилга нисбатан бир қадар яхшиланган. Фонд қайтими ва унинг ўтган йилга нисбатан ўсиши $+0,998$ ($3,642-2,644$) сўмга teng бўлган. Бу ўзгаришда ишлаб чиқилган маҳсулот ҳажмининг ўзгариши таъсирида 1,166 ($3,810-2,644$) сўмни асосий воситаларнинг ўртacha йиллик қийматининг ўзгариши эса салбий таъсир этган ва бунинг натижасида фонд қайтими-0,168 ($3,642-3,810$) сўмга камайган. Барча омиллар таъсирида асосий фонdlар қайтими

ўтган йилга нисбатан 0,998 сўмга ортган. (3,642-2,644). Асосий фонdlар сиғими ўтган йилга нисбатан -0,104 сўмга камайган. Бу ўзгаришга маҳсулот ҳажмининг -0116 (0,262-0,378) сўмни асосий воситалар ўртача йиллик қийматининг ўзгаришининг таъсири эса +0,012(0,274-0,267) сонини ташкил қилган.

9-Жадвал

Асосий воситаларнинг самарадорлик кўрсаткичлари ва уларнинг ўзгаришга таъсир этувчи омиллар таҳлили.

Кўрсаткичлар	Маҳсулот ҳажми, корхона улгуржи баҳосида, минг сўм.	Саноат ишлаб чиқариш фондлари ўртача йиллик киймати	Фонд кийтими	Фонд сиғими
1	2	3	4	5
Ўтган йил	148952	56321	2.644	0.378
Шартли ҳисобот йили	214632	565321	3.810	0.262
Ҳисобот йили	214632	58925	3.642	0.274
Ўтган йилдан фарқ	+65680	+2604	+0.998	-0.104
Фонд кайтимининг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар				
X	+1.166	-0.168	+0.998	X
Фонд сиғимининг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлили				
X	-0.116	+0.012	X	-0.104
Мехнат воситалари билан боғлиқ омилларнинг маҳсулот ҳажмига таъсири				
X	+65680	+6884.9	+58807.1	X

Меҳнат воситалари билан боғлиқ бўлган омилларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига таъсирининг таҳлилида асосий воситалар ўртача йиллик қийматининг ўзгариши таъсирида ялпи маҳсулот ҳажми +6884,9 (+2604*2,644)минг сўмга , фонд қайтимининг ўзгариши ҳисобига +58807,1 (0,998*58925) минг сўмга ўсишини кўриш мумкин.

10-Жадвал

Моддий ресурслар самарадорлиги таҳлили.

Кўрсаткичлар	Ўтган йили	Ҳисобот йили	Фарқи	Ўсиш даражаси
Маҳсулот ҳажми корхона улгуржи баҳосида, (минг сўм)	125463	215364	+89901	171.6

Моддий сарфлар	79520	154862	+75342	194.7
Моддий сарфлар киймати	1.577	1.390	-0.187	88.1
Моддий сарфлар сифими	0.634	0.1719	+0.085	113.4

Корхона моддий сарфларнинг самарадорлик даражаси ўтган йилга нисбатан бир қатор ёмонлашган. Корхонада маҳсулот ҳажми ҳам моддий сарфларнинг қиймати ҳам ўтган йилга нисбатан кескин ўзгарган. Моддий сарфларнинг унумига аҳамият берилмаслиги натижасида моддий сарфлар кайтими ўтган йилга нисбатан 0,187 сўмга камайган. Бу ўзгариш сабабини қуидагит боғланишлар орқари ҳисоблаш мумкин. Яъни моддий сарфлар бўйича шартли кайтим = Маҳсулот ҳажми ҳисбот йили \моддий сарфлар ўтган йил даражаси = $215364/79520= 2,708$

1-омил маҳсулот ҳажмининг ўтган йилга нисбатан 89901 минг сўмга ўсиши натижасида моддий сарфлар кайтими 1,131 сўмга (2,708-1,577) сўмга ортган. Лекин 2-омил моддий сарфлар кийматининг ўзгариши ҳисобига моддий сарфлар кийматининг ўзгариши ҳисобига моддий сарфлар кайтими ёки самараси 1,318 сўмга (1,390-2,708)га камайган. Ҳар иккала омил таъсирида моддий сарфлар кайтими 0,187 сўмга камайган.

Моддий ресурслар билан таъминланганлик даражасида уларнинг айланувчанлик даражасига корхона молиявий ҳолатига баҳо беришнинг муҳим кўрсаткичи сифатида баҳо берилади. Моддий сарфларнинг айланувчанлик даражаси коэффицентларда ва кунларда аниқланади.

Назорат саволлари:

1. Ходимлар қўнимсизлиги таҳлили қандай амалга оширилади?
2. Ходимлар таркибининг таҳлилини мисоллар ёрдамида тушунтириб беринг.
3. Сув хужалиги ташкилотларининг асосий фондларидан фойдаланишнинг қандай кўрсаткичлар тизими мавжуд?
4. Сув хужалиги ташкилотларининг асосий фондларидан самарали фойдаланиш таҳлилини мисоллар ёрдамида тушунтириб беринг.
5. Хом–ашё ва захиралардан фойдаланиш таҳлилининг методик асослари.
6. Сув хужалиги ташкилотларининг материал бойликлар билан таъминланиши қайси кўрсаткичлар орқали таҳлил қилинади?

КЕЙСЛАР ВА ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ

1 - КЕЙС

ДИСКОНТ УСУЛИ ОРҚАЛИ ЛОЙИҲАГА КИРИТИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ

Кириш

Бозор иқтисодиёти шароитида корхона ва ташкилотлар фаолият юритишларини маблағ билан таъминлаш иқтисодий муаммолардан бири бўлиб, катта таваккалчиликни талаб этади. Сарфланган маблағларни кайтариш, қоплаш муддати канчалик узоқ бўлса, бу хавф даражаси ҳам шунчалик ошиб боради. Чунки, бу муддат ичида бозор конъюнктураси ҳам, нарх-наволар ҳам, иш хаки тўловлари зимдан ошиб боради. Шунинг учун, иқтисодиёт баркарор бўлмаган шароитларда (айникса бу холат нафакат айрим товар бозори, балки бутун мамлакат учун хос бўлса) ҳаражатлар тезрок копланадиган самарали лойиҳаларга маблағ сарфлаш мақсадга мувофиқдир. Бундай ёндошиш илмий-техника тараққиётининг суръати энг юқори бўлган ва янги технология ёки маҳсулотларнинг кириб келиши олдинги инвестицияларни тезда кадрсизлантириб юбориши мумкин бўлган тармоқлар учун жуда муҳимдир. Бундан ташқари, пулни олувчи унчалик обруга эга бўлмаса ва маблағ эгаси узоқ муддатга унга пулни ишонишни хоҳламаса ҳам маблағнинг ўзини қоплаш муддатига қараб иш қурилади. Шу сабабли, таклиф этилаётган кейс долзарб деб ҳисобланади.

Кейснинг мақсади - кичик корхона лойиҳасига киритилган инвестицияларни самарадорлигини таҳлил этиш ва баҳолаш кўникмаларини ривожлантириш, асосланган қарорни қабул қилишга ўргатиш.

Таклиф этилган кейс қуйидаги натижаларга эга бўлишга имконият беради:

- Ташкилот фаолиятини иқтисодий таҳлил қилиш кўникмаларига эга бўлади;
- Таҳлил натижаларни умумлаштириш қобилиятига эга бўлади;
- Дисконт усулини қўллаш орқали инвестиция киритишининг самарадорлигини баҳолаш кўникмасини ривожлантиради;
- Мустақил қарор қабул қилиш кўникмаларини эгаллайди.

Маркетинг вазияти

Мустақил фаолият юритаётган “Азизбек” кичик корхона ихтиёрида ўзлаштириш учун 120 минг сўмлик хом-ашё ресурслари ва тайёр маҳсулотлар мавжуд. Мазкур ресурслардан фойдаланиш натижасида корхона 35 минг сўм даромад олишни кўзда тутмоқда. Шу аснода корхонанинг ривожланиш фондидан ажратилган пуллар ва банкдан олинган кредитларни 4 йилдан кечиктирмасдан қайтариш режалаштирилган. Лойиҳа бўйича ҳаражатлар ҳажми 105560 сўмни ташкил этади. Хўш, ушбу лойиҳа талабни қондира оладими ва самаралими?

Топширик:

Дисконт усули орқали лойиҳага киритилган инвестицияларни самарадорлигини баҳолаш зарур.

II. УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР

Муаммо

Дисконт усули орқали лойиҳага киритилган инвестицияларни самарадорлигини баҳолаш.

Вазифалар:

1. Дисконт коэффициентини (K_d) аниқланг.
1. Инвестицияларни қоплаш муддатини ва ушбу муддат давомида пул қийматини ўзгаришини аниқланг.
3. «Азизбек» кичик корхона фаолиятининг фойдалилик коэффициентини аниқланг ва олинган натижа асосида инвестицион лойиҳани самарадорлиги бўйича хулоса қилинг.

Ечиш алгоритми

1. *Дисконт коэффициентини (K_d) аниқланг.*

Discount хозирги пайтдаги баҳолар билан уларни қайтариш давридаги баҳолар ўртасидаги фарқлари ёки қимматбаҳо қофозлар номинали. Моҳияти, турли даврларда инвестиция сарфлари ва келгусида фирманинг ички даромадлилик нормаларини аниқлаш давомидаги пул тушумларини, яъни капитал маблағларни қопланиш (қайтарилиш) коэффициентидан иборатdir.

Пулларнинг ёки сарфланган маблағларнинг “бугунги” ва “кечаги” қийматлари ўртасидаги фарқни ҳисобга олиш учун инвестицияларнинг қопланиши ҳисоб-китоб қилинаётганда келгусидаги даромадлар дисконт коэффициентларига кўпайтирилади. Дисконт коэффициентларининг ҳисоблаш қуйидаги формула (1) орқали аниқланади:

$$K_d = \frac{1}{(1+K) \times T}$$

бу ерда, K - пул қийматининг ўзгариш суръати (одатда, банк кредитлари бўйича ўртача фоиз даражасида қўлланилади); T - инвестиция ажратилган вақтдан бошлаб ўтган вақт, кунлар.

2. *Инвестицияларни қоплаш муддатини ва ушбу муддат давомида пул қийматини ўзгаришини аниқланг.*

Корхона ҳаражатларини қоплаш муддати қуйидаги формула (2) орқали ҳисобланади:

Ҳаражатларни

Коплаши = *Бошлангич инвестициялар / Ҳар йилги пул даромадлари*
муддати

3. «Азизбек» кичик корхонанинг фойдалилик коэффициентини аниқланг ва олинган натижса асосида инвестицион лойиҳани самарадорлиги бўйича хулоса қилинг.

Фойдалилик кўрсаткичи сифатида, **foydaлиlik коэффициенти** деб аталувчи катталиқдан фойдаланиш мумкин. У қуйидаги формула (3) ёрдамида ҳисобланади:

$$\text{Фойдалилик} = \frac{\text{Кўзда тутунган даромадлар суммаси}}{\text{тутунган ҳаражатлар суммаси}} / \text{Кўзда}$$

коэффициенти

Кўзда тутунган даромадлар суммаси - бу мазкур инвестициялаштирилаётган лойиҳани амалга ошириш эвазига келгусида олинадиган фойда хажмидир. Лекин у келгусида кутилаётган абсолют миқдорларда эмас, балки юқорида таъкидлангандек, дисконт кофициентлари билан тўғриланган ҳолда юзага келади. Бошқача қилиб айтганда, формуланинг суратида сўмнинг бугунги қийматида ифодаланган даромадлар суммаси акс этади.

Кўриб чиқилаётган инвестиция лойиҳаларни амалга ошириш учун сарфланадиган барча ҳаражатлар хажми ҳам худди шундай ҳисобланади. Бу ҳисоб-китоблар бир неча йилдаги инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга қаратилгандир, агар инвестициялаштириш қисқа муддатларга (3 ой, 6 ой ёки 1 йилга) мўлжалланган бўлса, бундай ҳолда ҳаражатлар ва даромадларни дисконтлашнинг ҳожати йўқ.

Фойдалилик коэффициентига асосланиб, агар коэффициент 1,00 дан юқори ёки унга teng бўлган тақдирдагина инвестициялаштирилаётган лойиҳаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Фойдалилик коэффициентларидан фойдаланиш - ўзининг оддийлиги ва қулайлиги билан ажralиб турадиган усул бўлиб, етарлича асосли қарорлар (хуносалар) ни қабул қилишга ёрдам беради. Ягона мураккаблиги шуки, кўзда тутилаётган даромадларни ва инвестицияларни дисконтлаштириш бўйича ҳисоб-китобларни тўғри амалга оширишдан иборатдир. Айниқса, у янги очилаётган ва иш бошлиётган корхона ва фирмалар учун жуда фойдалидир. Чунки улар олган қарзларидан тезроқ қутилиб, даромадларини янада кўпайтириши, ва натижада маблағ сарфлашнинг энг фойдали лойиҳаларини танлаш имкониятларини яратмоқлари зарур.

Вазиятни таҳлил қилиш ва ечишга инструкцияси

Босқични номи	Иш мазмуни	Баҳолаш
---------------	------------	---------

		мезонлари (макс. балл)
Кейс объекти бўйича маълумот билан танишиш	Кейс ечилиши учун зарур бўлган маълумотларни кўриб чиқинг.	-
Муаммони ва вазифаларни асослаб бериш	Мавзу бўйича олинган билимлар асосида	0,5 балл
Вазиятни таҳлили	<p>1. Дисконт коэффициентини (Кд) аниқланг. (1) формула орқали дисконт коэффициентини ҳар йили бўйича хисоблаб беринг</p> <p>2. Инвестицияларни қоплаш муддатини ва ушбу муддат давомида пул қийматини ўзгаришини аниқланг Бунинг учун (2) формуладан фойдаланиш керак.</p> <p>3. «Азизбек» кичик корхонанинг фойдалилик коэффициентини аниқланг ва олинган натижа асосида инвестицион лоийҳани самарадорлиги бўйича хulosса қилинг. Бунинг учун (3) формуладан фойдаланиб, натижа асосида хulosса беринг.</p>	0,5 балл 0,5 балл 0,5 баллов

Муаммони гурухларда ечишни баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари:

1. Ҳар бир гуруҳ 2 балл олиши мумкин. Баҳолашда у 2 баллни битта ечилиган вариантга бериши мумкин, ёки иккита қисмга бўлиб (1,0:1,0 1,5:0,5) бериши мумкин. Бунда ўз варианти кўшилмайди.

2. Умумий олинган баллар ҳар бир вариант бўйича қўшилади ва ечиш варианти бўйича энг юқори олинган балл ютади.

Вариантларни баҳолаш

(балларда)

Гурух	Альтернатив муаммони ечиш вариантлари			
	1	2	3	4
I				
II				
III				
IV				

Кейсни бажариш босқичлари :

- Кейсдаги муаммоларни келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг(индивидуал ва кичик гурухда).
- Кейсда келтирилган муаммоларни бартараф қилишда бажариладиган ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги иш).

2-КЕЙС

«NESTLE» КОМПАНИЯСИ – ЎЗБЕКИСТОН БОЗОРИДА СУТ МАҲСУЛОТЛАРИ СИФАТИНИ БАҲОЛАШ

Бугунги кунда сут маҳсулотлари бозори Ўзбекистонда энг тез ривожланаётган бозор сегментлари қаторига киради. Нафақат истеъмолчилар сони ва пул тушуми ҳажми бўйича, балки янги ассортимент турлари бўйича ҳам. Сут маҳсулотлари Ўзбекистон бозорининг истиқболга эгалиги 2000 йил мамлакат бозорига Швейцариянинг йирик «Nestle» компанияси, шунингдек, қатор Россиялик компаниялар кириб келишидан ҳам кўриниб турибди.

Жаҳон стандартидаги янги технологияларни қўллаш сут маҳсулотлари бозори ривожланишининг муҳим омилига айланди ва бу сут маҳсулотларига талабнинг ўсишига олиб келди. Хусусан, сут маҳсулотлари потенциал истеъмолчилари ўртасида ўтказилган сўров натижаларига кўра республика аҳолисининг 85,7%и сут маҳсулотларини истеъмол қилас экан. Шундан 40%и сут маҳсулотларини қадоқланган ҳолда, 45,7%и эса сут сотовчилардан харид қиласди. Бунинг сабаби қилиб ташқи муҳитнинг кўплаб омиллари таъсиридан ташқари сут маҳсулотлари сифатини ҳам кўрсатиш мумкин. Ўз навбатида, бу маҳсулотнинг бозорда рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида маҳсулот сифатини аниқлашнинг аҳамияти ўсишига хизмат қиласди. Маҳсулот сифатини аниқлаш компания маҳсулотларига хос бўлган хусусиятларга таъсир этувчи энг кўп таъсир этувчи хусусиятларига асосланган. Тахлил натижалари компанияларга маҳсулот сифатини ошириш бўйича ҳаракатларни режалаштириш имконини беради. Шу муносабат билан тақдим этилаётган кейс **аҳамиятли** ҳисобланади.

Кейснинг мақсади компания маҳсулотлари сифатини тахлил қилиш ва баҳолаш қобилиятларини ривожлантириш ҳамда асосланган қарор қабул қилиш кўникмаларини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Таклиф этилган кейс қуидаги натижаларга эришиш имконини беради:

- маҳсулот сифатини тахлил қилиш кўникмаларига эга бўлиш;

- маҳсулот сифатини таҳлил қилиш ва баҳолаш бўйича иш натижаларини умумлаштириш қобилиятига эга бўлиш;
- органолептик усулни қўллаш асосида маҳсулот сифатини баҳолашни ўтказиш кўникмасини ишлаб чиқиш;
- мустақил қарор қабул қилиш кўникмаларини эгаллаш.

Маркетинг вазияти

Швейцариялик озиқ-овқат саноати гиганти Nestle сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича ўз бизнесини фаоллик билан кенгайтирмоқда. Бутун дунёда Nestle стратегияси узоқ муддатли инвестицияларни амалга оширишдан иборат. Ушбу стратегия доирасида компания, 1996 йилдан бошлаб Ўзбекистонда ҳам ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ўзбекона анъаналар ва дидга жавоб берадиган сут маҳсулотлари ишлаб чиқиш билан шуғулланиб, маҳаллий хомашё ва таркибий қисмлардан ҳам фойдаланмоқда. Шундай қилиб, Nestle озиқ-овқат саноатида халқаро тажриба ва етакчиликни истеъмолчиларнинг ҳоҳиш-истаклари ва эҳтиёжлари билан бирлаштиรмоқда.

2000 йил Nestle компанияси Наманган сут заводи асосида «Nestle» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонага асос солди, ҳозиги пайтда компания унга доимий инвестициялар киритмоқда (киритилган инвестициялар ҳажми ҳозирда 30 млн. долларга етган). Қисқа муддат ичida Nestle маҳсулотлари истеъмолчилар орасида ишонч қозонди. Айниқса, Nestle компаниясининг Nestle sutim, Nestle Supermilk каби савдо маркаларига катта талаб билдирилади. Республика бозорида Nestle улуши тахминан 25% атрофида. Сут маҳсулотлари бозорида эса компаниянинг улуши 33%ни ташкил қиласи.

Шу билан бирга, рақобат шароиларида Nestle истеъмолчилари ундан юқори сифатли сут маҳсулотларини арzon нархларда талаб қилмоқда. Бошқа кўплаб компаниялар каби, Nestle ҳам ўз маҳсулотлари сифатини ошириш имкониятларини топиш борасида доимий изланишлар олиб боради. Бу мақсадда компания раҳбарияти органолептик усул ёрдамида сут маҳсулотлари сифатини таҳлил қилишга қарор қилган бўлиб, бу усульнинг моҳияти сутнинг сифат хусусиятларини 100 балл шкаласида компания истеъмолчилари нуқтаи назаридан баҳолашдан иборат.

Топширик:

Органолептик усулни қўллаш асосида Nestle sutim ва Nestle Supermilk сут маҳсулотлари сифатини аниқлаш ва уларнинг сифатини ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарур.

2-илюва (3.3)

II. УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР

Муаммо

Органолептик усул ёрдамида Nestle sutim, Nestle Supermilk сут маҳсулотлари сифатини баҳолаш.

Топшириқлар

1. Истеъмолчи нуқтаи назаридан Nestle sutim ва Nestle Supermilk сут маҳсулотларининг хусусиятларини ажратиб кўрсатинг.
2. Балл сеткаси ёрдамида Nestle sutim, Nestle Supermilk сут маҳсулотларининг ҳар бир хусусиятини баҳоланг.
3. Nestle sutim, Nestle Supermilk сут маҳсулотлари сифат умумий кўрсаткичини аниқланг ва уни этalon сут маҳсулоти кўрсаткичи билан таққосланг.
4. Сут маҳсулотлари сифатини ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқинг.

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган холда қуидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- ўқув ва илмий адабиётлардан, интернет ресурсларидан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маъruzалар қисмини ўзлаштириш;
- дарс давомида тўлиқ бажарилмаган топшириқларни охиригача етказиш ва улар бўйича хulosалар қилиш;
- янги тахлилий компьютер дастуралридан ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- маҳсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлик бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

Мустақил ишларни бажаришда ҳар бир тингловчи алоҳида маълум қишлоқ хўжалиги тармоқлари ёки сув хўжалиги корхоналари билан ишлайди ва мустақил ишларни бажаришда айнан ўшаташкилот ва корхоналарнининг иқтисодий- молиявий фаолияти ўрганилади.

Мустақил таълим мавзулари

1. Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини бошқариш тизими ва уни такомиллаштириш.
2. Қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятини бошқаришни ахборотлар билан таъминлаш ва молиявий ҳисботларни юритиш тизими.
3. Қишлоқ хўжалигига кўп укладли иқтисодиётни ривожлантириш йўллари.
4. Дехқончилик маҳсулотлари таннархи ва уни пасайтириш йўллари.
5. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида баҳолар ва баҳо сиёсатини бошқариш.
6. Сув хўжалигига инвестициялар, инновациялар ва илмий-техник тараққиёт..
7. Сув хўжалиги қурилишида бозор иқтисодиёти механизми.

II. ГЛОССАРИЙ

Агросаноат мажмуасини истеъмолчиларнинг талабини қондириш имкониятига эга бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш мақсадида иқтисодиётнинг айрим ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, қайта ишлаш ҳамда сотиш билан шуғулланувчи соҳаларнинг иқтисодий уйғунлашуви ташкил этади.

Айланма восита (ўзгарувчи восита) – қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ишларини бажариш, хизматлар кўрсатиш жараёнида бир марта марта қатнашиб, ўз қийматини уларга тўлиқ ўтказадиган воситадир.

Асосий восита (доимий капитал) – қишлоқ хўжалик субъекти фаолиятида узоқ йиллар мобайнида фойдаланиб, ўз қийматини ишлаб чиқариладиган маҳсулотларга, ишларга, хизматларга аста - секин ўтказиб берадиган воситадир.

Асосий капиталга инвестиция (капитал қўйилма) – асосий воситаларни барпо этиш ва такрор ишлаб чиқариш билан боғлиқ сарфлар.

Давлат буюртмаси – давлат эҳтиёжини қондириш имкониятига эга бўлган маҳсулот микдори.

Давлат ер кадастри – ернинг таркиби, хўжалик, хуқуқий режими, уларнинг тоифалари, сифат кўрсаткичлари ва қиймати (баҳоси), ер участкаларининг манзили ва ўлчамлари, уларнинг ер эгалиги, ундан фойдаланувчиларга, ижарачиларга, тўғри тақсимлаш тўғрисида зарур, ишончли маълумотлар ва ҳужжатлар йиғиндиси.

Давр харажати – қишлоқ хўжалик субъектини бошқариш билан боғлиқ бўлган харажатлар йиғиндиси.

Дехқон хўжалиги –

Дехқон хўжалиги - оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етишириб реализация қиласидиган юридик шахс мақомига эга бўлган ёхуд эга бўлмаган оиласи майдада товар хўжалигидир.

Ер участка ижараси – давлат мулки ҳисобланган ер участкаларини хуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар асосида ердан фойдаланувчиларга ҳақ тўлаш эвазига маълум муддатга ҳамда умрбод мерос қолдириш хуқуки билан бериш.

Ердан фойдаланиш коэффициенти - қишлоқ хўжалик корхонасида йил мобайнида ҳақиқатда фойдаланилган ер майдонини фойдаланиш мумкин бўлган ер майдонига нисбатидир.

Ерлардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини барча омилларидан тадбиркорлик билан фойдаланиш натижасида ҳар бир гектар ердан олинган соф фойда муммасини ифодалайди.

Ер мониторинги – ер фонди, ундан фойдаланувчилар, уларнинг таркибидаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, ерларнинг сифати, қийматини баҳолаш, барча салбий жараёнларни олдини олиш, уларнинг оқибатларини тугатиш, ер фондидан фойдаланиш даражасини аниқлаш

билин боғлиқ бўлган чора-тадбирлар мажмуи.

Жонлаштириш – табиий ва иқтисодий шароитларни эътиборга олган ҳолда қишлоқ хўжалик субъектларида у ёки бу маҳсулотларни ишлаб чиқариш.

Ижтимоий инвестиция – инсон салоҳиятини, малакасини, тажрибасини оширишга ҳамда номоддий неъматларни ривожлантиришга сарфланадиган маблағлар.

Иқтисодий қонун – иқтисодий жараёнларнинг мазмун, моҳиятини ҳамда турли томонларини акс эттирувчи, муҳим, инсон таъсирисиз доимо тақрорланадиган, узвий иқтисодий заруриятни тақоза этувчи муносабатлар.

Инвестиция – қишлоқ хўжалик субъектини барча омилларини ривожланишига сарфланадиган маблағ.

Инвестициянинг иқтисодий самарадорлиги – бир вақтда инвестиция қилилган маблағ эвазига олинган соф фойда.

Инвестициянинг қопланиш муддати – инвестиция қилинаётган маблағнинг шуни эвазига олинган соф фойда суммасига нисбати билан ҳисобланади.

Инновацион инвестиция – техника ва технологияларнинг янги навларини яратиш ва ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган маблағ сарфи.

Интенсив йўл (усул) – фан-техника ютуқларини, илғор технологииларни жорий этиш учун қўшимча меҳнат, маблағ сарфлаб, инвестицияларни жалб этиш маҳсулот ишлаб чиқариш хажмини, унинг сифатини яхшилиш, бажариладиган ишлар ва кўрсатиладиган хизматлар кўламини кенгайтиришdir.

Ихтисослаштириш – табиий, иқтисодий шароитларни ҳамда талабни эътиборга олган ҳолда қишлоқ хўжалик субъектларини бир ёки икки турдаги маҳсулот етиштиришга мослаштириш.

Ишлаб чиқриш харажатлари - маҳсулот ишлаб чиқриш билан боғлиқ бўлган меҳнат, маблағ, материал, харажатлар йиғиндиси.

Ишнинг механизациялашганлиги – қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, иш бажариш жараёнида бажариладиган ишларни машина ва механизмлар ёрдамида бажарилганлиги.

Маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи – етиштирилган бир бирликдаги маҳсулотга сарфланган ишлаб чиқриш харажатларининг суммаси.

Меҳнат ресурси – қонунларда белгиланган ёшга эга бўлиб қишлоқ хўжалик субъекти худудида яшаб, меҳнат қобилиятига эга бўлган инсон.

Меҳнат унумдорлиги - меҳнат қилиш қобилиятиги эга бўлган инсоннинг маълум бир вақт ичida бажарадиган ишининг, кўрсатадиган хизматининг, ишлаб чиқарадиган маҳсулотининг миқдори (қиймати).

Меҳнатнинг фонд билан қуролланганлиги – қишлоқ хўжалик субъектининг бир бирликдаги меҳнат ресурсига тўғри келадиган энергетик ресурслар қуввати миқдори.

Молиявий харажатлар – солиқлар, тўловлар ва бошқа молиявий харажатлар суммаси.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш – давлат мулкига асосланган давлат корхоналари ва ташкилотларини нодавлат мулкчилигига асосланган ширкатларга, фермер ва ижара корхоналарига ҳамда давлатга қаришли мулк бўлмайдиган бошқа субъектларга айлантиришдир.

Пул даромади – қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш оқибатида олинадиган пул тушумлариридир.

Пул тушумлари оқими – тайёр маҳсулотларни сотиш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш натижасида ойлар, чораклар бўйича тушадиган пуллар суммаси.

Реал инвестиция – моддийлашган асосий ва айланма восита (капитал) барпо этишга сарфланадиган маблағ.

Соф капитал қўйилма – маблағ сарфлаш натижасида ишга туширилган объектнинг ёки асосий капиталнинг қиймати.

Соф фойда - барча пул тушумларидан ишлаб чиқариш, давр, молиявий ва фавқулодда харажатларни чегиргандан сўнгги сумма.

Суғориладиган ерлар – қишлоқ хўжалигида фойдаланиш ва суғориш учун яроқли бўлган, сув ресурслари шу ерни суғорилишини таъминлай оладиган суғориш манбаи билан боғланган ерлардир.

Тадбиркорлик – мулкчилик субъектларининг амалдаги қонунлар доирасида ташаббускорлик билан тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш натижасида даромад ҳамда фойда олишга қаратилган фаолиятидир.

Тайёр маҳсулот - қишлоқ хўжалик субъектларида ишлаб чиқарилиб, сотишга, айирбошлишга мўлжаллаган маҳсулотлар.

Товар маҳсулоти - қишлоқ хўжалик субъектлари томонидан истеъмол талабни қондириш имкониятига эга бўлган маҳсулот.

Тупроқнинг унумдорлиги – тупроқ таркибида мавжуд бўлган турли хилдаги микро ва макро элементларнинг маҳсулот етиштириш мақсадида амалга ошириладиган агро-техник ҳамда технологик тадбир ёрдамида маҳсулот етиштириб бериш қобилиятидир.

Ўсимликчилик ялпи маҳсулоти - ўсимликларга ишлов бериш, парвариш қилиш натижасида етиштирилган маҳсулот миқдори.

Фермер хўжалиги – ўзига узоқ (30 йилдан 50 йилгача) муддатга ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган мустақил хўжалик юритувчи субъектдир.

Фойдалиликни қишлоқ хўжалик субъектлари томонидан сарфланган барча харажатлар эвазига олинган соф фойда суммасини ифодалайди.

Фонд билан таъминланиш – қишлоқ хўжалик субъектларининг бир бирликдаги ер майдонига тўғри келадиган фондлар қиймати.

Хусусийлаштириш – давлат мулкчилигига асосланган давлат акциядорлик жамиятларининг акцияларини амалдаги қонун талаблари асосида сотиб олиш нодавлат мулкига айлантиришдир.

Чорвачилик ялпи маҳсулоти - чорва ҳайвонларини парвариш этиш, боқиши натижасида етиштирилган маҳсулот миқдори.

Ширкат хўжалиги - қишлоқ хўжалик товарлари ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш мақсадаида фуқароларнинг пойчиликка асосан оилавий пудрат асосида уюшиб, эркаин, мустақил фаолият кўрсатадиган, юридик шахс мақомига эга бўлган хўжалик юритиш субъектидир.

Экинлар ҳосилдорлиги - тадбиркорлик билан амалга ошириладиган барча ирригацион, мелиоратив, агро-техник, технологик ҳамда иқтисодий тадбирлар натижасида маълум бир ер майдонидан етиштириб олиган маҳсулот миқдори.

Экстенсив йўл (усул) – меҳнат ва маблағ сарфлаб, мавжуд воситалардан фойдаланиб ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш эвазига маҳсулот ишлаб чиқриш хажмини кўпайтиришdir.

Ялпи капитал қўйилма – асосий капиталга сарфланган асосий жами маблағ.

Қишлоқ хўжалик ерлари – қишлоқ хўжалик субъектларига турли хилдаги тайёр маҳсулотларни, ишлаб чиқариш мақсадида маълум муддат давомида фойдаланиш учун берилган ҳайдаланиладиган ерлар, яйловлар, пичанзорлар, кўп йиллик дараҳтлар майдони йигиндиси.

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ҳақиқий қиймати – бозор иқтисодиёти субъектлари томонидан бир календар йил давомида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг ҳақиқий баҳолардаги қиймати.

Қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти – бозор иқтисоди субъектлари томонидан бир календар йил давомида ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори.

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Меъёрий- хуқуқий ҳужжатлар

1. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил. 11-12-сон, 295-модда

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4456-сон фармони

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 12 июнданги ПФ-4732-сон фармони

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 2 ноябрдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1426-сонли қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 17 ноябрдаги “Ўзгротехсаноатхолдинг АЖ фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-2658-сонли қарори

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарори

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги “Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқлари учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3003-сонли қарори

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим хамда олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 365-сонли қарори.

9. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 9 декабрдаги «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуни. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014. - 50-сон.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 октябрдаги «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3932 сонли Фармони. - www.lex.uz.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 мартағи «2008-2012 йилларда сұғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури тұғрисида» ги ПҚ-817-сонли Қарори. - www.lex.uz.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги «2013-2017 йиллар давомида сұғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чоратадбирлари тұғрисида» ги ПҚ-1958-сонли Қарори. - www.lex.uz.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиш бүйича Ҳаракатлар стратегияси тұғрисида" ги Фармони. - Тошкент, 2017.

II. Махсус адабиётлар

1. Чориев Қ.А. Қишлоқ хўжалигида инновациялар жорий қилиш тизимини шакллантириш ва рағбатлантириш истиқболлари (услубий тавсиялар). - Тошкент, 2014. - 30 б.

2. Умаров С.Р. Сув хўжалигини инновацион ривожлантириш йўллари. - Монография. - Т.: Фан ва технологиялар, 2017. - 177 б.

3. Мухитдинова Н.К. Методология инновационного развития национальной экономики. - Монография. - Т.: Фан ва технологиялар, 2016. - 188 б.

4. Умурзоқов Ў.П., Абдураҳимов И.Л. Сув хўжалиги менежменти. - Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2008. - II-жилд. – 469 б.

5. Abdug`aniev A., Abdug`aniev A. A. - Qishloq xo`jaligi iqtisodiyoti. Darslik. - Т.: O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg'armasi nashriyoti, 2011. -244 bet.

6. Umurzaqov O', Toshboyev A., Toshboyev A. Qishloq xo`jaligi iqtisodiyoti va menejmenti. – Toshkent, 2008.

7. Umurzoqov O'.P. va boshqalar. Suv xo'jaligi iqtisodiyoti va menejmenti. O'quv qo'llanma. - Т.: Iqtisod-moliya, 2008.

Интернет ресурслар

1. www.cummins.com
2. www.cumminsengines.com
3. www.perkins.com
4. www.cnh.com
5. www.claas.com
6. <https://blamper.ru/auto/wiki/dvigatel/akkumulyatornaya-sistema-neposredstvennogo-vpryska-common-rail-3540>
7. https://books.google.co.uz/books/about/Farm_Power_and_Machinery_Management_Tent.html?id=12qU2EqIjkC&redir_esc=y
8. <https://books.google.co.uz/books?id=G1VGAAAAAYAAJ&q=off+road+vehicles+engineering+principles&dq=off+road+vehicles+engineering+principles>

[es&hl=ru&sa=X&ved=0ahUKEwjZu9C2pKfMAhWmNpoKHUeID0cQ6AEIGjAA](https://www.google.com/search?hl=ru&sa=X&ved=0ahUKEwjZu9C2pKfMAhWmNpoKHUeID0cQ6AEIGjAA)